

ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМДАН БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ТАЪЛИМИ САРИ

Қўлланма К. Вебстернинг «Rethink, Refuse, Reduse... Education for sustainability in a changing world» китоби асосида яратилган ва Ўзбекистон учун мослаштирилган



Environment for Healthy Life



20.1

Қўлланма Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Республика таълим марказининг «Экология ва саломатлик» йўналишидаги Илмий-методик кенгаши (2007 йил 2-сон) карори билан нашрга тавсия этилган.

Экологик таълимдан барқарор ривожланиш таълими сари. / А.Н. Нигматовнинг умумий таҳрири остида. Қўлланма — Т., «Talqin» нашриёти, 2007. — 144 б.

Ушбу қўлланма 1992 йил Рио-де-Жанейрода ўтказилган саммит қарорларига жавобан юзага келган Барқарор ривожланиш таълим мининг ютуклари ва камчиликларининг таҳлилига бағишиланган. Унда глобаллашув даврида барқарор ривожланиш таълими самарадорлигини оширишнинг экологик, ижтимоий ва иктисадий муаммоларига эътиборни қартиш, реклама ва омма билан алоқа тажрибасини жалб этиш, кишиларни кам ресурс талаб қилгани ҳолда муносиб турмуш даражасини таъминлай олувчи технологиялар билан таъминлаш, таълим муассасасини барқарор ривожланиш тамойиллари асосида бошқариш йўллари таклиф этилган.

Мазкур қўлланмани тайёрлашда иштирок этганлар:

Нигматов Асқар Нигматуллаевич — Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ профессори, г.ф.д., профессор.

Салихова Гўзал Ўринбаевна — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Республика таълим марказининг «Саломатлик ва спорт» бўлими бошлири.

Мусаев Маъруфжон Набиевич — Тошкент Давлат техника университети Атроф-муҳит муҳофазаси кафедраси мудири, т.ф.н., доцент.

Раҳимов Улугбек Турсынбоевич — «Атроф-муҳит ва соғлом ҳаёт» жамоатчилик маркази ижрочи директори.

Мусаев Абдурауф Набиевич — Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза килиш давлат қўмитаси Фан тараққиёти ва тарифот-ташвиқот бўлими бошлирининг ўринбосари, п.ф.н., доцент.

Нишонов Баҳриддин Эркинович — Ўзбекистон Миллий университети Амалий экология бўлими катта илмий ходими, т.ф.н.

Султонов Рўзи муҳаммад Нуртуллаевич — ЎзР ОЎМТВ Ўрта ва махсус таълим Маркази лойиҳаси менежери.


Мустафаева Саида Телмановна — «Атроф-муҳит ва соғлом ҳаёт» жамоатчилик маркази тренери.

Джўраева Гулчехра Мирзалиевна — «Атроф-муҳит ва соғлом ҳаёт» жамоатчилик маркази методисти.

АЗИМОВ ШУҲРАТ АБДУВАЛИЕВИЧ — «Атроф-муҳит ва соғлом ҳаёт» жамоатчилик маркази ижрочи директори ўринбосари.

Қўлланма Британия Кенгаши ва ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси молиявий кўмагида чоп этилди.

ISBN 978-9943-325-27-2



© «Атроф-муҳит ва соғлом ҳаёт», жамоатчилик маркази, 2007 й.

© «Talqin» нашриёти, 2007 й.

Мундарижа

Сўз боши	4
Русча нашрига сўз боши	6
Биринчи боб	
Сайёрамиз ҳолати	8
Иккинчи боб	
Онг ҳолати	29
Учинчи боб	
Дунёқараш излаб.....	40
Тўртинчи боб	
Барқарор ривожланиш таълим мининг устувор йўналишларини қайта баҳолаш	54
Бешинчи боб	
Барқарор ривожланиш ва таълимга ёндашувлар	84
Олтинчи боб	
Барқарор ривожланиш таълими бўйича тренинг ўтказиш усуллари	92
Еттинчи боб	
Таълим муассасаси ичидаги ташқарисида	116
Хулоса	125
Адабиётлар	126
Илова	
1-илова. «Маҳбуснинг “яшиллашган” муаммоси»: нимада учун биз ўзимизни экологик жиҳатдан мутаносиб тутмаймиз?	128
2-илова. «Яшил» истеъмол — экологик муаммолар ечими эмаслигининг беш сабаби	132
3-илова. Барқарор ривожланиш: биз қандай қилиб унга томон ҳаракат қилишимиз мумкин?	134
4-илова. Экологик изни ҳисоблашдан таълим жараёнида нимада учун ва қандай фойдаланиш мумкин?	137

Матндағи белгилар

ⓘ Ахборот қисми

Ψ Машгулот

Табиат ва инсон ўзаро муайян қонуниятлар асосида муносабатда бўлади. Бу қонуниятларни бузиш, англаб бўлмас экологик фалокатларга олиб келади.

Ислом Каримов

Сўз боши

Кишилик жамияти тарихида сиёсий зиддиятларга бой жуда кўп даврлар бўлган. XX асрнинг охирига келиб инсоният келажакда қандай килиб тинч ва осойишта ҳёт кечириши мумкин, деган савол энг долзарб масалага айланиб қолди. Ушбу саволга илк бор Гро Харлем Брунталанд бошчилигидаги халқаро комиссия «Барқарор ривожланиш концепцияси»да умумлаштирган тарзда жавоб беришга ҳаракат қилди. Шу тариқа, 1987 йилдан бўён дунё ҳамжамияти нинг биргаликда ҳал қилаётган масалаларидан бири — маҳаллий, миллий, минтақавий ва глобал миқёсда барқарор ривожланишга эришиш ҳисобланади.

Барқарор ривожланиш юясининг максади — келажак авлод эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ҳозирги замон кишилик жамиятининг узвий боғланган экологик, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётини бир меъерда таъминлашдир. Меъёр эса бевосита кишиларнинг билими ва онгига боғлиқ. Уларга барқарор ривожланишга оид билим бериш ва онгини ривожлантириш ҳамда шакллантириш, таълим ва тарбия соҳаси давлат ва жамиятнинг алоҳида эътиборида турган Ўзбекистон Республикаси каби мамлакатларда тўғридан-тўғри ўқитиш масаласи замон талаби даражасида қўйилган. Зоро, ҳар бир юртдаги таълим ҳолати давлат ва жамият имконияти ва келажак истикболини кўрсатувчи «барометр» бўлиб хизмат килади, унинг маданиятини, жаҳон ҳамжамияти даги ўринини аниқлаштириб беришга хизмат килади. Шунинг учун бўлса керак, ўзини ҳурмат килувчи ҳар бир мамлакат таълим соҳасига устувор масала сифатида қарайди.

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистонда ҳам таълим соҳасида жуда катта ўзгаришлар килинди. Аввалинбор, узок вакт мобайнида ташки дунёдан «қалин чодирлар» билан ажратиб қўйилган таълим тизими ва ёшлар ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдалана бошлидилар ва уларнинг илм-фан ютуқларидан баҳраманд бўла бошлидилар. Ўзбекистонда умумжаҳон ва минтақа миқёсдаги ЮНЕП, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, Марказий Осиё Экологик Марказ каби ўнлаб халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари ўз ишини бошлади.

1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисидаги Қонуни билан биргаликда кабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий Дастирида «Мактабларда ва бошқа ўқув юртларида таълим жараёнининг ўзидағи ва ўқитиши услубиётидаги ҳар хил камчиликлар оқибатида билим беришда юзага келадиган нодемократик ҳамда жамият учун зарарли муҳит шунга олиб келдикси, ўқувчиларда мустақил фикрлаш ривожланмай қоляпти, оқилона ҳаётий ечимлар қабул қилиши учун етарли тайёргарлик йўқ...», дея эътироф этилган. Кейинги 10 йил давомида ушбу камчиликларни бартараф этиш учун юртимизда бир қатор ижобий ишлар килинди. Хусусан мактабдан ташкири таълимни мувофиқлаштирувчи давлат муассасаларидан бири «Bioekosan» маркази 2003 йилдан бошлаб БРТни йўлга қўйган эди*. Ўзбекистон Миллий университетида барқарор ривожланишнинг геоэкологик жиҳатлари

* 2007 йил ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан педагогларнинг малакасини ошириш ва кайта тайёрлашга мўлжалланган 25 модулдан иборат, «Барқарор келажак учун таълим» ўкув-маърифат дастури комплект-диски ҳам чиқарилди.

ишилаб чикилмокда. Ушбу сатрлар муаллифининг ҳам бир қатор ўкув кўлланма, рисола ва маколалари айнан ушбу мавзуни ёритишига қаратилган. Бироқ мамлакатимизда БРТга доир маҳсус ўкув тизими ҳанузгача шаклланмаган. Бинобарин мавжуд камчиликларни эволюцион тарзда бартараф этмоқ замон талабидир.

Муҳтарам педагоглар ва таълим соҳасида фаолият юритаётган мутахассислар! Кўлингиздаги ушбу кўлланма, фикримизча, миллий таълим соҳасида етишмаётган қўйидаги масалаларнинг ечимини топишга қаратилган:

- 1) дунёнинг бир қатор мамлакатларида тан олинган янги барқарор ривожланиш таълими билан яқиндан танишиш;
- 2) экологик таълим барқарор ривожланиш таълиммининг бир қисми эканлигини англаб етиш;
- 3) таълимга ноанъанавий равишда ёндашиш асосида барқарор ривожланиш таълимини ўзлаштириш;
- 4) таълим ва тарбияда янгича дунёкарашларни ўзлаштириб олиш.

Мазкур кўлланма Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқаришнинг З-босқичида кўрсатиб ўтилган «тўпланган (жумладан, дунё — А.Н.) тажрибасини таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий (нафақат экологик — А.Н.) ривожлантириш истиқболларига мувоғик кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш имкониятини берса» ажаб эмас.

Кўлланманинг инглизча варианти «Rethink, Refuse, Reduse. Education for sustainability in a changing world» деб номланиб, у Кен Вебстер муаллифлигига 2004 йил Буюк Британияда чоп этилган. М.А.Жевлакова, П.Н.Кириллов ва Н.И.Корякиналар унга кўшимча ва ўзгартиришлар киритиб, унинг русча номини «От экологического образования к образованию для устойчивого развития» деб қўйишиди.

Бир гурух ўзбек мутахассислари кўлланманинг инглизча ва русча вариантларининг мазмун ва моҳиятига жуда катта ўзгартириш киритмаган ҳолда, уни «Экологик таълимдан барқарор ривожланиш таълими сари», деб номлашга қарор қилишди. Зоро, XXI асрга келиб кўпгина мамлакатлarda бўлгани каби, экологик таълимдан барқарор ривожланиш таълимига ўтиш даври келди, деб ҳисоблаймиз.

Кўлланмага инглизча ва русча вариантларида келтирилган мисоллар билан бир қаторда Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистонда ушбу соҳада қилинган ишлар ва маълумотлар киритилган. Кўлланма 7 боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Унда асосий зътибор мактаб ва унинг юкори синфларига, бизнинг таълим тизимимизда эса академик лицей ва касб-хунар колледжларига берилган. Чунки барқарор ривожланиш таълими айнан 10—16 ёшли ўкувчиларни ўқитиш ва ўргатишдан бошланиши зарурлиги уқтирилади.

Кўлланма барқарор ривожланиш таълимимизда ҳамма жихатларини ва барча таълим босқичларини қамраб олади, дейиш қийин. Лекин унда барқарор ривожланишга оид таълимда қандай масалалар акс этиши мақсадга мувоғик, деган саволга жавоб топиш мумкин. Ушбу китоб ишнинг дебочаси, у келгусида миллий барқарор ривожланиш таълимими, реал ҳолатдан келиб чиқкан тарзда, йўлга қўйишига туртки берса ажаб эмас.

Профессор А.Н.Нигматов

Русча нашрига сўз боши

Рио-де-Жанейрода 21-аср учун Кун тартиби кабул қилингандан бўён ўн йилдан кўпроқ вакт ўтган бўлса-да, атроф-мухит ҳолатида ҳам, экологик таълим соҳасида ҳам сезиларли ижобий ўзгаришлар содир бўлмади. Буни билиш учун экологик таълим бўйича сўнгги икки йилда ўтказилган конференцияларнинг тезис тўпламларини ўн йил аввалгилари билан таққослаш кифоя.

Ушбу китоб чоп этилганидан 2—3 йил ўтгач, 1992 йилда туғилган болалар барқарор ривожланишнинг асосий ғояларини мустакил тушуниб етиб, бутун инсониятнинг ва мамлакатимизнинг шу йўналишдаги фаолиятларини баҳолай оладилар. Биз уларга инсониятнинг (ёки мамлакатимизнинг) барқарор ривожланиш йўлида эриштан ютукларини намоён этувчи бир нечта мисолни кўрсатиб бера оламизи?

Бу болалар бизга «Барқарор дунё қандай бўлади?» деб савол беришлари мумкин. Биз бунга жавоб топиб беришимиз амримаҳол. Чунки, келажак хақида башорат қилиш мумкин бўлса-да, унинг кутилмаган тасодифлари кўп бўлади. Шу сабабли, барқарор ривожланиш тўғрисида «ўқитиш» тарих ёки физика каби анъанавий фанларни ўқитишдан фарқ қиласди. Таълимнинг бошқа соҳаларига нисбатан барқарор ривожланиш таълимида инсоннинг танқидий фикрлаш қобилиягини шакллантириш жуда муҳим саналади. шунинг учун ушбу китобда экологик таълим ва барқарор ривожланиш таълимининг мавжуд ҳолатини танқидий тушинишга алоҳида эътибор қаратилган.

Китобнинг яратилишидаги айрим жиҳатлар хақида алоҳида айтиб ўтишни истардик. Барқарор ривожланиш глобал миқёсдаги ташабbusлар ва ҳаракатларни талаб этувчи жараёндир.

Сўнгги йилларда МДХ мамлакатларида олимларнинг барқарор ривожланишга ва барқарор ривожланиш таълимининг назарий асосларига қарашларини ёритувчи кўплаб мақолалар пайдо бўлмоқда. Чет эл олимларининг фикрлари мамлакат китобхонларига асосан Рим Клуби ишларидан танишдир. Бирок, сўнгги йилларда чет эл матбуотида мамлакатимиз мутахассислари танишиб чиқиши учун қизиқарли бўлган кўргина ғоялар пайдо бўлди. Китобда хориж тадқикотчиларининг ишларидан кўчирмалар кўпроқ ишлатилганлиги мамлакатимиз мутахассислари фикрларига бефарқлик эмас, балки китобхонларни хориждаги қизиқарли мақолалар билан таништириш мақсадини кўзлайди.

Глобал ахборот алмашувда Интернет тармоғининг аҳамияти кундан кунга ортиб бормоқда. Шу анъанага амал қилган ҳолда китоблар билан бир қаторда Интернет сахифаларидан ҳам манба сифатида фойдаланишга ҳаракат қилдик, чунки сўнгги вактларда китобларни излаб топиш анча муаммо бўлиб қолмоқда.

Қўлингиздаги китоб сиз фаолият юритаётган ташкилот — мактаб, университет ёки нодавлат ташкилот (ННТ) миқёсида барқарор ривожланиш таълими соҳасидаги муаммоларни бутунлай ҳал этмайди, албатта. Бироқ муаллифлар ушбу китоб максадга эришиш учун қайси йўналишда харакат қлиш лозимлигини яхшиrok тушунишга ёрдам беради, деб умид қиладилар. Биз барқарор ривожланиш таълими билан борғлик муаммоларни тўлиқ қамраб олишга эмас, балки ўзимиз жуда мухим ва долзарб деб хисоблаган масалаларни батафсил таҳлил этишга харакат қилдик.

1-боб — «Сайёрамизнинг ҳолати»да дунёдаги ҳозирда мавжуд экологик вазият ва бу вазиятга таъсир этувчи глобал омиллар кўриб чиқилади.

Иккинчи — «Онг ҳолати» бобида эса, замонамизнинг экологик муаммолари Farb мамлакатларида кенг таркалган ва дунёнинг қолган қисмларида ҳам кенг таркалиб бораётган «консюмеризм» (истеъмолчилик) натижаси сифатида кўриб чиқилади ҳамда ахолининг экологик онгини ривожлантириш имкониятлари ва бу йўлдаги асосий тўсиклар таҳлил қилинади.

Учинчи боб — «Дунёқараш излаб» ҳозирги замон цивилизациясидаги ҳаёт тарзига дунёқарашнинг таъсирини, ва аксинча, ҳозирги замон цивилизациясининг инсонлар дунёқарашига таъсирини очиб беради. Юкори самарали экологик технологияларнинг пайдо бўлиши барқарор ривожланиш ғояларини амалга ошириш мумкинлигининг исботи сифатида кўриб чиқилади.

Тўртинчи бобда барқарор ривожланиш таълими нимани ўргатиш зарурлиги борасидаги муаллифларнинг қарашлари келтирилади. Барқарор ривожланиш таълими ҳозирги вактда ўқувчиларни «21-аср Кун тартиби»нинг тавсияларини ҳаётга тадбиқ этишга кодир ижтимоий-иқтисодий ечимлар билан деярли таништирмаётгани ҳакида сўз боради.

Бешинчи боб барқарор ривожланиш таълимининг энг мухим масаласига, яъни «қандай ўргатиш керак?» деган саволга бағишлиданади. Барқарор ривожланиш таълими танқидий ва ижодий фикрловчи, масъулиятли фуқарорларни тарбиялашга қаратилгани босис, унда ўқитишининг янги, ноанъанавий, интерфаол ва баҳс-мунозарага асосланган усулларидан фойдаланиш зарур бўлади. Айнан шунинг учун ушбу бобда таълимнинг психологик асослари ва ўқитувчи фаолиятининг самарасини оширувчи айрим усуллар ва воситалар муҳокама учун таклиф этилади.

Олтинчи бобда китобхонлар эътибори ўқитувчиларни барқарор ривожланиш таълими йўналишида ишлашга тайёрлаш масалаларига қаратилади. Бундай тайёргарлик услуги сифатида семинар-тренингларда ўқитиш таклиф этилади. Семинар-тренингларни ташкил этишдаги асосий ёндашувлар ва тамоийлар баён этилади.

Еттинчи бобда келажакда барқарор ривожланиш таълимнинг шаклланиш йўналишлари белгиланади. Барқарор ривожланиш таълимими мактаб умумий сиёсадаги, хусусан, мактаб биноси бошқарувидаги ўзгаришларсиз амалга ошириш мумкин эмаслиги исботланади. «Барқарор ривожланиш мактаби»ни яратиш йўлидаги фаолиятлр таклиф этилади.

Табиат — бу аждодлардан қолған мерос змас, балки авлодлардан қарзга олинған бойликтір.

Баркарор ривожланиш концепциясидан

Бириңчи боб САЙЁРАМИЗ ҲОЛАТИ







Шуни таъкидлаш жоизки, биосферанинг бузилиши лоқайд инсонлар фаолиятининг натижаси змас. Бу күпроқ бакалавр, бизнес бошқаруви магистри ҳамда фан доктори унвонига эга инсонларнинг фаолияти маҳсулидир.

Профессор Дэвид Орр

Баркарор ривожланиш нимани англатишни тушуниш учун, дунёни нима «бекарор» ҳолатга олиб келишини аниклаб олмоқ зарур. Бир карашда бу аник-равшан масалага ўхшайди, аслида эса таълим тизимида дунёning ҳозирги «бекарорлик» ҳолати сабабларини ўқувчилар тушунишига ёрдам берувчи жиҳатларга етарли даражада эътибор қаратилмаяпти. Бундай вазият педагогларнинг ўзлари мазкур сабабларни тушунмаслиги оқибатида юзага келган бўлиши мумкин. Аммо бу уларнинг айби змас, асло. Бунинг сабабини ўзгариб бораётган мураккаб дунёда юз берәётган барча воқеа ва ходисалардан хабардор бўлиш имкониятини чеклаётган вақт танқислигидан изламоқ керак. Бирок, «бекарорлик» баюят чукур илдиз отган бўлиб, улар бизнинг хатти-харакатларимиз, ўй-хаёлларимизга таъсир кўрсатади. Баркарор ривожланиш таълими зарурлигининг аҳамияти шунинг учун ҳам ортиб бормоқда. Бир қанча ақидаларни қабул килиш ва улар асосида ўқувчиларга баркарор ривожланиш масалаларига қай тарзда ёндашиш ва шу билан боғлиқ ҳолатларда қандай харакат килиш зарурлигини кўрсатиб бера оладиган йўл-йўрикни шакллантириш ушбу «икки томонлама тазийк»ка жавоб бўлиши мумкин. Ёш овчи учун бу йўл-йўрик айнан шундай ёндашувга мисол бўла олади, яъни: «милтиқни ўқла — нишонга ол — ўқ уз». Шубҳасиз, бу — сафсата. Бирок ҳозирги кунда кўпроқ шундай ёндашув таклиф этилмоқда.

Демак, биз ўзимиз иш олиб бораётган вазиятни батафсил аниклаб олишимиз лозим. Кишиларни «бекарор дунё»дан хабардор қилишнинг анъанавий усули экосферага таъсир кучайганини тасвирловчи статистик маълумотларни, масалан, шу бобда келтирилган расмларни кўрсатишидир. (Батафсил маълумотлар билан Дунё ресурслари институти сайтида танишиш мумкин: <http://www.wri.org>)

Афсуски, бу расмлар умумий йўналишни акс эттиради ҳамда турли кўрсаткичлар бўйича вазият бирдан ёмонлашаётганини кўрсатади.



i 1.1

**Экотизимларга
боғлиқлигимиз ва уларга
таъсиримиз (жаҳон
микёсида)**

Кишлоқ хўжалиги маҳсулот-ларининг йиллик киймати	1,3 трлн. АҚШ доллари
Тупроғи ориқлашган қишлоқ хўжалиги ерларининг хиссаси	65%
Ҳаёти ўрмон билан бевосита боғлиқ бўлган аҳоли сони	350 млн. киши
Ўрмонларнинг кискариши кишлоқ хўжалиги ривожланишидан (олдинги вазият билан таққослаганда)	50%
Оксилни асосан баликдан оладиган аҳоли сони	1 млрд. киши
Камайиб бораётган балик турларининг хиссаси	75%
Хўжалик эҳтиёжлари учун ишлатиладиган дарё суви хиссаси	20%
Тўённлар билан ажратилган дарё ҳавзалари хиссаси	60%
Сайёра умумий биологик маҳсулотининг хўжалик эҳтиёжлари учун ишлатилётган хиссаси	40—50%

(Ушбу глобал жараёнларни махаллий күрсаткичлар билан тақкослаш учун Дунё ресурслари институти (<http://www.wri.org>) ва Worldwatch институти (<http://www.worldwatch.org>) сайтларидан фойдаланиш мумкин.) Бу асосий йўналишни бошка бир катор күрсаткичлар бўйича статистик маълумотлар асосида ҳам кўрсатиш мумкин.

Таълим ва маорифга бундай ёндашув кўпинча «алармистик»¹ деб атади. Бунда, агар кишилар баъзи маълумотлардан хабардор бўлсалар, ўзгариш заруриятини **дарҳол** тушуниб етадилар, деган тахминга асоссланилади. Аслида бундай ёндашув ўқувчиларда: «Фалокат якинлашиб келмокда, демак, имконият борида ҳамма нарсадан фойдаланиб қолайлик», — кабилидаги муносабатни уйғотади. Бундай муносабат барқарор ривожланиш таълими учун мақбул асос бўла олмаслиги аниқ.

Шунинг учун баъзи педагоглар маълум сабабларга кўра ижобий ўзгаришлар мисолидан фойдаланишга харакат қиладилар ва натижада «Ҳаммаси ёмон, лекин жуда хавотир оладиган даражада эмас», — деган фикр пайдо бўлади. Мунтазам ўtkазиладиган шанбаликлар, шахарни кўкаламзорлашириш шиори остида табиат муҳофазасига қаратилган оммавий тадбирлар. Орол денгизи атрофида тупрок бузилишининг олдини олиш максадида амалга оширилаётган ишлар ҳамда тегишли қонун хужжатларининг қабул қилиниши маҳаллий даражадаги ижобий мисоллардандир. Глобал даражада эса булар: атмосферага озон катламини емирувчи хлорфтоглеводородларнинг чиқарилишини камайтириш учун кураш; Орол денгизини кутқариш ҳалқаро харакати; саноатда энергиядан фойдаланиш самарадорлиги ни ошириш; қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш каби тадбирлардир.

Ижобий мисоллар маҳаллий даражада ва бирмунча кам эканлиги хамда уларни глобал даражадаги салбий ўзгаришлар билан таққослаб бўлмаслиги мактаб ўқувчисига ҳам аён. Бу инсонларни «экологик қиёмат куни» мукаррарлиги фикрига яна бир бор олиб келади. Болалар ҳам, катталар ҳам ахвол жуда ёмон, лекин вазиятни ўзгаририб бўлмайди, деган фикрдалар: «Нима ҳам қиласдик? Яна юрга қайтиб кирмаймизку». Бундай кайфиятнинг юзага келиши, агар биз инсон хулк-атворида баркарор келажакка етакловчи ўзгаришлар шакл-

¹ алармизм — (ингл. alarm — кўркув, вахима) — фандаги оқим; унинг вакиллари имкониятнинг атроф-мухитга таъсирининг ҳалокатли оқибатларига ва ресурсларнинг тугаб колишига, ҳамда «табиат-жамият» тизимини яхшилаш учун кечкитириб бўлмас кескин харакат килиш зарурлигига эътиборни каратадилар.

ланишини хоҳласак, у холда одамларга ёркин истиқболни кўришда ёрдам беришимиз лозим, деган фикрни яна бир бор тасдиклайди. Бунинг учун мавжуд «бекарор ривожланиш» моделига муқобил бўлган бошқа, етарлича «кучли» ва «таъсирчан» ижобий мисоллар зарур бўлади. Замонавий технологиялар эса ана шундай мисол бўла олади. «*Биз, биосферада содир бўлаётган жараёнларни ўрганувчи мутахассислар, инсониятни енгиг бўлмайдиган муаммолар кутаётган ўша тақиқланган чегарани бугун ҳам кўрсатиб бера оламиз. Натижада инсоният таназзулга учраши ва, ҳатто, Инсоният тарихи буткул тугаши мумкин... Инсоният ер юзидан йўқ бўлиб кетиш эҳтимоли олдида турибди*».

Н.Н. Моисеев

Барқарор ривожланиш ғояси факат табиат билан боғлик эмас, бунда ижтимоий шароит, сиёsat ва иқтисодиёт ҳам катта аҳамиятга эга. Сўнгги ўн йилликда кўплаб мамлакатларда аҳоли даромади ўсгани холда, дунёда миллий ва минтақавий даражада тенгсизлик орта борди. Тенгсизлик билан бир вактда қашшоқлик, саломатлик ва тинчлик муаммолари ҳам кескинлашмоқда. Ривожланган мамлакатларда даромад даражаси ўсиши билан бирга жиноятчилик, гиёҳвандлик ва ичкилиkbозлик, руҳий касалликлар ҳамда «фаровонлик касалликлари» деб номланувчи семириш ва юрак хасталиклари ҳам кенг тарқалиб бормоқда.

Қашшоқ мамлакатларнинг муаммолари янада яққол намоён бўлмоқда...

Ривожланаётган мамлакатлардаги:

Кундалик даромади 1 доллардан кам бўлганлар	1,3 млрд.
Тоза ичимлик сувга мунтазам эга бўлмаганлар	1,3 млрд.
Тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятига эга бўлмаганлар	900 млн.
ОИТС билан касалланганлар ёки ОИВ юқтирганлар	29 млн.
Яхши санитария шароитига эга бўлмаганлар	2,6 млрд.
Электр энергияси билан таъминланмаганлар	2,0 млрд.

* 1998 йил маълумотларига кўра, ривожланаётган мамлакатлар аҳолиси тахминан 4,58 миллиардни ташкил этди.

UNDP 1996, UNDP 2000, UNDP 2001 маълумотлари.

1.2

Ижобий мисол

Голландия хукумати қўйидагиларни ревалаштироқда:

- 2010 йилгача атмосферага карбонат ангидрид чиқарилишини йилига аҳоли жон бошига 14 тоннадан 4 тоннагача, 2030 йилга бориб эса 1,7 тоннагача камайтириш;
- Чучук сув истеъмолини 38% га камайтириш;
- Алюминий сарфини 80% га камайтириш;
- Ёғоч сарфини 60% га камайтириш;
- Кишлоп хўжалиги ерларидан фойдаланишини аҳоли жон бошига 0,45 гектардан 0,25 гектаргача камайтириш.

Айни маҳалда турмуш даражасининг ўсиши ҳам таъминланади.

Исландия дунёда «водород асосидаги иқтисодиётта эга» биринчи мамлакат бўлмоқчи.

Исландия «водород асосидаги иқтисодиёт»ни яратиш режасини дунёда биринчи бўлиб хаётга татбик этиш орқали қазиб олинадиган ёқилрининг барча турларидан фойдаланишини тўхтатишга тайёргарлик кўрмокда.

Бу мамлакат бутун транспорт тизимини ва, ҳатто, улкан балиқ овлаш флотини ҳам водород асосида ишлишга ўтказиши ўз олдига максад килиб кўйган. Натижада атмосферага чиқарилаётган карбонат ангидрид микдори 50 % га камаяди.

Мазкур лойиҳханинг етакчи тарафдори профессор Аринасон қўйидагиларни таъкидлайди: «Менинг ёшимдаги кишилар бу ишнинг бошланишини кўришади. Менинг фарзандларим ўзаришларнинг гувохи бўладилар. Натижада, набираларим фойдаланадиган энергия тизими шаклланади. Бу яхши истиқболдир».

Би-Би-Си маълумотлари асосида



Ёқилғи элементи — экологик тоза технология намунаси.

1.3.

Экологик беғубор технологиялар:

Бир неча мисол

- Америка-Европа «Energy star» дастури телевизор ва видеомагнитофонларнинг кутиш (Stand By) режимидаги энергия сарфини 75—96% га кискартириш имконини берди.
- Хозирги вактда шамолдан фойдаланиб 1 кВт соат электр энергия олиш харажатлари унитабии газдан олиш харажатлари билан деярли тенг ва кўмирдан олишга нисбатан арzon-роқ. Шу сабабли шамол энергиясидан фойдаланиш тез ривожланиб бормоқда.
- Юкори самарадорлиги сабабли электр энергияни тежашга имкон берадиган галоген лампадан ҳозиргача 1,3 млрд. дона сотилган. Бу лампалар тежаган миқдордаги электр энергия хосил килиш учун кўмирда ишлайдиган 100 ўртacha электр станция зарур булар эди.
- Данияда чиқиндини кўмганлик учун соликнинг икки бараварга орттириш унитиккиламчи ишлатиш ва қайта ишлашни 30% ошириш имконини берди.
- 2004 йилда Европа Иттифокида машина, музлатгич, телевизор ва шунга ўхшаш майший техника буюмлари ишлаб чиқарувчиларга ўз маҳсулотларини утилизация килиш бўйича маълум чоралар кўриш мажбуриятини юкловчи янги конун кучга кирди. Натижада ишлаб чиқарувчилар маҳсулот тайёрланиши боскичидаётк бутловчи кисмлар ёки материаллардан иккиламчи фойдаланиш имконияти ҳакида ўйламоқдалар.
- Транспорт соҳасида янги экологик берубор технологииларни кўллаш тез суръат билан ривожланиб бормоқда. Масалан, водородли ёқилри элементлари ҳамда сиқилган ҳаво асосида ишловчи Негрэ двигателлари ҳозир оммавий харидорлар учун ишлаб чиқарилмоқда.
- Лондон ва Осло каби шаҳарларда йўлдан фойдаланганлик учун тўлов жорий этилганлиги автомобиллар оқимининг 25—30% камайишига ва ҳавонинг ифлосланиши пасайишига олиб келди.
- Халқаро келишувлар туфайли саноатда хлор-фторуглеводородларнинг ишлаб чиқарилиши тўхтатилди: Натижада «озон туйнуклари» сенин-аста торайиб бораётгандиги ҳакида маълумотлар мавжуд.

Кўйидаги «Фаровонлик қадаҳи» расми дунёда фаровон турмушнинг тақсимланишини яққол намойиш этади.



Глобал капиталистик иктисадиёт ғалабасини совфа сифатида махсус тайёрланган шампан бокали билан нишонлаймиз.

Фаровонлик ва қашшоклик ёнмаён яшайди. Буни дунёдаги энг бадавлат ва энг кўп чиқинди чиқарувчи АҚШ билан бошқа мамлакатларни таққослаш орқали яққол кўриш мумкин. Шундай кўрсаткичлар Япония ва Европадаги кўпгина мамлакатларга ҳам кослигини айтиш лозим.

Захиралар ва улар истеъмолининг номутаносиблиги

АҚШда дунё аҳолисининг 5% истикомат қиласди

Хитойда 1000 кишига 8 автомобил тўғри келади

Ривожланётган мамлакатлар аҳолиси йилига жонбошига ўртacha 15 кг қороз ишлатади

Сайёра аҳолисининг 20% саноати ривожланган мамлакатларда яшайди

АҚШда косметикага ҳар йили 8 млрд. доллар сарфланади

АҚШ аҳолиси дунё захираларининг 30% ини истеъмол қиласди

АҚШда 1000 кишига 750 автомобил тўғри келади

АҚШда аҳоли йилига жонбошига ўртacha 333 кг қороз ишлатади

Ахлат ва ифлослантирувчи моддаларнинг 75% саноати ривожланган мамлакатларда чиқарилади

Ривожланётган мамлакатлар аҳолисини тоза сув билан таъминлаш учун ҳар йили кўшимча 9 млрд. доллар талаб этилади

Josh Sevin, GRIST журнали: 1, 2 — Earth Communications Office; 3—7 — World Resources Institute; 8 — Earth Communications Office; 9, 10 — Worldwatch Institute маълумотлари

Юкорида келтирилган маълумотлар Америка Кўшма Штатлари гагина таалукли, деб ўзимизни овутмаслигимиз зарур. Истеъмол даражаси бутун дунёда шунга ўхшашдир. Куйидаги карикатура инсонларнинг бу борадаги психологиясини яхши очиб беради: хар бир инсон «мен эмас, бошқалар керагидан ортиқ истеъмол килиб, гуноҳ орттиришмоқда», деб ўйлади.


Меъёрдан ортиқ истеъмол қилиш муаммоси 2-боб — «Онг ҳолати»да батафсил кўриб чиқилади.

Бу асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Захиралар, яъни хом ашё ва энергия қайта тикланишига нисбатан тезроқ сарфланмокда. Бу захираларнинг баъзиларини умуман қайта тиклаб бўлмайди. Захираларнинг асосий қисми энг бой мамлакатлар томонидан ишлатилади ва улар ахолисининг жуда оз қисмигина бундан манфаат кўради, натижаси эса ачинарли тус олмоқда. Чикиндилар микдори шу даражага етдики, улар, хатто, бутун инсониятнинг ҳаёти боғлиқ бўлган биосферага ҳам таҳдид солмоқда. Иқлимининг глобал ўзгаришига сабаб бўлувчи атмосферадаги карбонат ангидрид гази микдорининг тобора ортиб бориши энг кўп муҳокама қилинадиган мисоллардандир.

(Давоми)

- Германияда экологик тамғалаш тизими 76 туркумдаги 4100 маҳсулотга жорий килинган.
- Ўзбекистонда «Мамлакатнинг миллий мажбуриятларини ишлаб чиқиши Дастири»га асосан 2002 йилда этилланган бензиннинг бозордаги улуши 20% камайтирилди. 2000 йилдан бошлаб этилланган бензин таркибидаги қўрошин микдори 1 литрда 0,15 граммдан ортмаслиги назорат остига олинди. 2008 йилнинг 1 январидан этилланган бензин ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш тақиқланади.

Яна қандай соғ технологиялардан ҳабардорсиз?



Агар...

- Хитойнинг 1,2 миллиард ахолисининг ҳар бири йилига биттадан кўпроқ товук истеъмол килса ва бу товуқлар асосан дон билан бокилса, уларни боқиш учун дон экспорти бўйича дунёда иккинчи ўринда турувчи Канаданинг йиллик экспортига тент микдордаги дон керак бўлади;
- хитойликлар томонидан денгиз маҳсулотларининг истеъмол килиниши Япониядаги жон бошига ўртача истеъмол даражасига етса, у ҳолда 100 миллион тонна денгиз маҳсулотлари талаб этилади. Бу эса хозир тутиладиган жами денгиз маҳсулотлари микдоридан кўпроқдир;
- Хитойда автомобиль сони ва нефть сарфи даражаси ахоли жон бошига АҚШдаги даражага етса, у ҳолда хозир қазиб олинаётган нефтдан кўра кўпроқ микдорда нефть керак бўлади, карбонат ангидрид газини чикариш эса дунё бўйича деярли икки баробар ортади.

The century ahead: Ever greater problems or ever wider opportunities? Prof. N. Myers in Environmental Awareness. Vol. 24, No. 4, 2001, India маълумотларига кўра.

Дунё биосферанинг сифим кобилияти ва қайта тикланиш имкониятлари чегарасига қанчалик яқинлашиб қолганлигини Хитой мисолида ёрқин кўриш мумкин. Хитой ахолиси шунчалик кўпки, маҳсулот истеъмоли даражасининг ахоли жон бошига ҳатто арзимаган микдорда ортиши ҳам жиддий муаммоларга олиб келиши мумкин. Айни пайтда бу мамлакат фуқаролари ҳам яхшироқ ҳаёт кечиришга ҳакли эканликларини тан олиш зарур.

Юкоридаги мулоҳазалар аниклигига қарамай, бу маълумотлар кўпгина ўкувчилар учун унчалик ишонарли кўринмаслиги мумкин. Уларга вазиятни мустақил таҳлил қилишни таклиф этиш ва уни турли усуллар билан амалга ошириш мумкин. Мазкур усуллардан бири мураккаб бўлмаган формулани кўриб чиқишидир.

Бекарорлик формуласими?

Бизнинг атроф-мухитга босимимиз (B) бир катор омилларга боғлик. Биринчи омил — ахоли сони (A). Одамлар қанча кўп бўлса, шунча кўп захира талаб этилади. Иккинчи омил — ахолининг ўртача истеъмол даражаси (И). Истеъмол даражаси қанча юқори бўлса, уни таъминлаш учун шунча кўп захира талаб этилади. Учинчи омил — захирадан фойдаланиш технологияларидир (Т). Бу ерда биз босимни маҳсулот бирлигига нисбатан истеъмол қилинадиган захиралар ва ташланадиган чиқиндилар сифатида ифодалашимиз мумкин. Улар микдори қанча кўп бўлса, босим ҳам шунчалик катта бўлади. Эколог П.Эрлих ва физик Ж. Холдрен бундай мулоҳазалар натижасида куйидаги содда формулани чиқаришди:

$$\begin{aligned} \text{Атроф-мухитга босим} &= \text{ахоли сони} \times \\ &\times \text{истеъмол даражаси} \times \text{технологиялар} \\ \text{ёки } B &= A \times I \times T \end{aligned}$$

Формулани изоҳлаймиз. Тушуниш осонрок бўлиши учун, атроф-мухитга таъсир 2050 йилда ҳам ўзгармай ҳозирги даражада қолади, деб хисоблаймиз (бу кўрсаткични пасайтириш мақсадга мувофик, албатта).

У ҳолда тенгламадаги ўзгарувчиларнинг «холи» нима бўлади?

Бириңчи ўзгарувчани олайлык. Жаһонда ахоли сони ўсиб бормокда. Бу ўсиш аввалгидек жадал бўлмаса-да, ҳатто ўта консерватив башоратлар ҳам дунё ахолиси сони ўсиб боришини кўрсатмоқда (хозирги га қиёслаганда, 2050 йилда бу кўрсаткич тахминан бир ярим баробарни ташкил қиласди).

Истеъмол даражасига эътиборни қаратамиз. Инсонлар, экологик мулоҳазалардан келиб чиқиб, истеъмол даражасини онгли равишда камайтиришига умид боғлаш акл бовар килмайдиган нарса (ўзимиз режалаштириб қўйган харидлар рўйхатига назар ташлаш етарли: унда янги гилам ҳам, каттарок совутгич ҳам, янги машина ҳам бор). Истеъмол даражаси хозиргидек, яъни ҳар 25—30 йилда икки баробар, йилига эса 2—3% ўсишини тахмин қиласлик (масалан, Россия ўз ялпи миллий махсулотини йилига камида 6% дан ўстиришни мақсад қилиб қўйгани эътиборга олинса, бу тахминни етарлича асосли, деб хисоблаш мумкин). Шундай қилиб, башоратлар 2050 йилда истеъмол даражаси 2003 йилга нисбатан 3 баробар юқори бўлишини кўрсатади.

Яна формулага назар ташлаймиз. Яшаб турган жойимиздаги ариқни тозалаш ёки унинг қирғоқларида ётган ахлатни йиғишириш каби арзимас ҳаракатлар билан, уни ҳатто минглаб жойда амалга оширилганда ҳам, сайёрамизни кутқара оламиزم? Бундай ҳаракатлар дастлабки икки ўзгарувчининг таъсиридан устун кела оладими? Демак, дастлабки хулоса шундайки, тенгламадаги дастлабки икки ўзгарувчи доимий равища боради.

Атроф-муҳитга таъсир аввалги даражада қолишини хоҳласак, қўллашимиз мумкин бўлган ягона чора — «технологиялар», яъни инсонигат ихтиёридаги захиралардан самарали фойдаланишdir. «Технология» деганда захира сарфи даражаси ва ҳосил бўладиган чикинди микдори тушунилади (садарок қилиб айтганда, учинчи ўзгарувчи қанча кичик бўлса, шунча яхши).

Хўш, «кирим» ва «чиқим»ни тенглаштириш учун 2050 йилга бориб, «технологиялар» қандай бўлиши керак?

Буни аниқлаш учун пропорциядан фойдаланамиз. 2003 йилда атроф-муҳитга таъсир даражаси 1 га тенг дейлик.

Атроф-муҳитга таъсир = аҳоли сонининг ўсиши × истеъмол даражаси × технологиялар формуласига асосан, 2050 йилга бориб мувозанатни саклаб қолиш учун...

$$1 = 1,5 \text{ (аҳоли ўсиши)} \times 3 \text{ (истеъмол)} \times 1/4,5$$

i 1.5

Нима учун 1/4,5?

Агар тенгламани ўзгартырсақ, күйидагилар хосил бўлади:

$$\text{технологиялар} = \frac{\text{атроф мухитга босим}}{\text{истеъмолх аҳоли сони}}$$

$$T = \frac{B}{I \times A} \quad T = \frac{I}{3,0 \times 1,5} \quad T = \frac{I}{4,5}$$

1/4,5 каердан келди? Кўпайиб бораётган аҳоли ва ортиб бораётган истеъмолнинг атроф-мухитга таъсиридан «устун келиш» учун технологиялар 450% самарали бўлмоғи керак. Демак, ҳозир сарфланаётган захираларнинг тўртдан бир ва, хатто, бешдан бир кисминигина ишлатиш учун барча маҳсулотларни ишлаб чиқариш тўрт ёки беш баравар самарали бўлиши керак. Бунга эришиш учун фойдаланилмаётган чирокни ўчириш ёки чиқиндини қайта ишлаш максадида уни йиғиш каби тадбирлардан кўра муҳимрок харакатлар талаб этилади. Яъни, захиралардан фойдаланиш соҳасида ўзига хос «тинч йўл билан инқилобни амалга ошириш зарур. Кўпгина педагоглар зарур ўзгаришлар кўламини тасаввур эта олмайдилар, юкорида келтирилган тенглама эса муаммога янгича қарашни талаб этади.

Сиз ўқувчиларга юкоридаги тенгламадаги ўзгарувчиларни ўзгартирган холда келажакнинг турли кўринишларини таклиф этиш имкониятини беринг. Агар улар атроф-мухитга салбий таъсирини ҳозиргига караганда **камайтириш** муҳим, деб топсалар, унда вазифа янада кийинлашади.

«Бугунги кунда сиёсатчиларнинг жуда оз қисми түеилишини назорат қилиш гоясини ва ундан-да озроғи истеъмол даражасини пасайтириш фикрини қўллаб-қувватлашга тайёрдирлар».

«Технологияларнинг экологик самарадорлиги», барча кўринишларида, [атроф-мухитга салбий таъсирини пасайтириш борасида] қисқа ва ўрта муддатли сиёсий ўйин сифатидагина тасаввур қилинади. Буни педагоглар ҳам тушуниб этишилари зарур».


Кен Вебстер

Формуладан фойдаланиш машқи баъзи ўқувчилар учун жуда мавхум бўлиб кўриниши мумкин. «Бекарорлик» моҳиятини яққолрок кўрсатиб берувчи яна бир оммалашиб бораётган усул «экологик из»ни хисоблаш усулидир. Бунда истеъмол даражаси айнан шу истеъмол даражасига мос келувчи захираларни олиш ва чиқиндиларни кўмиш учун зарур бўлган ер майдони катталигига айлантириб хисобланади. Муайян истеъмол даражасига эга шахс ёки мамлакатнинг «экологик из»ни Интернетда мавжуд усуллардан фойдаланиб хисоблаш мумкин.

«Экологик из» машқи

Бугунги турмуш тарзимизнинг «бекарорлигини» ўкувчиларга қандай кўрсатиб бериш мумкин? Бу баркарор ривожланиш таълими дастурларини яратишдаги дастлабки саволлардан биридир. Юкоридаги саволга «Экологик из» жавоб бериши мумкин. Ёвойи табиат халқаро фонди (WWF) ўзининг йиллик «Тирик Сайёра» хисоботида шундай усуслан фойдаланади. Унда мазкур концепция куйидагича ифодаланган.

Экологик из (ЭИ) — бу қайта тикланадиган захираларнинг кишилар томонидан мамлакат, минтака ёки дунё миёсида истеъмол қилиниши меъёри. ЭИ — истеъмол қилинадиган барча ўсимлик, гўшт, денгиз маҳсулотлари, ёғоч ва тола ишлаб чиқариш, энергия олиш ва инфраструктурани майдон билан таъминлаш учун зарур бўлган фойдаланишга ярокли умумий қуруқлик ҳамда майдонини ўз ичига олади. ЭИни шу популяцияга тегишли қуруқлик ва денгиз майдонларининг биологик маҳсулдорлиги билан қиёслаш мумкин.



Ер юзида 1,4 миллиард гектарга яқин фойдаланишга ярокли қуруқлик ва денгиз майдони мавжуд. Хўжалик маҳсадларида фойдаланишга яроксиз муз билан қопланган қуруқликни ва чўлларни ҳамда очик океан кенгликларини хисобга олмасак, унда Ер юзининг тахминан тўртдан бир қисми қолади. Бу майдонни Ер юзидағи аҳоли сонига (6,3 млрд.га) бўлсақ, жон бошига 1,9 гектардан тўғри келади. 1999 йилда Африка ва Осиёда ўртача истеъмол қилувчининг ЭИ киши бошига 1,4 гектарга яқин кўрсаткични ташкил этгани ҳолда, Фарбий Европада 5,0 га, Шимолий Америкада — 9,6 га ни ташкил этган.

1999 йилда Сайёрамизда бир кишининг ўртача ЭИ 2,3 га ни ташкил этган, бу Ернинг мавжуд имконияти (киши бошига 1,9 га) дан 20% ортиқдир. Бошқача килиб айтганда, ҳозир инсониятнинг табиий захиралар истеъмоли даражаси биосферанинг захираларнинг қайта тикланишини таъминлай олиш имкониятидан юқори орқадир. Ўрмон, денгиз ва унумдор ерлар захираларини «еб» ва атмосферага йўл кўйиб бўлмас миқдорда карбонат ангидрид газини чиқариб, бу «камчилик»ни маълум вактгача яшириб бора оламиз. Лекин бу узок муддатли баркарорликни, яъни баркарор ривожланишнинг ягона йўли — биосфера сиғими доирасидаги хаётни таъминлаб бера олмайди.

Шунга карамай, ҳозирда мавжуд «анъана»лар инсониятни баркарор ривожланишни таъминлаш учун энг минимал талабга эришишдан чалғитмоқда. Глобал ЭИнинг биосфера имкониятлари даражаси кейинги 38 йил ичida 70% дан 120% гача ўсиди. Бундан ташқари, аҳоли сонининг ўсиши, иқтисодий ривожланиш ва технологик тараккиёт сценарийларига асосланган келажак башоратлари инсониятнинг «экологик изи» ўсишда давом этаётганлигини кўрсатмоқда.

http://www.panda.org/news_facts/publications/general/livingplanet/index.cfm материаллари асосида



Шахсий «экологик из» калькуляторини Интернетдаги куйидаги манзилдан топиш мумкин: <http://www.earthday.net/foorprint/index.asp>. Сичкончани дунё харитасининг исталган қисмига йўналтириб, кўпгина йирик мамлакатларнинг ЭИни ўрганиш мумкин. Мулокот тили (жумладан, инглиз ва рус тиллари) танлангач, сайтга ташриф буюрганлар учун кийин бўлмаган тест таклиф этилади. Тест натижалари асосида маҳсус дастур шахсий ЭИни хисоблаб беради ва уни дунё бўйича ўртача ЭИ билан қиёслайди. Шу билан бирга, худди сиз каби ЭИга эга бўлиши учун, инсониятга нечта сайёра керак бўлишини хам кўрсатади. Маълумотларнинг тушунарли ва яққол ифода этилиши кўпчиликни мулоҳаза юритишига ундейди.


ЭИ калькулятори изни бир нечта кўрсаткичлар: **озиқовқат маҳсулотлари, харакатланиш, уй-жой, товарлар ва хизматлар** асосида хисоблаб чиқарди.

Бу кўрсаткичларнинг ҳар бири, аудиториянинг табигатига боғлиқ равишда, алоҳида муҳокама учун асос бўлиши мумкин. Муҳокамани самарали ташкил килиш учун қуйидаги саволлардан фойдаланса бўлади:

- Мен атроф-мухитга таъсирим даражасини пасайтириш учун турмуш тарзимни қандай ўзгартириш зарур?
- Ҳукумат нима килиб бера олади?
- Бизнес қандай ёрдам бера олади?
- Ишлаб чиқаришни қай тарзда оқилона йўлга кўйиш ёки қандай янги технологиялар атроф-мухитга таъсири камайтириш имкониятини беради?
- Қандай ижобий ва салбий рағбатлантирувчи омиллар менинг атроф-мухитга таъсиirimни камайтириш имкониятини беради?
- Бошқа давлатлар билан қиёслаганда, мамлакатимизнинг биосферага бўлган таъсири қай даражада? Қиёслаш натижалари бизни хавотирга соладими?
- Бизнинг истеъмол даражамизни жуда юкори деб хисоблаш мумкинми? Ким билан қиёслаш керак — Евropa Иттифоқи, АҚШ, ... биланми?
- Ривожланиш истеъмол даражасининг ўсиши ёки турмуш даражасининг ортиши билан боғлиқми? Бу икки ўзгарувчи доим ҳам бир-бирига мос келадими?
- Экологик барқарор ривожланиш — бу ...

Машқни давом эттириш имконияти

Машқни давом эттириш учун иштирокчиларга «Типик Сайёра 2002» хисоботи материалларидан фойдаланган холда Буюк Британия, Россия, Украина ёки бошқа мамлакатларнинг ЭИни қиёслаб кўришни таклиф этиш мумкин.



Мухокамада Россия, Буюк Британия, Украина, Кирғизистон ва Ўзбекистондаги вазиятнинг фарқланиши сабабларини таҳлил килиш, ушбу мамлакатларда амал қилиб турган экологик сиёсатнинг келажакка таъсири хакида фикр алмашиш мумкин. Такдим этилган маълумотлар иштирокчиларни ҳайратга солдими?

Россия билан Буюк Британиянинг Эйни тақкослаш қизиқарлидир, чунки улар деярли бир хил. Лекин бу мамлакатлардаги турмуш сифати бир хил эмас. Бундай вазиятнинг сабаби нимада? (Эҳтимол, бунинг сабабларидан бири Буюк Британияда захиралардан фойдаланиш самарадорлигининг юкорироқлигидадир.)

Мазкур ғоядан педагогларга мўлжалланган семинарда фойдаланилса, қуйидаги саволларни мухокама килиш ҳам мумкин:

- Эйнинг таълим жараёнидаги фойдали жихати қандай?
- ЭИ ҳақидаги маълумотлардан ўкувчилар ўзларига нима олиши мумкин?
- Берилган маълумотлар жуда ноҳуш эмасми?
- Эйни хисоблаш ғоясининг ижобий жихати нимада?

Кўшимча маълумот

Дастурнинг инглиз тилидаги вариантини Интернетдан қўйидаги манзил бўйича олиш мумкин:
http://csf.concord.org/esf/Software_EFCDownload.cfm

Экологик из концепциясидан фойдаланиш имкониятлари:

<http://www.progress.org/programs/sustainability/links/>

Турли мамлакатлардаги вазиятнинг қиёсий таҳлили:

<http://www.ecouncil.ac.cr/rio/focus/report/english/footprint>

Тизимнинг ўзи дуруст эмас

Ўсиш мақсадида ўсиш, — деб ёзади экология мавзусида ёзувчи Эдвард Абби, — сараторн (рак) ҳужайраси мафкурасидир. Ўсиб борувчи рак ҳужайраси охир-оқибат ўзини озиқлантирувчи эгасининг танасини ўлдирганидек, доимий ўсиб борувчи дунё иқтисодиёти ҳам ўз эгасини йўқ қиласди».

Лестер Браун, Worldwatch институти директори

Кўпгина педагоглар кишилар ҳаётининг ҳозирги тарзи бекарорлигини кўрсатиш учун турли ўйинлар ва машклардан фойдаланадилар. Булардан бири «Жаҳон савдоси» ўйини (www.oseko.spb.ru га каранг). У «бекарорлик» «ўйин қоидасига» — иқтисодиёт тамойилларига — канчалик усталлик билан қўшилиб кетишини ва инсонларни ўзига қай тарзда жалб қилишини кўрсатиб беришга мослаштирилган. Бу ўйиннинг ютуқларидан бири шуки, у 10 ёшдан бошлаб, ундан катта ҳар кандай ёш гурухига тўғри келаверади.

1.6

Халкар тадқиқотлар маркази директори Анатолий Уткин глобаллашувнинг куйидаги хусусиятларини таъкидлаб ўтади:

Технологиялардан фойдаланиш имконияти. Ахборот технологиялари тарақкёти Сайёрадаги ҳар бир инсонни глобаллашув жараёнига жалб этмоқда. 2010 йилга бориб Интернетдан фойдаланувчилар сони 3 млрд. кишига етади. Дунёда мавжуд оиласлар сони 1 млрд. га тенг эканлиги инобатга олинса, унда кўпчилик шубҳасиз бу ахборот захираларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Молиявий захиралардан фойдаланиш имконияти. Сўнгги 25 йилда чет эл инвестицияси хажми 30 баравар, экспорт хажми 70 баравар ўди. Бу жараёнларда глобаллашган дунёда давлатга хос қудрат касб этган трансмиллий компаниялар етакчи ўринни эгаллайдилар. Дунёдаги энг йирик 200 та корпорация Сайёрамиздаги иқтисодий фаолликнинг чорак кисмидан кўпроғини назорат килади. Дунё бўйича 100 та йирик иқтисодий тизимларнинг 51 таси — корпорациялар, 49 тасигина — давлатларdir. Масалан, Женерал Моторс ёки Женерал Электрик Польша ва Саудия Арабистонидан бойроқdir.

Ахборотдан фойдаланиш имконияти. 2005 йилга келиб Интернетдан фойдаланувчилар сони 1 млрд. кишига етди. Агар ҳозир Интернетдан фойдаланувчиларнинг 50 % америкаликлар бўлса, якин ўн йиллнка бу мувозанат ривожланаётган мамлакатлар фойдасига ўзгаради. «Камбагал дунё» Фарб билимларидан деярли чекланмаган даражада фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Глобаллашув ва барқарор ривожланиш
Барқарор ривожланиш ҳам ижобий, ҳам салбий жихатларга эга. Аластер Гудланд бошқа нұқтаи назарни таклиф этади: XIX асрнинг етакчи иқтисодчиси Д. Кейнс айтган эди: «Тадбиркорлик дунё бойлигини яратади ва яхшилади. Агар тадбиркорлик мустахкам асосга қурилган бўлса, тежамкорлик қандай таъсир ўтказишидан катъи назар фаровонлик ўсади; агар тадбиркорлик мудраса, тежамкорлик нима қилишидан катъи назар, фаровонлик қулади».

Бекарор дунё — бу йўл устидаги кўлмак ёки вактида ем берилмаган мол каби шунчаки ёқимсиз ёки кайфиятни бузувчи вазият эмас. Бу, хатто, кўпчилик ўйлаганидек, маънавий тубанлик, яъни баъзи «еб тўймас» одамларнинг коникмаслиги ёки «экологик маҳсулотлар»ни ишлатмайдиган, короз чиқиндиларини қайта ишлашга топтайдиган инсонларнинг турмуш тарзи ҳам эмас.

«Жаҳон савдоси» ўйини инсонлар ўз манфаатларига мос келадиган иқтисодиёт қоидаларини қай тарзда кўллаб-куватлашга кодир эканликларини кўрсатади. Реал дунёда эса жаҳон савдоси «риоя киладиган қоидалар» барқарор ривожланишга катта таъсир кўрсатади. Хатто, баъзи мутахассисларнинг фикрига кўра, уни буткул инкор этади (бу муаммога қарама-қарши фикрлар келтириб ўтилган 1.6. «Глобаллашув»даги мисолларга қаранг).

Барқарор ривожланишнинг ушбу жихатига, яъни глобал иқтисодиёт ва унинг ишлаш механизмларига педагоглар, одатда, жуда кам эътибор беришади ёки уни деярли ёритишмайди. Бунга ё сиёsat билан боғлиқ деб, ёки ўқувчилар тушуниши учун жуда кийин, деб каралади (эҳтимол, айнан шу сабабларга кўра у экология ўқув курсларининг охиридан жой олади). Глобал иқтисодиёт билан атроф-муҳитнинг боғлиқлиги масаласини кўриб чиқишига қарши бўлган оммавий далиллардан яна бири куйидагичадир: «Биз ривожланаётган мамлакатлар муаммоларидан жуда йирокмиз. Ўзига хос муаммоларимиз мавжуд, аммо улар ҳали иқтисодий ривожланган мамлакатлар муаммолари даражасигача етмаган».

Шунга қарамай, дунё глобаллашув жараёни учун тобора очик бўлиб бормоқда. Ўқувчилар бу зиддиятли атама ортида нима ётганини ва у амалиётда қандай маъно англатишини тушунишлари зарурлигини таъкидлаш тўғри бўларди.

Аниқ мисоллар ёрдамида иш кўришга интилевчи ўқувчилар учун «Сояда этиширилган қахва афзалми ёки «куёшда тобланганими?» машқини таклиф этиш мумкин. Мазкур мисол ушбу бобда келтирилган фикрларни яна бир бор тасдиклайди.

Муайян маҳсулот ёки ҳодисадан мураккаброқ масалаларни мухокама қилишда фойдаланиш ўқувчиларни мунозарага жалб этишнинг фойдали усулидир.

Ўқувчиларнинг қўйилган саволга жавоб толиши осон эмас, жавоб осон бўлганида эди, дунёда қашшоклик ҳам, очарчилик ҳам бўлмасди. Шу билан бирга, бундай саволларни мухокама килиш, «ҳаёт сифати», «турмуш даражаси» ёки «адолатли савдо» тушунчаларини ойдинлаштириш ўқувчиларга баркарор ривожланиш муаммоларини яхширок тушуниш имкониятини беради.

Бу борада А. Эйнштейннинг доно бир гапи бор:

«Муаммонинг аниқ ифода қилиниши унинг математик йўл билан топиш мумкин бўлган ечимидан кўра мұхимроқдир. Янги саволлар қўйиш, янги имкониятларни топиш, эски муаммоларга янгича қарашиб қобилияти ижодий фикрлашни талаб этади ва фаннинг ҳақиқий муваффақиятини тасвиғлайди».

Тўртинчи бобда баркарор ривожланиш таълимида ўргатиш усулини ўзгартиришнинг зарур элементи бўлган воқеликни танқидий англашнинг ахамияти батафсил мухокама килинади.

«...баркарор ривожланиши нуқтаи назаридан, истеъмолчилик фалсафаси (консьюмеризм) муаммонинг асосий қисмидир. Капитализм нуқтаи назаридан эса, истеъмол (консьюмеризм) ҳаётий мұхимдир».

Саймон Дреснер

Бекарорлик, гўёки дунёning мураккаб тизимига «ўрнатилган»га ўхшайди. Шу билан бирга, Жаҳон Банки, Жаҳон савдо ташкилоти каби кўпгина халқаро ташкилотлар ҳамда бизнес ва бошқарув доираларининг кўпчилик вакиллари эркин савдо қоидаларига амал қилиш ва иктисолий ўсишни рагбатлантириш баркарор ривожланишга эришишда ёрдам беришига ишонадилар. Бу «дорининг таъсири бор, унинг меъёрини аниклаб, салбий таъсирини йўқотиш керак, холос», деган далиллар тоифасидандир. У ҳолда баркарор ривожланиш жуда содда ғояга айланиб қолади, яъни «ӯша бизнеснинг ўзи, фактат «яшилрок». Баъзилар «адолатлирок» деб ҳам қўшимча килиши мумкин. Кимдир эса, замонавий капитализм муаммоларини капитализмнинг ўзининг ёрдамида ҳал килиб бўлмайди, деб бутунлай ғояга қўшилмаслиги ҳам мумкин...

(Даноми)

Баркарор ривожланиш — бизнесни ижтимоий тараққиёт сари йўналтиришга мажбур килицида бизга ёрдам берадиган восита. Очик иктисолидёт туфайли юкори ва баркарор ўсишни кўллаб-кувватлаш камбағаллик ва у билан боғлик муаммоларга қарши курашиб учун зарур. Агар узок муддатли истиқболни хисобга олиб, олинадиган даромад ва нархни салмоқлаб кўрсан, атроф-мухитни химоя қилган ҳолда фаровонликни таъминлаб, бутун дунёда инсонларга ўзларини камбағалликдан куткариш имкониятини берамиз.

Бу гаплар қанчалик чиройли жарангламасин, амалиётда иш берармикан? Келинг, далилларни кўриб чикайлик. Иктисолидёт эркин бозор тамойилларига асосланган Осиё минтақасидаги айрим давлатларни олайлик.

— Малайзияда аҳоли жон бошига даромад микдори 1970 йилдан 1995 йилгача 3 баробар кўпайди.

— Шаркий Осиёда ҳозир ахолининг борйғи 15% қашшоклиқда яшамоқда. Ваҳоланки 1960 йилда бу кўрсаткич 50% ни ташкил этган эди.

— Ривожланаётган мамлакатларда охирги 30 йил ичida инсон умри давомийлиги деярли 10 йилга ортди.

— Болалар ўлими деярли 2 баравар камайди.

— Ўқишини ва ёзиши билмайдиганлар сони 25% камайди.

Юз миллионлаб кишиларнинг турмуш шароити яхшиланди. Аммо баркарор ривожланиш ўз тузатишларини киритмоқда. Очик бозор бир томонлама бўлмайди, ривожланган мамлакатлар ҳам, ўз навбатида, бошка давлатлар махсулотлари учун ўз бозорларини очишлари зарур бўлади.

Бирор баркарор ривожланиш, биринчи навбатда, глобаллашувга кай даражада масъулитият ва адолат билан ёндашишимизга ҳам боғлик бўлади...

http://www.uk.emb.gov.au/CURRENT AFFAIRS/HC_Goodlad/2002/speeches/HC_speech_13092002.htm
материаллари асосида

1.7

Үзингизни текшириб кўринг: Бу қискартмалар нимани англатади? Бу ташкилотлар нима билан шуғулланади?

ЖСТ, ХВФ, ХТТБ, ЖЭЖ?

Турли хил воялар нафакат турли манфаатларни, балки турлича дунё-қарашларни ҳам ифодалайди. Баркарор ривожланиш таълимида нафакат Сайёра ҳолатини, балки онг ҳолатини ҳам кўриб чиқиш зарур. 2-бобда айнан шу масала кўриб чиқилади.

Биринчи боб учун Интернетдаги асосий манбалар:

<http://www.worldwatch.org>

Worldwatch институти, баркарор ривожланиш кўрсаткичлари ҳолати ҳакида кенг маълумотлар базаси

<http://www.enn.com/>

Глобал атроф-мухит ҳолати тўғрисида маълумотлар (америқача нуқтаи назар)

<http://www.rachel.org/bulletin/index.cfm?St=1>

Экологик Тадқиқотлар Фонди (Environmental Research Foundation)

<http://www.worldbank.org/depweb/english/aboutdep.htm>

Жаҳон Банки: Умуман инсоният таракқиётининг турли жиҳатлари, шу жумладан алоҳида давлатлар тўғрисида хисоботлар (жумладан, рус тилида), ўқитувчи ва иштирокчилар учун тарқатма материаллар (инглиз тилида)

<http://www.mindfully.org/WTO/Poverty-Globalisation-Shiva14may00.htm>

Камбағаллик ва глобаллашув — тадқиқотчи Vandana Shiva маколаси

<http://www.instadv.ucsb.edu/93106/2001/nov19/consumption/consumption.html>

Консьюмеризм — David A. Cleveland маколаси

«Сояда етиштирилган қаҳва афзалми ёки «қуёшда тобланганими?»

Тонгда бир пиёла қаҳва ичиш одат тусига кириб колган. Балки у қиммат қахвадан, масалан: «Coffee JACOBS» ёки «Tchibo Mild»дан тайёрлангандир. Охирги беш йил давомида қахванинг чакана нархи деярли бир хиллигича қолмокда. Лекин ишлов берилмаган қаҳва дони нархи сўнгти йилларда тушиб бораётганини кўпчилик билмайди. Натижада плантаторларнинг фойдаси ҳамда плантацияларда-

ги ишчиларнинг маоши умуман кўтарилима япти. Бундан ташқари, қахвани анъанавий, ўрмон соясида етиштириш усулидан қуёш нурида етиштириш усулига ўтиш билан боғлиқ экологик муаммолар хам вужудга келмоқда. Ушбу машк «қаҳва бизнеси»нинг кўринмас жихатлари ва турли томонларини бир неча фактлар ёрдамида кўриш имкониятини беради.

Мақсад:

1. Қаҳва бозори ҳакидаги маълумотлардан фойдаланиб, танқидий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш.
2. Қаҳва бозори мисолида эркин савдо ғоялари билан таништириш.
3. Талаб, таклиф ва бирламчи маҳсулотларни олиш технологиялари орасидаги боғлиқликни ўрганиш.
4. Қаҳва етиштиришда турли усуллардан фойдаланишининг экологик ва ижтимоий оқибатларини тақкослаш.

Зарур материаллар:

- 1-Тарқатма варак: Қаҳва бозори (маълумотлар).
- 2-Тарқатма варак: Дараҳтдан пиёлагача (маълумотлар).
- 3-Тарқатма варак: «Соядами ёки қуёшда?».
- 4-Тарқатма варак: Цитаталар.

Машғулотни ўтказиш услуби

1. Иштирокчиларни қаҳва бозори ҳакидаги умумий маълумотлар, қаҳва етиштириш усуллари ва қаҳвани ўрмон соясида етиштиришдек анъанавий усулдан фойдаланилмаётганилиги ҳакидаги маълумотлар билан таништириш;

2. Иштирокчилардан кичик групкаларга бўлиниб, ишлаб чиқарувчиларнинг атроф-мухитга таъсирини камайтириш ва айни вактда турмуш даражасини ошириш учун нима қилиниши зарурлигини мухокама килишни сўранг. Мухокама вактида бир катор кийин саволлар пайдо бўлади: Жаҳон савдо қоидалари қандай? Улар ким томонидан ўрнатилади? Нархлар қаҳва етиштириш билан боғлиқ ижтимоий ва экологик чиқимларни ифода этадими? Жаҳон савдоси қатнашчилари орасидаги номутаносиблик қандай оқибатларга олиб келади? Юкорида айтиб ўтилган барча омиллар бугунги дунёning баркарорлигига жиддий таъсир кўрсатади.

Қаҳва кўпчилик томонидан доимий истеъмол қилиниши боис, синфда унинг нархи, турлари ва баъзи дўкон, қаҳвахоналарда қаҳва нима учун анча қиммат эканлиги ҳакида тасаввурга эга бўлган ўқувчилар топилса керак. Баъзан қаҳванинг киймати кафе ёки ресторанинг ижара ҳаки, ишчилар маоши, бу бизнесга киритилган инвестициялар каби харажатлар ҳамда мижозларнинг молиявий имконияти ва таклиф килинадиган қаҳва турига боғлиқ бўлиши мумкин. Умуман олганда, 1 кг қаҳва нархи ўртacha 10 АҚШ долларини ташкил этади.

- 3) 1 кг қаҳва ишлаб чиқариш учун тахминан 3 кг ишлов берилмаган қаҳва дони керак бўлишини иш-

тирокчиларга маълум килинг. Юкоридаги маълумот асосида 1 кг ишлов берилмаган қахва нархи қанча бўлишини хисоблаб кўришларини сўранг. Бирор иштирокчи хисоблаб бўлганидан сўнг, аслида ишлов берилган 1 кг қахванинг бозордаги ўртacha нархи таҳминан 42 АҚШ центини ташкил этишини айтинг.

1-тарқатма варакда тақдим этилган маълумотлар асосида иштирокчилар орасида муҳокама ўтказинг:

- Олинаётган даромад жуда юкори эмасми?
- Бу даромад кимниki?
- Нима сабабдан 1997 йилдан бошлаб қахванинг нархи тушиб кетди?
- Нима учун қахвани ўрмон соясида етишириш усули тобора кам кўлланилаяпти?

Ўқувчилар учун топшириқ варианatlари

1. Агар плантацияларда ишловчилар маошини яхшилаш учун ишлов берилмаган қахва донининг нархи 2 баробар кўтарилса, дўконлардаги қахва нархи қанча бўлади? Агар Сиз бу билан ишлаб чиқарувчини кўллаб-қувватлашингизни билсангиз, қахва учун катта пул тўлаган бўлармидингиз? Қахванинг нархи ошса, жаҳон қахва бозори қай ҳолатга тушади?

2. Ўрмон соясида ва тозаланган майдонда етиширилган қахва хусусиятларини таққослаб кўринг. Ўрмон соясида етишириш усули кўлланилмаётганинг сабабларини тушунириб беринг. Қахва етиширишнинг унинг нархидаги хисобга олинмаган қандайдир жихатлари бор-йўклиги ҳакида ўйлаб кўринг.

Семинар ташкилотчиси учун шарҳлар

Ишлаб чиқарувчилар даромадини ошириш максадида қахванинг харид нархи бирмунча вакт кўтарилса, ҳакикатан ҳам ишлаб чиқарувчиларнинг фойдаси ортади ва 1 кг қахванинг дўкондаги нархи озрок кўтарилса, кўпгина харидорлар карши бўлишмайди. Бу ўсиш бор-йўғи икки фоизни ташкил этади. Лекин ишлаб чиқарувчилар кўп бўлган ва талаб, одатда,

ўзгармай коладиган шароитда нархнинг ўсиши қахва ишлаб чиқариш ортишига, унинг кўпайиб кетишига, бинобарин, нархи тушиб кетишига олиб келади. Керагидан ортиқ ишлаб чиқариш рақобатни кучайтиради ва қахва етиширишнинг жадал усулига — «куёш остида етиширишга» ўтилишига сабаб бўлади. Бу усул биологик хилма-хилликни хавф остида қолдирди, янгидан янги майдонлар ўзлаштирилишига олиб келади, тупрок унумдорлигини пасайтиради, яъни у узок муддатли истиқболда барқарор эмас. Шунинг учун ҳам қайси йўл билан бу ўта катта бозорни барқарор ва адолатлироқ килиш мумкин, деган савол ҳозир катта ахамиятга эга бўлмоқда.


Яна бир муҳим масала — бу қахва бизнесининг сердаромадлигидир. Маълумки, чакана нархнинг катта қисмини ишлаб чиқарувчилар даромади эмас, балки транспорт харажатлари, омбор ва кафелар ижараси, фирма ишчиларининг маоши, реклама учун кетган харажат каби омиллар ташкил этади. Бу занжир шунчалик узунки, ҳатто ишлов берилмаган қахва донининг харид нархи билан унинг чакана нархи орасидаги фаркни аниқ тасаввур килиш жуда кийин.

Нихоят, сўнгги муаммо. Энг оптимист мутахассисларнинг башоратларига кўра, агар юкоридаги муаммолардан хабардор бўлган харидор муковасида «fair trade» (адолатли савдо) ва «shade grown» (ўрмон соясида етиширилган) белгилари бўлган қахвани сотиб оладиган бўлса, у умумий қахва бозорининг бор-йўғи 1—2% ни ташкил этади. Шундай қилиб, ушбу машқ ўқувчиларда ишлаб чиқариш, савдо ҳамда атроф-муҳитнинг мураккаб ва ўзаро боғлиқ муаммолари ҳакида тасаввурни шакллантиришга ёрдам беради.

1- тарқатма варақ. Қаҳва бозори

Сояда етиштирилган
қаҳва афзалми ёки
«қүёшда тобланганимис?»

Қаҳва донининг нархи, тонна ҳисобида



Халқаро қаҳва ташкилоти ҳисоботидан кўчирма

Қаҳва донининг ўртача ойлик нархи
(Халқаро қаҳва ташкилоти маълумотлари асосида).

Бундай вазият қаҳвага бўлган талаб билан ишлаб чиқариш даражаси орасидаги мавжуд номутаносиблик натижасидир. 2001 йилнинг октябрь ойидан 2002 йилнинг сентябрь ойига кадар умумий қаҳва ишлаб чиқариш тахминан 113 млн. копни (битта қоп 60 кг) ташкил этган бир пайтда, истеъмол даражаси 106 млн. қоп бўлган. Бундан ташқари, дунёдаги қаҳва захираси 40 млн. қопга етди. Сўнгги йилларда жаҳонда қаҳва ишлаб чиқариш йилига тахминан 3,6%, истеъмол эса йилига 1,5% ортиб борган. Вьетнамда ишлаб чиқаришнинг кескин ортиши, шу йили рекорд хосил олинган Бразилияда янги плантацияларнинг ўзлаштирилиши ортикча маҳсулот пайдо бўлишига олиб келган сабаблардандир. Ҳисобларга кўра, дунёда 125 млн. дан ортик кишининг даромади қаҳва ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ экан. Қаҳва кўп йиллардан бўён етиштирилиши туфайли, унинг бугунги нархida тез суръатларда ўзгариш бўлиши деярли эришиб бўлмас вазифадир. Ҳозир мавжуд вазиятнинг оқибатлари турлича, аммо аксарият ҳолларда қаҳванинг харид нархи уни етиштириш учун кетган харажатларни копламайди.

Сояда етиштирилган
кахва афзалми ёки
«куёшда тобланганими»?

2-тарқатма варак. «Дарахтдан то пиёлагача»

АКШдаги қахва ишлаб чиқарувчи ташкилот ўз харажатларини келтириб ўтади

Columbian Supremo яшил донлари

Олиб кириш, сақлаш, ташиш

Ишлов бериш вактида 18% вазн йўқотилиши, эквивалент

Ишлов бериш учун сарфланган энергия

5 фунтли (0.14 м^3) копларга солиш

Истеъмолчига етказиб бериш

Жами

Ишлов берувчининг ва тарқатувчининг кўшимча харажатлари (ижара, асбоб-ускуна, банк хизмати, таъмирлаш, суурта ва соликлар)

Фойда

Жами (қахва сотувчига етиб боргунига кадар)

Сотувчи томонидан кўшилгани (ижара, маош ва бошка харажатлар + «окилона» фойда)

Ҳаммаси бўлиб (сотиб олиш вактида)

бир фунт (450 г)
учун \$1,30

\$0,11

\$0,12

\$0,31

\$0,25

\$0,30

\$2,39

\$2,15

\$0,24[5%]

\$4,78


\$3,22—5,20

\$8—10

Агарда қахва машхур қахвахонага келиб тушса, унинг эгаси 1 кг нинг қиймати \$20 бўлган донни бир пиёласи \$1,2 ли эспрессо ёки \$1,5 ли капучинога айлантиради. Агар 1 кг қаҳвадан 140 пиёла ичимлик чиқариш мумкинлигини хисобга олсак, 1 кг қахва дони \$170 га айланади.

Mark Pendergast, Uncommon Grounds, London, 2001. p. 330 материаллари бўйича.

3-тарқатма варақ. «Соядами ёки қуёшда?»



Қаҳва иккита асосий усулда — плантацияда (куёшда) ва ўрмон соясида етиштирилади. Бу икки усулни таққослаб күрсак.

Куёш нурида ва сояда қаҳва етиштириш усулларини таққослаш

Кўрсаткичлар	Сояда*	Куёшда**
1 га ердаги қаҳва дарахтларининг сони Йилига 1 га дан олинадиган ҳосил, кг	1000—2000 550 24—30	3000—7000 1600 12—15
Қаҳва дарахтининг ўртача ёши, йил Қаҳва дарахтлари билан ёнма-ён ўсадиган бошқа ўсимликлар	Кўп	Оз
Таъми	Унча аччиқ эмас	Аччиқроқ
Ишлаб чиқарувчилар	Асосан кичик плантатор хўжаликлар (компаниялар)	Йирик плантаторлар
Плантацияни ўзининг яшаш макони қилиб оладиган қуш турларининг сони	150	20—50
Плантацияларда яшай оладиган кушлар миқдори, оддий ўрмон орнитофаунасига киёсан, %	66%	10%
Плантацияни макон қилиб оладиган кичик сут эмизувчи турларнинг сони	24	Деярли йўқ
Плантацияни яшаш учун макон қилиб оладиган бошқа ҳайвон турларининг сони (чумоли, қўнғиз, амфибия...)	анчагина кўп	анчагина кам
Ёввойи ўтларнинг ўсиши	камрок	кўпроқ
Кимёвий ўғитларга эҳтиёж	камрок	кўпроқ
Пестицидларга эҳтиёж	камрок	кўпроқ
Суғоришга эҳтиёж	камрок	кўпроқ
Тупрок эрозияси	камрок	кўпроқ
Тупроқнинг нордонлашуви	камрок	кўпроқ
Плантациялардан чиқувчи заҳарли оқова сув	камрок	кўпроқ

* Ҳосилдорлик қуёшда етиштиргандагига Караганда 25—40% кам.

** Ҳосилдорлик сояда етиштиргандагидан юкорироқ.


Сояда етиштирилған
қаҳва афзалми ёки
«қуёшда тобланғаним»?

4-тарқатма варақ. Цитаталар

«Үн иил саввал жаҳон қаҳва бозори 30 млрд АҚШ доллари миңдорида баҳоланар әди, ундан 12 млрди ишлаб чиқарувчиларга тегишили әди. Ҳозир бу бозор 50 млрд ни ташкил этади, лекин унинг бор-йүғи 8 млрди ишлаб чиқарувчиларга тегишилидири». «The Guardian» газетаси

«Охирги үн иилликда асосий қаҳва сотувчиларининг даромади икки баробар ўсди. Худди шу даврда қаҳва етиштирувчиларниң даромади 2/3 га камайди».

Нестор Озорио, Халқаро қаҳва ташкилоти ижрои директори

Интернет манбалари

<http://www.independent.co.uk/story.jsp?story=334368>

<http://www.globalexchange.org/economy/coffee>

Қаҳва савдоси механизми: фермерлар фикри

<http://www.ico.org>

Қаҳва бозори ҳақида маълумот (Халқаро Қаҳва ташкилоти сайти)

<http://www.seattleaudubon.org/SHADEGROWN/aboutsc/>

[aboutsc.asp](http://www.seattleaudubon.org/SHADEGROWN/aboutsc.asp)

«Сояда» қаҳва етиштириш усули ҳақида маълумот

Иккинчи боб ОНГ ҲОЛАТИ

Назария бизнинг кузатишларимизни белгилайди.

Альберт Эйнштейн

1543 йилда Коперникнинг қўлланмаси нашрдан чиқди. Ушбу қўлланмада у биринчи бўлиб Қуёш Ер атрофида эмас, балки Ер Қуёш атрофида айланади, деган фикрни илгари сурди ва шу билан янги дунёқарашга асос солди. Бугунги кунда Ер билан иқтисодиёт орасидаги боғлиқлик ҳақидаги тасаввурларда ҳам шундай кескин ўзгариш бўлиши зарур. Иқтисодчилар Ер ўзи ундаги захиралар билан бирга иқтисодиётниң таркибий қисмини ташкил этади, деб ҳисоблайдилар.

Аслида иқтисодиёт атроф-муҳит ва Ер экотизимининг бир қисми дир. Барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш иқтисодиётни экологик таъмойиллардан келиб чиқсан ҳолда қайта қуришини талаб этади. Бу иқтисодиётни глобал экотизим билан ўйеунлаштириш орқали амалга оширилиши лозим...

Лестер Браун

Дунёқараш улкан аҳамиятга эга эканлигига эътиборни қаратган Эйнштейн, шубҳасиз, ҳақ эди. Дунё деб аталувчи механизмнинг қандай «ишлashi» ҳақидаги тасаввур онгимизнинг тубида жойлашган, у дунёқарашимизни белгилайди ва, ҳатто, бизнинг дунёни қандай қабул қилишимизга ҳам таъсир кўрсатади. Айнан шунинг учун ҳам инсонларнинг дунёқараши масаласи муҳокамасига алоҳида эътибор қаратилиши зарур.

Дунёқарашларнинг замонавий тизими, асосан, Коперникдан бошлаб, Фарб мутафаккирлари томонидан шакллантирилган. Бизнинг дунё, у қандай кўринишига эгалиги, қандай мавжуд бўлиши, уни қандай асрар кераклиги, қандай яшаш кераклиги ва кўпгина бошқа масалалар Уйғониш давригача Ислом файласуф олимлари Форобий, Беруний, Хоразмий, Абу Али ибн Сино ва бошқа ватандошларимиз томонидан батафсил таърифлаб берилган эди. Улар ўз асарларида Ернинг тузилиши, унинг иклими, денгизлари, дарёлари, қитъалар ва бошқалар ҳақида маълумотлар бериб ўтишган. Масалан, Беруний Ернинг думалоқ шаклда эканини ва унинг қарама-карши томонида кумли соат кўринишидаги янги қитъа борлигини башорат кил-

ган. Шу башоратдан сўнг 500 йил ўтгандан кейингина Колумб томонидан Америка қитъаси кашф этилди.

Уйғониш давридан бошлаб фан оламнинг тузилиши сирларини оча бошлиди. Кичик кисмларга ажратиш, энг кичик элементларни излаш «Маърифатли» шахснинг дунёни англаш усули бўлиб қолди. Бундан ташқари, Ньютон ва Декартдан сўнг олам аниқ қонунлар асосида «юрадиган» соат каби тасаввур килина бошланди. Шундай қилиб, «табиат машинаси» бизнинг иродамиздан келиб чиқиб ишлатса бўладиган тишли ғилдирак каби бир-бири билан боғлиқдир. Дунё инсон эҳтиёжларини кондирувчи ёвойи, хиссиз, мавҳум манба бўлиб қолди. Бироқ доимо меъёрни ёдда тутиш лозим. Ер бизнинг «эҳтиёжлар» имизни кондира олиши мумкин, лекин бунинг ҳам чегараси бор. Сўнг экологик оғат юз бериши мумкин. Ахир, бундан 3000 йил аввал Хеопс пирамидасида «Одамлар табиат кучларидан фойдаланишни ва ҳақиқий дунёни билмаганлиги сабабли ҳалок бўладилар» деб бежиз ёзилмаган эди.

Шундай бўлса-да, Худо Рух соҳасига тегишли деб эътироф қилинади. У Буюк Яратувчи. Бутун дунё унинг томондан яратилган. Коинот ва Ерда ҳаёт кечираётган энг кичик организмлар ИНСОН учун хизмат қиласи. Инсон буни идрок этади. Шунинг учун у доимо изланади. Лекин у ҳеч қачон чегарани ёдан чиқармаслиги лозим. Ҳар бир нарсанинг боши ва охири бўлади. Ер юзида жаннатни ҳам яратиш мумкин, деб ўйлайдилар: факат бунинг учун тўғри механизмларни танлаш керак... Бу чексиз тараққиёт ғоясидир. Инсоннинг янги ва мукаммал технологиялар хисобига юксалиши уни гангитиб кўйди. Технологиялар нафакат асосий эҳтиёжларимиз ва ҳаётий истакларимизни қондириши, балки Коинотда сайр қилишдек гўзал орзуларимизни ҳам рўёбга чиқариши керак эди...

Саноат асли дунёқарашини умумий тарзда шундай тасаввур килишимиз мумкин. Афсуски, табиатдан узилган ҳолда яшаш ва айни вактда табиатни тўлиқ бошқаришга эришиш (байрамга об-ҳавони буортма қилиш даражасида), диккатни факат шахс муваффақияти, моддий таъминот, фан асосидаги тараққиётга қаратиш каби қарашлар хали ҳам бизнинг шууримизни банд қилиб ётибди. Шунинг учун саноат даври иқтисодиёти ҳам бозор кўрсатмалари асосида захираларни маҳсулотга айлантирувчи машинага ўхшашdir. Шундай ижтимоий-иктисодий тизимни биз айнан XXI аср бошларида мерос қилиб олдик. Албатта, бу механизмнинг тузилиши мураккаблашди, у тезроқ ишлай бошлади, лекин унинг ишлаш тамойили таҳминан 200 йил олдингидек қолмоқда. Бундан ташқари, иқтисодиёт ҳақидаги дунёқарашимизга сезиларли таъсир кўрсатувчи турли хил афсоналар пайдо бўлди. Биз чин кўнгилдан ишонадиган бу афсоналар, иқтисодиёт ўзига хос «табиий» қонунлар асосида ишлайди, деган хом хаёлни яратди. Улар биз қаршилик кила


олмайдиган даражада онгимизга сингиб кетди. Бир пайтлар Британия премьер-министри: «Бозорга қаршилик кўрсатиб бўлмайди», — деган эди.

Бу афсоналардан баъзиларини келтириб ўтамиз.

- Нарх-наво — бозорни асосий тартибга солувчи восита.
- Саноат бизнинг эҳтиёжимизга қараб маҳсулот ишлаб чиқаради (яъни талабга жавоб беради). Бу жараёнда бир қанча миқдорда чиқинди ҳам чиқади. Бошқача қилиб айтганда, иқтисодиёт бизнинг талабларимизни кондириш учун самарали ишламокда, атроф-мухитнинг ифлосланиши эса чиндан ҳам ёвузлик, бироқ унчалик муҳим муаммо эмас. Агар ривожланиши истасак, атроф-мухитнинг ифлосланишига рози бўлишимиз керак.
- Farb иқтисодиёти моделларини дунёнинг бошқа мамлакатларида жорий этиш, ахоли сонининг кескин ўсиши ва коррупция каби муаммоларни келтириб чиқаришига карамай, фаровонлик ва бойлик олиб келади.

Бугунги воқеликка мос келувчи иқтисодиёт «чиқиндилар иқтисодиёти» бўлиши мумкин. Биз ишлаб чиқарадиган нарсаларнинг катта қисми, ҳакикатан ҳам ахлат, саноат чиқиндилари ва қисқа «умрини» ахлатхоналарда тугатувчи маҳсулотлардир. Иқтисодиётимизни куйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

«олиш — ишлаб чиқариш — фойдаланиш — ташлаб юбориш».



Ушбу формула барқарор ривожланиш таълими ва экологик таълим соҳасидаги кўпгина ташабbusлар нима сабабдан муваффакият қозонолмаганини тушунишга ёрдам беради, чунки бу ташабbusлар инсоният материал ва чиқиндиларни қай кўламда фойдасиз тасарруф этаётгани ҳакида аниқ тасаввур бера олмайди. Бинобарин, улар барқарорликка эришиш учун муҳим бўлган ўзгаришлар ҳакида хақоний тушунчани шакллантиришда ҳам кўмаклаша олмайди. Бунинг сабаби эса, иқтисодиёт воқеликни ифода этади, деган хом хаёл воқеликни нотўғри идрок этишга олиб келишидир.

2.1

Анъанавий таълим тизими саноат иқтисодиёти схемасини эслатади. Бу тасодиф эмас: хозир мавжуд таълим тизими саноат иқтисодиёти шароитида шаклланган. «Рахбартинг кўрсатмасига кўра ўз вазифасини аник бажарадиган бўйсунувчан, тартибли ижро-чилар керак» бўлган шароитда таълим таъминловчилик моҳиятига эга бўлиб қолди.

М.А. Голдин

Мактабларда хам таълим жараёни чизикли ташкил этилган. Жараённи интерфаол асосда мукаммаллаштириш имконияти жуда кам. Таълим даврида шахс учун муҳим бўлмаган катта ҳажмдаги маълумот кайта ишланади. Турли маълумотларга кўра, таълим жараёни самарадорлиги 10% — 50% ни ташкил килади. Бу эса, колган маълумотлар ўзига хос «таълим ахлати» вазифасини бажаради, деганидир. Имтиҳонлар бундай ахлат учун «ахлатхона»дир. Ўқувчи имтиҳонга имконияти даражасида ўзлаштирган билими билан келади ва ... у ўргангандан сўнг умуман талаб этилмайдиган бўлиб чиқади.

Машхур изкувар Шерлок Холмс ва доктор Ватсон сұхбатидан:

Ватсон: — Наҳот Сиз Ер эмас, балки Күёш Ер атрофида айланади, деб ўйлайсиз. Ахир Ер Күёш атрофида айланишини оддий мактаб ўқувчиси хам тушунади-ку.

Шерлок Холмс: Азиз дўстим Ватсон, меннинг ишим учун бу фикринг ўзи хам етарли. Менинг фикримча, одам боши турли хил нокерак нарсалар, билимлар билан тўлдириш учун мўлжалланган чордок эмас, кейин ўзимиз чалкашиб кетамиз, нима қаерда жойлашган деб.

(А.Конан Дойлнинг «Ш.Холмс мактублари» китобидан)

Кўшимча маълумотни кўйидаги нашрлардан топиш мумкин:

Голдин М.А. Образовательная система «Школа-парк»: теория и практика. — Екатеринбург: Полиграфист, 2002.

Зверев А.О. 10 и 90: новая статистика интеллекта // Знание — сила. — 1997. №5. с. 92—97.

Ковалева Г.С. Исследования TIMSS в России // Школьные технологии. — 1998. №4. с. 199—200.

Бу фикр маълум бир маҳсулотни ишлаб чиқариш тамойилини хам, глобал иқтисодиёт тамойилларини хам тушунишда ўринлидир: аслида инсонлар иқтисодий конунларни ўйлаб топиб, уларнинг холис эканини бўрттириб кўрсатишга уринадилар.

Фикр-мулоҳазаларимизни ўйналтиришга ёрдам берувчи икки кўчирмани келтириб ўтамиз.

«Инсоният томонидан фойдаланиладиган материалларнинг таҳминан 50 % ини қайтадан ишлатиб бўлмайди».

Rolf Jucker, Our Common Illiteracy, 93-бет.

«Биз сотиб оладиган ва ишлатадиган материалларнинг деярли 93% и ҳеч қачон бозор маҳсулотларига айланмайди. Бундан ташқари, 80% маҳсулот ишлатилганидан сўнг ташлаб юборилади, қолганлари эса мўлжалланганидан камроқ хизмат кўрсатади». Эмори Ловинс ва бошқалар, «Тўрт Омил».

Замонавий иқтисодиётни янада чуқуррок ўрганилганда, унда материал ва захираларнинг тизимга қайтиши деярли содир бўлмаслигини, яъни **қайтма алоқани йўқлиги** хали хам мавжуд эканини айтиш мумкин. Бу элементларнинг йўқлиги иқтисодиётнинг сунъий мураккаблигига қарамай, тартиби содда эканини кўрсатади. Қайтма алоқанинг аҳамиятини педагоглар яхши тушунадилар, негаки, айнан интерфаоллик самарали таълимнинг хам асосий элементи ҳисобланади.

«Қайтма алоқа мавжуд бўлмаган тизимлар мукаммал эмас. Ҳеч бўлмаса рудиментар қайтма алоқага эга бўлган тизимлар тез суръатда «ақлли» бўлиши мумкин. Агар сотиб олаётган машинангизнинг тутун чиқарувчи қувури йўловчиларга қараб эмас, тўғридан-тўғери салонга тутун чиқарганида, қанчалик экологик беғубор машина сотиб олган бўлар эдингиз?»

Эмори Ловинс

Буни англаш ва, айниқса, қабул қилиш анча қийин. Ахир бу билан дунёни хозирги кўринишида қабул қилишни шакллантирувчи кўрсатмаларимизга қарши чиқилади-да. Адолат юзасидан «чиқиндилар иқтисодиётида» хам қайтма алоқа мавжудлигини айтиб ўтиш керак. Савдо, талаб ва таклиф орасидаги мувозанат — қайтма алоқа асосига қурилган тизимдир. У доим сотувчилар ва харидорлар учун маълумот етказади. Савдо борган сари қийинроқ тизимга айланмоқда, лекин бир нарса ўзгармас бўлиб қолмоқда: бозорнинг асосий ташкил этувчиси — нарх, қийматдир. У шунчалик муҳим бўлиб қолдики, қиймат ва баҳони чалкашиб ташкира бошладик. «Кўпроқ» деган тушунча эса жамият онгидা «яхширок» деган тушунчага тенглашиб бормоқда.

Биосфера ва геосфера бизларга тақдим этувчи «экологик хизматлар» (хавони тозалаш, атмосферанинг газ таркибини назорат килиш, сув айланишини амалга ошириш ва х.к.)ни баҳолаб бўлмаганлиги сабабли, уларнинг қадр-киммати ҳам йўқ. Улар захира манбай ва чиқинди ташланадиган жойдан бўлак нарсани англатмайди ҳам. «Табиий капитализм» қўлланмасида экотизимнинг 17 та асосий «хизмат»ини пул кийматида аниқлашга қаратилган бир катор ишлар тахлил қилинган. Жаҳон ялпи маҳсулоти 1998 йилда 39 трлн. АҚШ доллари деб баҳоланганд, экотизим «хизмати» эса 36 трлн. долларни ташкил этган. Бу ракамлар мунозарали эканлигига қарамай, улар замонавий иқтисодиёт экотизимларга нисбатан иқтисодий қонунларга зид иш кўраётганини тушуниш имконини беради: иқтисодиёт асосий капитални «еб битирмоқда» ва фойда келтирувчи тузилмаларни йўқ килмокда.

Шундай килиб, биз шахс ва жамият онгидаги дунё қандай ишлаши ҳакидаги афсоналарни муҳокама қилмоқдамиз. Барқарор ривожланиш таълими аниқ муаммолардан кўра айнан ўша афсоналарга урғу бериши керак. Чунки бу муаммолар муайян дунёкараш ва афсоналар мавжудлиги натижасида пайдо бўлган. 2.2 фрагментдаги маълумот юқоридаги фикрни янада аниқроқ очиб беради.

Замонамизнинг энг машҳур юяси, эҳтимол, консьюмеризм¹ (истеъмолчилик)дир. Унинг кириб келиши жамият ҳаётида ўзига хос инқиlob бўлди. «Мен сотиб оламан — демак, мен ҳаётман», — бу Декартнинг: «Мен ўйлайман — демак, мен ҳаётман», — ибораси-нинг XX асрдаги ўзгартирилган кўринишидир.

1989 йилда «Берлин девори» қулагач, карикатурачи ўзгарган ижтимоий ва иқтисодий вазиятни шундай тасвирлади: Лениннинг қўли аввалгидек кўрсатмоқда, лекин инқилоб баррикадалари ва коммунизмга томон эмас, балки Фарбга ўйналирилган ва унинг қўлида «Go shopping» номли супермаркетнинг «Tesco» номли арzon халтаси бор.

Фоя сифатида консьюмеризм барқарор ривожланиш ва унга оид таълимга жиддий қаршилик кўрсатади.

Дарҳақиқат, агар кўп истеъмол килиш шахсни баҳтли килса, демак, баҳт сабабчиси бўлган истеъмолни чегаралаш қийин. Ким бунга рози бўлади? Ким баҳтсиз ҳаётни хоҳлайди? Лекин, барибир, ҳозир мавжуд экологик таълим ва барқарор ривожланиш таълими замоннинг



¹ Консьюмеризм — истеъмолчилик; истеъмол килишга (маҳсулотларни сотиб олишга) хаддан ортиқ иштиёқ.

2.2

Бизнинг жамиятда ҳукмронлик қилувчи афсоналар ҳақиқатни акс эттирадими?

Професор Рольф Жакер «бекарор» фикрлаш ҳакида шундай ёзди:

«...бизнесга хизмат килувчи оммавий ахборот воситалари (ОАВ), реклама ва «Паблик рилэйшнз»; расмий сиёсат ҳамда бутун дунёдаги университетлар ва бошқа ўкув даргоҳлари ҳали ҳам куйидаги афсоналарни, дөярли шубҳа остига олмасдан, инсонларга етказишида... бу афсоналар дунёнинг ҳозирги бекарорлигини кучайтираётган «ҳаракатлантирувчилар»dir:

- ЯММ (ялпи миллий маҳсулот) кўрсаткичи кўпдан бери инсон фаровонлиги даражасини ифода этмаслиги олимлар томонидан исботланганлигини ҳамда Ер каби чегараланган, моддий ўсиб бормайдиган тизимда ягона барқарор вариант — иолга тенг ўсиш эканлигини билишимизга қарамай, ОАВ даги исталган лавҳани кузатсан, унда ҳали кам ЯММнинг ўсиши ижобий янгилик сифатида етказилади.
- Саноат ва эндилика «электрон» инклиб натижасида юзага келган чизиқли фан-техника тараккиёти, унинг аксарият қисми материаллар (хомашё) ва энергияни ҳаддан ортиқ истеъмол килиши сабабли бекарор хисобланишига қарамай, ютук сифатида ёритилади. Умуман олганда, ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг барқарор цикли ҳамда атроф-мухитга таъсир синовини каноатлантирувчи замонавий технологиилар ва жараёнлар жуда кам.
- «Ривожланиш» модели, яъни маҳаллий ҳалкларнинг «ёввойи», «маданиятсиз» ва «колоқ» холатидан америкача ҳаёт тарзига ўтиши учун зарур бўлган чизиқли тараккиёт тўғрисидаги фикр нотўри эканлиги аллақачон исботланган. Биринчидан, агар ҳамма америкача ҳаёт тарзини танлайдиган бўлса, унда инсонларни захиralар билан таъминлаш учун бизларга, камида, яна Ердек тўртта сайёра кепрак бўлади. Иккинчидан, бу ғоя мазмунан тоталитардир.

етакчи йўналишлари ва кўплаб тадқиқотларнинг натижаларини эътиборга олмай, асосан одобга чакиришга ҳаракат қиласи. «Сайёрага мухаббат» юзасидан ёки «ҳақиқий фуқаро» каби ҳаёт кечириш учун кишилар истеъмол даражасини камайтиришади, деб хисобланади. Бир катор тадқиқотлар шуни кўрсатадики, фақатгина 5% аҳоли одоб меъёрларини бузмасликнинг ёки табиат муҳофазасининг аҳамиятини тушуниб етиб, ўзини шундай тутиши мумкин. Экологик маънавият ёки унинг бошқа соҳаларида фаолият юритувчи кишилар учун юкорида келтирилган ракам камдек кўриниши мумкин. Бу тушунарли, албатта, чунки юкоридаги ракамларни хисоблар эканмиз, ўзимизни ва, эҳтимол, ўша 5% ичига кирувчи ён атрофимиздаги кишиларни назарда тутамиз. Улар танишларимизнинг 60% ини ташкил этиши мумкин, лекин шунга қарамай, бу — жамият миқёсида 5%. Жиддий натижаларга эришиш учун эса барқарор ривожланиш таълими фаолияти доирасида «яшиллар» ва «экологияга кизикувчилар» нигина камраб олиш билан иш битмайди.

Нима бўлса ҳам, истеъмол қилишми?



Барқарор ривожланиш таълимига кизикувчи педагог учун консьюмеризм афсоналарини муҳокама қилиш, эҳтимол, биосфера холатини ўрганишдан кўра муҳимроқдир. Мактабларда истеъмолчилик баъзан фақат иқтисодиёт асослари ёки иқтисодий география дарсларида кораланади, одатда, бу мавзу умуман четлаб ўтилади.

Консьюмеризмга камдан-кам холларда жиддий муаммо деб қаралади. Унинг сабаблари ва уни енгиги ўтиш йўллари камдан-кам вазиятларда мухокама килинади. Кўпгина муаллифларнинг фикрлари яна ҳам қатъйроқдир: асл муаммолар ёки уларнинг асл кўламларини барқарор ривожланиш концепциясининг илмий жихатдан мубобиллиги ҳакидаги гап-сўзлар ортига яшириб ва вакти-вакти билан «табиат муҳофазаси» учун ҳаракат қилиб, айни пайтда, ҳаётимизда моддий нарсаларни кўзлаб, ўзимизни ўзимиз алдаймиз, деб ҳисоблашади. Тўлов масаласи кўндаланг бўлмагунча экологик дўстона ва ижтимоий масъулияти бўлиб қоладиганга ўхшаймиз.

Замонавий фикрлаш тарзининг экологик бекарорлиги унинг тузатиш мумкин бўлган камчиликларидан биригина эмас, балки асосий хусусияти ҳамдир. Фараз, ҳозирги фикрлаш тарзида ижтимоий адолат ва экологик бир бутунлик каби масалаларга үрин йўқлигидан ҳамда барқарорлик ғояси замонавий жамият бартраф эта олмайдиган бекарорликни яширишга қаратилган ҳаракат, деб қабул қилинишидан иборатдир».

Ингольфур Блюдорн

Онгимизда томир отган бекарорлик сабабларини ўрганишни шу ерда тўхтатсан бўлади. Биз замонавий дунёкарош доирасида шунчалик чекланиб қолганимизки, ҳатто айнан шу далилни ҳам инкор этишга тайёрмиз. Шунинг учун ҳам барқарор ривожланиш таълимида дунёкарошни танқидий англаш йўлларини топиш, кўпгина анъанавий тасавурларни қайта англаш, шундан сўнгина кейинги бобда ёритиладиган «экологик дўстона» масалаларни кўриб чиқиш керак бўлади.

Консьюмеризм қаердан пайдо бўлган?

Дунёдаги энг йирик трансмиллий корпорациялардан бири бўлган Женерал Моторс директорлар кенгashi раиси Чарльз Кеттерингни: «Иқтисодий гуллаб-яшнашнинг қалити — жамиятда қаноатланмаслик ҳиссини яратишдир», — дейишга нима мажбур килди?

Бу боғлиқликни шакллантиришда Эдвард Бернейз катта хисса қўшган. Экологик таълим ва маънавият бўйича мутахассислар орасида унинг номи деярли маълум эмас. Аммо истеъмол билан боғлиқ ҳозирги вазиятни шакллантиришда унинг ўрни бекиёсdir.

(Давоми)

Чунки у ғарбча ҳаёт тарзи — ягона тўри ҳаёт тарзи, бошка ҳамма ҳаёт кечириш усулларини эса йўқ килиш керак, деган фикрни илгари суради. Шунга қарамасдан эскириб колган бу тараққиёт ғояси жаҳон савдоси кун тартибининг асосидир».

Rolf Jucker, Our Common Illiteracy. 93-бет

2.3

• Тадқиқотлар кўрсатишича, кўпгина мамлакатлар ахолиси даромади юкори даражада ўсишига қарамай, «одобли» истеъмолчилар ҳали ҳам бозорларнинг жуда кам кисмини ташкил этмоқда. Турли хил ҳаридлар ичida уй учун «одоб-ахлоққа» асосланиб танланган товар ва озик-овқат махсулотлари 5,4% бўлса, бошка категориядаги махсулотлар бўйича бу кўрсаткич жуда ҳам камдир».

«Cooperative society» маълумотларига кўра (http://www.greenconsumerguide.com/features/ethical_purchasingindex_2001.pdf)

2.4

... «яшил» махсулотларни истеъмол килишга ашаддий ишқибоз бўлганларни хисобга олмагандা, нархи кимматрок бўлса, бозорнинг аксарияти «яшил» махсулотларни танламайди.
... бир неча тадқиқотлар кўрсатишича, тозарнинг ижтимоий ва экологик тавсифи истеъмолчиларнинг факат 5—10% учун танлашда мухим мезон ҳисобланади».

Prof. Paul Stoneman, The green challenge — the market for eco-friendly product

2.5

1992 йилда Россия ахолисининг 17% гина атроф-мухит муҳофазаси йўлида маҳсулотларни қимматроқка сотиб олишга тайёр эди. Моддий дунёкарашга эга кишилар орасида бу кўрсаткич 5% ни ташкил этди.

ВЦИОМ маълумотларига кура: Докторов Б., Сафронов В., Фирсов В. Профили общественного мнения // Социс. 1992, №12

2.6

Онгга ҳужум учун тутун парда

1920-йилларда Эдвард Бернейз аёлларнинг одамлар орасида чекишини жамият маъқулламаслиги чорасини топиш учун Америка Тамаки Жамғармаси томонидан ёлланган эди. Стереотиплар таҳлили сигарет — эркак ҳукмронлигининг узига хос аломати ва аёллар хасадининг сабабчиси, деган хуносага олиб келди. Бернейз сигаретлар узига хос «озодлик чироклари», бинобарин, аёлларнинг озодлик томон йўлини сигарет олови ёрдамида ёритиш мумкин, дея эълон қилди. У бунда кўпгина чиройли кийинган, ёқимли ёш актисаларни ишга солди. Улар аёлларнинг эркаклар билан тент ҳукуклилик учун курашига қўшилиши ва айникса, ён-атрофда телекамералар пайдо бўлганда, ошкора чекишарди. Иш ўз самарасини берди. Албатта, никотин аёлларни алоҳида эркинликка олиб чиқмади, у факатгина аёллар ўзларини эркинрокмиз, деб хаёл килишлари учун сабаб бўлди.

«Биз ўз ҳоҳиш-истакларимиз қулига айландик, оқибатда, янада масъулиятлироқ булишимиз мумкинлигини унумтдик».

* Адам Куртис, The Century of Self дастури продюсери

Куйидаги расм консьюмеризмни гиёҳванд моддага боғланиб колганик билан узига хос тарзда таққослади.



Бернейз «Паблик рилэйшнз» (PR), яъни омма билан алоқалар асосчилиридан бири хисобланади. Зигмунд Фрейднинг жияни бўлган Бернейз амакисининг назарияларини амалиётда яхши қўллай олди. Фрейд инсон ўз онгини тўлиқ бошқара олмаслиги туфайли оддий кора кучларга ва ёввойи хошишларга бўйсунади, деб ишонарди. Бернейз корпоратив PR бўйича мутахассис бўлгани учун Фрейд таълимотини амалиётда қўллаб қўриш имкониятини аниқлади. Буни журналист Эндрю Биллен чиройли таърифлади: «Ха, онгиззик инсонни урушга олиб келиши мумкин, лекин айнан шу ҳолат инсонни супермаркетга ҳам етаклаши мумкин. Инсон ўз хатти-харакати сабабларини билмаслиги, бу сабабларни ўз соҳасининг мутахассислари ҳам билмайди, деган гап эмас. Айнан у одамларни бошқариши ва бошқа инсонга нисбатан нафрат хиссини уйғотиши ёки умуман кераксиз нарсага эгалик қилиш хошишини шакллантирувчи таъсир ўтказиши мумкин.

Бернейз Америка корпорациялари учун ҳакикатан ҳам керак эди. Улар, XX аср ўрталарига келиб инсонлар барча зарур нарсага эга бўладилар ва товарларга талаб кескин пасаяди, деб хавотир ола бошладилар. Ишлаб чиқариш кўламлари кенгайиб борар, товарлар арzonлашар ва истеъмолчилар муҳим товарларни борган сари камрок ҳарид қиладилар. Катта ёшдагиларнинг нарсаларга: «Бу яхши буюм, у 30 йил хизмат қилади...», «Бу шкафни ташлаш керак эмас, у хали жуда бақувват...» ва ҳ.к. тарзидаги муносабатларига эътибор бериб, корпорацияларнинг хавотирилклари бежиз эмаслигини тушуниш мумкин.

Бу хавфга товарларни сотишга бўлган янтича ёндашув жавоб бўлди. Реклама инсон психологиясининг иррационал, руҳий жиҳатларига каратила бошланди. Аслида, товарнинг ўзи эмас, балки ҳаёт услуби, тарзи, унинг ортидаги шахснинг жамиятдаги ўрни муҳим бўлиб колди. **Бернейз товарларни эмоционал эҳтиёжларнинг ўрнини босувчи, деб тасаввур этилса, унда деярли чексиз бозор яратиш мумкин**, деб тахмин қилди. Аслини олганда, буюмлар эмоционал эҳтиёжларни ҳам, маънавий эҳтиёжларни ҳам қондира олмайди.

Шунинг учун ҳам товар ҳарид қилишдаги анъанавий мафкура, яъни миқдор кўрсаткичи эмас, сифат кўрсаткичи хукмон тус олди. Шу тариқа «Яхши» «Катта»га ўзгартирилди. Қизиги шундаки, бу караш атайн яратилган. Бу тушунчалар диалектика қонуни асосида ўзаро боғлик бўлса ҳам, мазмуни жиҳатидан бир-биридан жуда фарқланади. Уларнинг ўрнини алмаштириб ишлатиш мумкин эмас, зеро миқдор кўрсаткичлари ва сифат кўрсаткичлари бошка-бошка нарса. Ёзувчи Далиэль Бурстин таъкидлаганидек: «Сиз товар образини хошиш ва туйғу билан боғласангиз, бу образ кучли эмоционал таъсир касб этади. Консьюмеризм ва дин шунга асосланади; Геббелъс айнан шундай усуллардан фойдаланиб, ўз Фюрери режаларини амалга оширишда ёрдам берган эди. Агар сиз рационал фикрлашга эмас, тасаввурга таъсир қилсангиз, хокимиётни кўлга олган бўласиз. Наполеон буни биларди ва шунинг учун: «Тасаввур дунёни бошкаради», — деган эди.

Балки, экологик таълим муаммоларидан бири айнан шундадир: у иррационал йўл билан, яъни инсон хиссиётлари ва кўрсатмаларида мурожаат қилиш орқали шаклланган ишонч ва кўрсатмаларни мантикий йўл билан енгиб ўтишга харакат қилади.

2.7

Бахт чекланган (бу яхши, чунки сайёра захиралари ҳам чекланган)

Европаликларнинг хаётдан қоникишлари борасидаги статистик маълумотлар европа стандарт бўйича ҳаёт кечиришга харакат киладигилар учун қоникарсиз натижаларни кўрсатади. Сўнгги 50 йилда Фарб мамлакатларида фаровонлик ғоят юкори даражада ошишинга карамай, у ерда инсонлар бахтироқ бўла олмадилар. Бу маълумотлар истеъмолга бўлган муносабатнинг, шахсий ҳаёт билан иш ўртасидаги мувозанатнинг, соғликни саклаш соҳасидаги устувор масалаларнинг ва, биринчи навбатда, инсон манфаатларига асосланган жамият қурилиши билан борлик барча масалаларнинг кўриб чиқилишига олиб келиши керак.

Агар инсонлардан хаётдан канчалик қоникишлари сўралса, узок йиллар мобайнидаги жавоблари уларда қоникиш ва бахт хисси ортмаганини кўрсатади. Бу тенденция Европанинг етакчи мамлакатлари ҳамда АҚШ ва Японияда кўзга ташланади. Ҳатто «олтмиш-етмишинчи йиллар»да ҳам бахти инсонлар сонининг ўсиши кузатилмаган. Аксинча, расмий маълумотларга кўра, Япониядан ташқари ҳамма мамлакатларда тушкунлик (депрессия), ичкилиkbозлиқ ва жиноятчилик даражасининг ўсиши қайд этилган. Бахт субъектив тушунча эканлигига карамай, замонамиз нейропсихологларининг тадқикотлари инсонларнинг шахсий бахт хисси ҳакидаги карашлари объектив ҳакиқатга тўғри келишини тасдиқлайди. Объектив ҳакиқат ҳакидаги билим йилдан йилга ортиб бормоқда.

Статистика қашшок мамлакатлар учун бошка маълумотни — фаровонлик даражаси кўтарилиши билан бахти инсонлар сони ҳам ортганлигини кўрсатади. Агар инсонлар қашшоклик чегарасида турган бўлса, даромад ё ҳаёт, ё мамот масаласига айланади. Лекин, биз таъкидлаб ўтганимиздек, кейинчалик даромад ўсиб бориши бахтилилк даражаси ўсишига олиб келмайди. Иккинчи

(Давоми)

Жаҳон урушидан кейинги йилларда ривожланган мамлакатлар ахолиси яна ҳам бойиб борди. Улар кўп саёҳат қилишади, кўпроқ умр кечиришади ва соғломрок бўла боришади. Лекин улар баҳтироқ бўлишмаялти.

Нега даромаднинг ўсиши баҳтли инсонлар сонинг ўсиши билан уччалик ҳам боғлик эмас? Бунинг тўртта асосий сабаби бор.

Улардан **биринчисини** биз мұхокама қилиб бўлдик: бу инсонларнинг номоддий эҳтиёжларини моддий усуллар билан қондиришга қаратилган харакати: севгига, ҳурматга, ўзининг ҳаётдаги ўрнини топишга бўлган эҳтиёж.

Иккинчи сабаб: атрофимиздати барча ахборот манбалари (биринчи навбатда ОАВ ва реклама) қоникмаслик хиссини сунъий равишда яратади.

Учинчиси, ҳар бир инсонда ракобатга мояиллик мавжуд: «қўшниларимни кидан ёмонрок бўлмаслиги керак». Биз даромадимизни ва ҳаёт даражамизни бошқаларники билан тақкослаймиз. Кимdir яхшиrok ҳаёт кечирса, биз ўз ҳаётимизни ёмонрок, деб хисоблаймиз.

Тўртинчи омил кўникиш туйғуси бўлиши мумкин. Биз ҳозирги муваффақият билан ўтмишдаги муваффақиятни солиширамиз. Агар бу йил турмуш даражаси кўтарилиган бўлса, кейинги йилда ҳам шундай ўсиш бўлишини кутамиз. Шунинг учун бугун эришган ҳар бир ютуғимиз — келажак учун янги вазифа.

Кўриниб турибики, кўп вазиятларда яхши ҳаёт кечиришга бўлган харакатлар манубият билан тугайди.

Консьюмеризмга танқидий муносабатда бўлиш, унинг асл сабаблари ва мақсадларини англаш учун эҳтиёж ҳамда мавжуд иқтисодиёт — «чиқиндилар иқтисодиёти»га бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш талаб этилади. Бу вазиятда ўқитувчиларнинг тайёр ечим ва қарорларни тақдим этишга мойиллиги ҳавф туғдиради. Экологик бекарорлик борасида қўлланманинг дастлабки бобларида келтирилган мулоҳаза ва далилларни қабул қилувчи қўпгина ўқитувчилар топилади. Келтирилган далиллар романтика давридан, шафқатсиз саноат инклибини инкор этган шоир, рассом ва ёзувчилар ғояларидан келиб чиқади. Лекин мактаб тизимида шаклланган бу ўқитувчиларнинг замонавий ечимлари саноат даврининг маънавият ва ижтимоий тартиб ҳакидаги тасаввурларига таянади. Улар учун баркарор ривожланиш (ёки яна ҳам содда ўқитувчилар учун, «экология»), одатда, шахсий даражада қолиб кетадиган виждан ва ахлоқ масаласидир. Бу шанбалик бўладими, маҳаллий ҳудудни тозалаш, дарахт экиш ёки экологик мезонларга таяниб маҳсулот танлаш бўладими, барибир, инсонлар: «Қанийди, ҳамма ҳам кўчани тоза тутса, ... дарахт экса, ... пластик пакетларни камрок сотиб олса, ... бир-бирини ҳурмат қилса...» — кабилида харакат қилишлари керак.

Ҳа, қанийди... Булар ҳаммаси тўғри ва долзарб бўлишига қарамай, бу чақириклар кўпчилик учун дастуриламал бўла олмайди. Улар инсонларни харакат қилишга чорламайди, чунки, Пол Хокен таъкидлаганидек, бу чақириклар «доимий ўсимлик пархезига», яъни факат ўсимликлардан олинадиган маҳсулотлар билан озиқланишга ўтишга маслаҳатдек жаранглайди.

Экологик шиорлар инсонлар учун ўзини-ўзи чегаралашга, ўзини курбон қилишга ва, энг ёмони, натурал ҳўжалик даврига чақириқдек туюлади.

Иккала кутб афсоналарига танқидий муносабатда бўлиш нисбатан амалийроқ баркарор ривожланиш таълимини яратиш мақсадида майдонни «тозалаш» учун керакка ўҳшайди. Акс ҳолда биз куч-ғайратимиз ва захираларимизни ўқитувчилар учун романтик туюладиган, олимларнинг иззат-нағсини қондирадиган ва сиёсатдонларнинг талабларига мос келадиган самараисиз моделни ҳаётга татбиқ этишга сарфлаган бўламиз. Лекин бу маълум муддатдан кейин жиддий афсусланишга олиб келади.

Экологик таълимнинг «Қанийди, ҳамма ҳам ...» сифатида намоён бўлган асосий «ғояси» чекланганигини кўрсатиш учун қўлланмада «Махбус дилеммаси» машқига асосланган мухокама материаллари таклиф этилади. Бу машқ аксарият ўқитувчилар ҳам, ўқувчилар ҳам барқарор ривожланиш каби умумбашарий ишга нима сабабдан ўз хиссаларини қўшишмаётганини тушунишга ёрдам беради.

Истеъмолчилик (консьюмеризм)ни мухокама килиш учун материал сифатида 2.7 — «Бахт чекланган» ахборот фрагментига каранг. «Кўпроқ» хақиқатдан ҳам «бахтироқ» дегани эмас.



Орзу қилма, бошқар!

Биз нимани орзу қиласиз?

«Ўсиб келаётган авлодга биз истеъмол тарзидан фарқли, лекин ундан қизиқарли ҳаёт тарзини таклиф этишимиз керак». (В.Калинин, АсЭкО миңтақалараро жамоат ташкилот ижрочи директори. Кўчирмалар куйидаги манбадан олинди: Аргунов М.В., Ермаков Д.С., Плюснина Т.А. и др. Междисциплинарный модуль «Экология городских рек» / Под ред. В.Б.Калинина. — Обнинск: АсЭкО СоЭс, 2000)

Баркарор келажак таълими ўша биз таъкидлаган онгнинг тасаввур, хиссиёт, замонавий ҳаёт тарзига интилиш сингари иррационал томонларига кўмаклашиши керак бўлади-ки, буни кейинги бобларда ёритишга ҳаракат қиласиз. Ўқувчиларга мукобил, анча муносиб ҳаёт тарзи ва дунёга ижобий қарашни таклиф этиш зарур бўлади. Бу таклифларимиз нарсаларнинг асл ҳолатига жавоб берадиган ҳамда инсонларнинг қизикишлари ва хоҳишлирига мос келадиган имкониятларни тақдим этиши керак.

(Даъоми)

Агар мен баъзиларга нисбатан олдинлаб кетсан, улар орқада колади, бу эса «уларнинг хаётини заҳарлайди». Шунингдек, агар сиз бугун ўз ҳаёт шароитингизни яхшиласангиз, эртанги кунга режаларнингиз бундан-да ортади. Сиз буни тушуниб етмасангиз, «яхшироқ = каттароқ ортидан» кувиб юриш худди тамаки чекиши сингари ўзинга хос борникликка айланади.

Лондон иқтисодиёт мактабининг Иқтисодий Самарадорлик Маркази ҳамдиректори Ричард Лайядр (Richard Layard) материаллари асосида. Унинг бахт ҳақидаги учта маърузасини Интернетдаги қуйидаги манзилдан топиш мумкин: <http://cep.lse.ac.uk>

*Дунё, ривожланиш ва атроф-муҳит
муҳофазаси ўзаро боғланган ва ажралмасдир.
Барқарор ривожланиш қоидаси*

Учинчи боб ДУНЁҚАРАШ ИЗЛАБ...

XX аср охирида ҳудуднинг табиий равишда чўлга айланиши жадал суръатларда кечаетганлиги етмаганидек, одамларнинг муносабати туфайли чўлга айланиб бориш жараёни шитоб билан давом этаётганлиги бу муаммони янада чуқурлаштироқда.

Бу дунёning асосий муаммолари — табиат қандай фаолият курсатиши билан инсон қандай фикрлаши орасидаги фарқ натижасидир.

Грегори Бейтсон, эколог

Бизнинг олдинга харакатимизни илғор фикрлар белгилаб беради. Фикрлар кўпинча, масалан, оламни машина билан қиёслаш — ускуналар, сабаб ва натижалар дунёси, башорат қилса бўладиган олам сингари ўхшатишлар шаклини олади.

Эйнштейн ва унинг «назария бизнинг кузатишларимизни белгилайди», деган ғоясига қайтсак. Ҳозиргача қарама-карши нуктаи назарлар хам мавжуд. Оламни механик равища, бўлакларга бўлиб мушоҳада қилиш уни тўғри акс эттиришига ишониш қийин. Аксинча, бу илмий абстракцияни тасвирлаб берувчи ўхшатишдан иборат. Бу усул муайян чегаралар доирасида жуда қўл келади: ракеталар учади, жисмлар ерга қайтиб тушади, двигателлар ишлайди, жамият ва иктисадиёт бошқариладигандек кўринади, илм ихтиёрий равища соҳаларга бўлинади ва ўқувчилар билим олади..., соат юришда давом этади. Бирок реал олам анча мураккаб ва олдиндан башорат қилиб бўлмайдигандек кўринади.

Эҳтимол, оламни унинг айрим қисмларини тасвирлашдан кўра, унда мавжуд боғланиш орқали яхширок тавсифлаш мумкиндири. Эколо-

гия биосферадаги ўзаро боғлиқликнинг нақадар мухимлигини ва биосферанинг тикланиш хусусияти чегараланганлигини эслатиб, инсоният тарихида жуда мухим роль ўйнади. XX аср бошидан буён Ньютон физикаси моддий олам манзарасининг бир кисми сифатида қаралар эди: вакт ўтиши билан Ньютон қонунлари факат маълум чегаралардагина ўринли эканлиги аниқланди. Космик ҳодисалар ва атом ичидаги жараёнларни бу қонунлар ёрдамида тушунириб бўлмайди.

Ноаниқлик оламга кириб келди-ю, сўнг уни тарк этмади. Компьютерларнинг қашф этилиши динамик тизимларни моделлаштириш ва олам факат чекланган параметрлар чегарасидагина ўзгармаслигини, устига-устак, нотекис ўзгарувчи турбулент тизим эканлигини аниқлаш имкониятини берди. Кичик ҳодисалар катта миқёсдаги ўзгаришларга олиб келиши мумкин. Тизим ичидаги узвийлик оқибатида қисқа вакт ичida уларнинг таъсири янада кучаяди. Тўғри чизикли бўлмаган концепциялар билан ишлайдиган математиклар тизимнинг исталган қисмida ўзгариш рўй бериши мумкинлигини ҳам кўрсатдилар. Шу билан бирга бу олимлар тизим ўз қисмлари ва элементларининг ишлшини бошкаради, деган тезис инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқат эмаслигини ҳам кўрсатдилар. Ҳамма нарса факат маълум чегарадагина ҳақиқатдир. Ҳамма нарса мухимдир. Физика ва иктисодиёт, педагогика ва география каби бир-биридан узок соҳаларда оламга динамик, узвий боғлиқ ва олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган тизим сифатида қарашлар «экологик» ва «голографик» образлар атрофига шаклланган. Оламни тушунишнинг бундай ўзгаришига энг кучли таъсир Ернинг Ойдан туриб олинган сурати сабаб бўлган бўлса, ажаб эмас. Бу суратдан экологик ташкилотлар томонидан бизнинг Сайёрамиз тубсиз Коинотдаги кичикина тирик сайёра эканлигини кўрсатишда кенг фойдаланилади.

Тимсол ҳам ўзгарди. Тўғри чизик, чизикли Тараккиёт дунёси айланага — жаҳондаги ўзаро алоқаларнинг сеҳрли, деярли диний тимсолига ўзгарди.

Аста-секин ривожланиб келаётган янгича дунёқараш кишиларни биосфера ва геосфера каби мураккаб тизимларнинг иштирокчилари сифатида такдим этмоқда.

3.1

Дунёқараш шунчалик мухимми?

Шубҳасиз, мухим. Олим ва файласуф Дэвид Бом биз ўз ниятларимизни танламаймиз, деб хисоблайди. Бизнинг хулқ-атворимиз аслида ташbihли дунёни тушунишимизга боғлиқ. Бундан ташқари, бизда ўйлаш стереотиплари мавжуд. Биз янгича вазиятларга эски кўнікмаларимиздан келиб чикиб муносабат билдирамиз. Балки, айнан шунинг учун ҳаётда ўзгартириш энг кийин бўлган нарса — бу шахсий онг, деган фикр пайдо бўлгандир.

Биз кўплаб ўзаро боғликларга эга бўлган динамик тизим — биосферанинг бир кисми хисобланамиз. Бундан кўриниб турибдикি, биз қанча куч сарфлашимиздан қатъи назар, бу тизимни бошқармаймиз ва бошқара олмаймиз ҳам. Барча ўзгарувчилар бизга охиригача маълум эмас, шунинг учун улардан энг аҳамиятсизи ҳам тизим алокаларининг кучайиши туфайли мухим роль ўйнаши мумкин. Аммо биосферани назорат кильмасак ҳам, унга таъсир ўтказа оламиз ва буни ўта эҳтиёткорлик билан амалга оширишимиз лозим. У кўплаб оқибатларни келтириб чиқаради. Мисол учун, эҳтиёткорлик омилини қабул қилиш, яъни харакат оқибатлари жавобгарлигини уни таклиф этаётганлар зиммасига юклаш. «Табиатга карши эмас, у билан биргаликда иш килиш» чакириги сийқаси чиккан ибора эмас, балки инсон фаолиятининг мукарар аксиомаси бўлиб колмокда. Чикинди чиқармаслик бемаъни вазифа эмас, балки эришса бўладиган максадга айланмокда.


Ўқитувчининг турли дунёқараашларга муносабати

Дунёқарааш	Ўзгаришлар назарияси	Ўқитиш дастури ва жараёнининг ўрни
Инсоният табиатдан ажralиб туради, шу сабабли, ундан керагича фойдаланиши мумкин; табиат бир неча таркибий қисмлардан тузилган; кишилар иқтисодий муносабатларда ўзаро ракобат килишлари лозим.	Урф-одатларни қадрлаш, янги таклиф қилинаётган ўзгаришларни эса яхшилаб ўрганмок лозим; агар тизим элементлари самарали ишламаётган бўлса, уларни ўзgartирish мумкин; жамиятдаги ўзгаришлар фаол кишиларнинг хатти-харакати натижасида содир бўлади.	Таълим — қобилият ва қадриятларни етказишнинг бир томонлама жараёни; у мактабдаги анъанавий фанларни анъанавий тарзда ўқитилишига асосланган; ўрганувчилар коллига солинган, дастурланган маълумот ва тажрибаларнинг пассив қабул қилувчилари сифатида қаралади.
Прагматизм (илмий)	Мажбурларни жорий қилиш	Трансакция
Инсоният атроф мухитни оқилона режалаштириш орқали ўзgartириши ва яхшилаш мумкин; Сайёрамиздаги муаммоларни фан ва технологиялар ҳал қилиши мумкин; ҳар бир шахснинг хатти-харакатини олдиндан билиш ва уни қонунлар воситасида тартибга солиш мумкин.	Ўзгаришлар илм-фан ва оқилона тамойиллар асосида киритилиши ва бошқарилиши лозим; ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар айrim шахсларнинг бошқалар манфаатини ўйлаб атайн аралашувини талаб қиласди.	Таълим — ўрганувчи билан таълим дастури ўртасидаги диалог; ўқитиш жараёни муаммоларни ечиш учун керак бўладиган қобилияtlарни ривожлантиришга асосланади; ўрганувчи керакли билим ва воситаларга эга бўлса, ҳар қандай муаммони ечишга кодир, деб хисобланади.
Холизм (яхлит, тизимли)	Организм	Трансформация
Сайёрамиздаги ҳар бир нарса ўзаро боғлиқ ва ўзаро алоқадор; ҳамма нарсанинг маъноси ўзаро боғлиқликни тушунишдан келиб чиқади; индивидуум бошқалардан алоҳида харакат кила олмайди — ҳар бир индивидуумнинг кимнинг харакати тизимга таъсир кўрсатади.	Ўзгарувчанлик тизимнинг муқарар ва табиий хусусиятдир; ҳар қандай ўзгариш бутун тизимга таъсир кўрсатади; ижтимоий ўзгаришлар одамлар ўзлари яратган тўсикларни енгib ўтиши натижасида ўзгаришларни содир бўлади.	Таълим — шахсий ва ижтимоий тараккиёт жараёни; таълим жараёнида ўрганувчининг эстетик, ахлоқий, маънавий ҳамда билишга бўлган эҳтиёжларига эҳтиёж даражасида эътибор қаратилади; ўрганувчи шахс сифатида қабул қилинади.

Miller J. ва бошқалар материаллари асосида

Хаётнинг турли соҳаларини қандай кўришимиз ва уларни қандай тушунишимиз дунёкарашга боғлик эканлигига яна бир бор амин бўлишимиш мумкин. Барқарор ривожланиш таълимида ва умуман, таълим соҳасида биз трансмиссия ва трансакция орасида бўлиб, энди трансформацияга ўтишга харакат қилмоқдамиш.

Кўйида биологик тизимларни қайтма алса механизмлари билан моделлаштирувчи «табиий» иқтисодиёт модели келтирилган. Кўёшнинг хозиргача порлаб турганини ҳисобга олсан, бу модель кўёш энергиясига асосланган ва хозир мавжуд чизикилди моделга нисбатан анча баркарор ҳисобланади. «Табиий» иқтисодиёт модели биз аввалроқ муҳокама қилган даврий образларга кўпроқ мос келади.



Турли хил дунёкарашни муҳокама қилиш, бир карашда, кизикарли, лекин амалиётдан узок бўлгани учун вактни бекор сарфлашдек кўриниши мумкин. Аслида ундан эмас. Физикада бўлгани каби, таълимда хам механистик ёндашув айrim ҳоллардатина ўринли ҳисобланади. Давр таълим соҳасига юкоридагилардан фарқ қилувчи янги талаблар қўймоқда ва натижада янги ёндашувларни топиш эҳтиёжи туғилмоқда. Кўйидаги мисолларда келтирилган, бир қарашда фалсафий, соғ назарий саволларнинг муҳокамаси БРТ афзалликларини аниклаш учун самарали восита бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Барқарор ривожланиш ғояси билан боғлиқ дунёқараашни күриб чи-киш мактабни кай тарзда янада барқарор ташкилотга айлантириш ва ундан маърифий восита сифатида фойдаланиш мумкинлигини тушу-нишда ёрдам беради. Бундан ташқари, дунёқарааш муҳокамаси, бар-карор ривожланиш таълими моҳиятини камидан муайян курслар ва фанларда аниклашга кўмаклашади.

Кўйида келтирилган машқ педагоглар жамоаси гурух билан ишлаёт-гандага хам кўл келиши мумкин...

Дунёқарааш излаб...

Иштирокчилар барқарор ривожланиш таълими мав-зуусига бағишлиган маърузани тинглаб туриб, эъти-борлирок бўлиш мақсадида ва хурмат юзасидан маъ-рузачи фикрларини маъкуллаб туришади. Охир оқибатда, барқарор ривожланиш ғояси (унга мазмун бахш этилганда) хеч бўлмагандага назарий жиҳатдан хар биримиз кўллашга тайёр бўлган кўпгина фикрларни камраб олади. Анъанавий маърузалар ўрнига семинар, муҳокамали топшириклар ёки бошқа ин-терфаол машқларнинг кўлланилиши инсон онгининг ишлаш жараёнини муваффакиятли равишда фаоллашириш имкониятини беради. Семинарнинг бу тарзда ўтказилиши хар бир иштирокчини энг долзарб муам-моларни аниклашга ва уларнинг ечимларини қиди-ришга жалб қиласди.

Иштирокчиларни жуфтликларга ёки кичик гурухларга бирлаштиринг ва ҳар бир гурухга катта ўлчамдаги қоғоз, қалин фломастер, елимли қалам ва ҳар хил ўлчовдаги учта расм беринг. Расмларда қўйидаги тас-виirlар мавжуд бўлиши даркор:

- A. Оила;
- B. Пул солинган халта;
- C. Бир кисмida ўрмон худуди белгиланган Ер шари.



Бу расмлар мос равишка «Инсон жамият», «Икти-содиёт» ва «Табиат»ни ифодалайди. Иштирокчиларга расмларнинг маъносини тушунтиринг ва бу тас-виirlар ёрдамида жамият, табиат, иктиносидаги боғликларни тасвирлашни топширинг. Топширикнинг охирги қисмини жуда киска ва маъ-но жиҳатдан нейтрал қилиш жуда муҳимdir. «Бу уч компонент орасидаги боғликларни тасвирланг» деб, биз «компонент» (дискрет — алоҳида қисм-лардан иборат) сўзи орқали узлукли ёндашишни қайд этамиз. Расмларнинг маъносини тўларок тушунтиришга харакат қилиш хам иштирокчиларга бошловчи улардан нимани кутаётганига йўналиш беради. Ҳар бир тасвир ўлчовининг аҳамияти тўғри-сида иштирокчиларга хеч кандай маълумот берманг. Битта тасвирни факат бир марта ишлатиш мум-кинлиги ва унинг ўлчовини танлаш иштирокчининг ихтиёрида эканлигини айтинг (яъни, битта расм-

да, масалан, пул солинган ҳалтани тасвириловчи катта ва кичик ўлчамли карточкани ишлатиш мумкин эмас).

Мавжуд боғлиқликни қандай қилиб тақдим этишларини ўйлаб олишлари учун иштирокчиларга бир оз вакт берилади. Семинар ўтказилаётган хона деворларига схемалар осиб қўйилади. Сўнг муҳокама килинади.

Тажрибадан маълумки, иштирокчилар атроф-мухитнинг уч ташкил этувчисини ўзаро стрелкалар билан боғланган, шу сабабли бир-бирига нисбатан ташки элементлар, деб қарайдилар. Педагоглар эса бир хил ўлчовли белгиларни ишлатишади, яъни аҳамияти бир хил, деб қаравади.

Баъзилар бу тасвириларни, юқорида пул солинган ҳалта, пастда эса инсон ва табиат тартибида жойлаштиришади. Бошқалар эса «табиат-одамлар-иктисодиёт» кетма-кетлигини танлашади. Бу машқда тўғри жавоб йўқ, аммо унинг натижалари гурух иштирокчиларининг фикр ва муносабатларини аниклашда ёрдам бериши мумкин. Бу гурухга қандай ёндашиш ва қандай материаллар кўпроқ «мос» келишини, қайсилари эса шубҳа ва қийинчиликлар туғдиришини аниклаб олиш имкониятини беради.



Жамият, иқтисодиёт ва табиатнинг ўзаро таъсири

Кўпчилик нашрларда барқарор ривожланиш расмда кўрсатилган схема тарзида тасвириланади.

Барқарор ривожланиш карор қабул қилиш жараёнида табиий ва ижтимоий омилларни иқтисодий омиллар билан мувозанатга келтириш имкониятини беради. Учала доира кесишувидан хосил бўлган бўялган соҳа юқоридаги интеграцияни кўрсатади.

Бундай диаграмма кенгрок кўламни эътиборга олмайдиган дунёка-рашни акс эттиришини пайқаш қийин эмас. У ҳеч нарса билан чегараланмаган бўшлиқда «сузиб юради».


Бошқа икки омилдан ажralган иқтисодиёт чексиз ўсиши мумкин. Ўз навбатида, бу омиллар ҳам бир-биридан ажralган бўлиши мумкин.



Бу схемага кўра, барқарор ривожланиш ҳар бир омилнинг айрим қисмларинигина бирлаштириш усули бўлиб чиқади.

Бу модель кисмлардан иборат бўлган эски, механистик нуктаи на зарга мос келади: бизнес аввалгидек (яъни, кўпроқ — яхшироқ) бўлсада, энди у «яшилрок» ва «адолатлироқ»дир («иктисодий ўсиш атрофмухит муҳофазасини зарур воситалар билан таъминлайди», «маҳсулотларни экологик беғубор қиласиз», «биз ижтимоий таракқиёт учун» ва ҳ.к.). Бунда баъзи бир ислоҳотлар назарда тутилади, бироқ умуман олганда, инсоният ўзига хуш келадиган нарсаларни қилмоқчи. Бу моделдаги дунё чегара билмайди.

Кўпчиликнинг назарида бу модель ҳам ёмонга ўхшамайди. Агар биз муаммога бошқа нуктаи назардан карасак, схема қуйидаги кўринишда бўлади:



Схеманинг ташки доираси — экосфера, бу биз фаолият олиб бора диган муҳит. Унда (биз тобора яхшироқ англаб бораётган) чекланышлар мавжуд, улардан ташқарига чиқиш мұкаррар фалокатга олиб келади. Сўнг жамият келади. Унда турмуш даражаси тобора яхшиланиб бориши масаласи устувор бўлади. Бизнинг жамият «кўпроқ ва янада кўпроқ» эмас, балки «яхшироқ ва янада яхшироқ» тамоилига асосланган, адолатлироқ жамият бўлиши керак. Ва, ниҳоят, биосфера чегарасида ана шу таракқиётни таъминлайдиган иқтисодиёт бўлиши керак. Инсон ва табиий захиралар иқтисодиётга хизмат қилиши эмас, аксинча, айнан иқтисодиёт инсон эҳтиёжларини қондириши лозим.

«Агар тизимли фикрлаш бизларни бирор нарсага ўргатган бўлса, бу тизимлар ўзаро мураккаб узвий боғланганигини ва ҳар бир тизим бошқасига таъсир ўтказишими ҳамда ўзи ҳам уларнинг таъсирига учрашини тушунишидир. Дунёни ўзгартиromoқчи бўлган шахс давлат сиёсатига ёки глобал алоқаларга жуда сезиларсиз тўгеридан-тўғри таъсир кўрсатади. Бироқ бу шахс — ўз оиласига, оила — маҳаллий ҳамжамиятга таъсир кўрсатади, ҳамжамият — шаҳарга, шаҳар — давлатга, давлат эса, ўз навбатида, миллатга... Шу тариқа бирон нарсага қизиқиб қолган инсонлар дунёни тасаввурдагидан тезроқ ўзгартирадилар».

Dave Allen ва бошқалар, <http://www.resnet.friinity.edu/ebakhtia/sustainability>

Мавжуд вазият мазкур схемада тасвиrlанганига нисбатан диаметрал қарама-қарши экани хисобга олинса, бунга ўхшаш схема инсоният ҳёти-нинг барча жабҳаларини қайта кўриб чиқиш зарурлигини талаб этади.

Хўш, барқарорлик нима ўзи: экология нуқтаи назаридан мақбулроқ бўлган «одатдаги бизнес»ми, ёки «ҳаммасини ўзгартириш зарур!» широрини назарда тутадими? Моддий тараққиётми, ёки «Инсон»га муносиб Бойликми? Ёхуд бирор оралиқ нарсами?...

Янги олам учун янги билим зарурми?

Наполеоннинг аввал келтирилган фикрини яна эслаймиз: «Дунёни тасаввур бошқарди». Билимнинг турли соҳалари назариячилари ҳам, амалийётчилари ҳам тизимли фикрлаш натижаси бўлган кўплаб ечимларни таклиф қиладилар. Бу инсонлар Amory Lovins, Paul Hawken, Edvin Datschefski, Lester Brown, James Robertson ва William McDonough каби ёзувчи ва тадқиқотчилар, архитекторлар ва етакчи тадбиркорлардир. Улар таъкидлашича, келажакка ишонч билан қарашга асосимиз бор: оламни ҳеч бўлмагандан баркарорроқ қила оладиган кўплаб ғоялар, технологиялар ва тизимли ўзгаришлар мавжуд.

Бу янги билимлар педагоглар учун ҳам зарур. Тизимлар, иктисолиёт, технологияларни тушуниш; мотивация ва хулқ-атворни тушуниш; мазкур нарсаларга солик ва давлатнинг бошқа иктисолий воситаляри қандай таъсир кўрсатишими тушуниш, айниқса, муҳим.

ЮНЕП пресс-релизи:

«Олифта» турмуш тарзи маркетинг — экологик тоза маҳсулотлар тарқатилишининг қалити»

БМТ Атроф-мухит бўйича дастури (ЮНЕП) психологлар ва инсоннинг хулқ-авори бўйича мутахассисларни Сайёрамизни сақлаб колишига йўналтирилган янги ташаббусга жалб этмоқда.

Экспертларнинг фикрича, давлатлар ва экологик ташкилотлар томонидан инсонларни атроф-мухитга дўстона муносабатда бўлган турмуш тарзини юритишга даъват киладиган анъанавий чакириклар кайта кўриб чиқилиши зарур. Бу чакирикларнинг кўпчилиги ўта насиҳатгўй ва «айборлик туйғуси»га йўналтирилгани боис, улар одамларни «харакатга чорлаш» ўрнига, «харакатсизлантири» кўяди. ЮНЕП ижрочи директори Клаус Топфернинг фикрича: «Ахолини автомобиллардан камрок фойдаланиш борасидаги ёки атроф-мухит учун зарарли бўлган маҳсулотларни харид килгани учун «айблов» оҳангидаги хукумат чакириклари иш бермаётганга ўхшайди. Фуқаролар уларга кулоқ солишмагяпти. Турмуш тарзи ва истеъмолчи сифатидаги одатлари учун одамларда гунохкорлик хиссини ривожлантириш муваффакияти чекланган бўлади».

Дарҳақиқат, тадқиқотлар «Шимол мамлакатлари» аҳолисининг 5 фоизигина «экологик» деб аталувчи турмуш тарзини кабул килганинни кўрсатади.

«Шундай килиб, биз жамоатчиликни атроф-мухитни ифлослантириш даражасини камайтиришга каратилган ва атроф-мухитга энг кам таъсир кўрсатадиган турмуш тарзини танлашга жалб этувчи харакатларимизни кайта кўриб чиқишимиз керак. Бизлар «экологик» турмуш тарзини модага айлантиришимиш ва, ёшлар тили билан айтганда, «олифта» килишимиз лозим. Сайёра билан ҳамоҳанг яшашдан шахсий манфаат мавжуд эканини аниқ кўрсата билишимиз зарур», — деб кўшимча килади ЮНЕП директори.

Баркарор ривожланиш кўпчиликнинг боясига айланиши учун, пирвард натижада унинг инсонлар учун аҳамиятли эканини тушуниш зарур. БМТ хам бу фикрга кўшилади (3.2 «Олифта» турмуш тарзи маркетинги»га қарант). Баркарор ривожланиш ҳис-туйғулар, тасаввурларни жунбишга келтирувчи бояга айланиши керак. Соддароқ айтганда, у ҳозиргига караганда эътиборни кўпроқ жалб қиладиган, кўркамроқ бўлиши зарур. Баркарор ривожланиш таълими ҳозирги замон муаммолари билан бир каторда келажак имкониятларини хам эътиборга олиши лозим. У «шахсан мен бундан нимага эга бўламан?» деган саволга жавоб топишда ўқувчиларга кўмаклашиши керак.

Хатто «кўпроқ — яхшироқ» бўлган ва истеъмолга йўналтирилган қадриятлар устун кўйилган жамиятда хам кишилар шаҳарлар озодароқ бўлиши кераклигини, табиатни кўриклаш зарурлигини, ноҷорларга ёрдам бериш лозимлигини тушунадилар. Кўпчилик миллатлар қанча бой бўлсалар (агар бўлсал!), юкоридагиларга эришиш учун маблағ шунча кўп бўлади, деб ўйлайди. Ҳозирча эса ҳаёт ўз маромида давом этмоқда ва у билан ёнма-ён «shopping» — харид килиш мафкураси инсонлар онгига тобора сингиб бормоқда. Баркарор ривожланиш боясини амалга ошириш мураккаб ва аҳамиятсиз нарсадай туюлмоқда.

Одатда, баркарор ривожланиш бояси «яхшироқ келажак тимсоли» сифатида қабул қилинмайди. Баркарор ривожланиш бояси билан таниш бўлганларнинг кўпчилиги учун бу нарса ҳозиргача хам атроф-мухитни муҳофаза қилиш билан боғлик тушунарсиз илмий назарияни англатади. Бундай тушунчадан келиб чиқадиган хуласа жуда амалий бўлса-да, бирмунча содда: биз кўчага ахлат ташламаслигимиз, ошикча ўралган товарларни сотиб олмаслигимиз керак, қофоз чиқиндини ва алюминий банкаларни кайта ишлаш учун йиғмоқ лозим. Баркарор ривожланиш учун энергияни тежаш хам, дараҳт ўтказиш хам зарурдир, эҳтимол... Бу амалларнинг ҳаммаси муҳим ва фойдали, бирок реклама, ОАВ ва чет эл сериаллари кучайтираётган «истеъмолчининг орзуси» олдида улар эътибордан четда колади. Бундан ташқари, кўпгина одамларга мазкур шахсий чоралар орқага силжишни, яъни маҳсулотлар танқислиги ва навбатда кутиб туришларни, танлаш имконияти камлиги ва чекланишини англатади, Пол Хокен айтганидек, «абадий ўсимлик диетаси» томон қўйилган қадамдай туюлади.

Агар мамлакатимиздаги бирор корхона ўз маҳсулотини ташки бозорга чиқарса, уни реклама қилишда муваффакиятга эришиш учун чет тилида реклама қилинади. Бу мантиқан тўғри. Бироқ ҳалқ эшлиши зарур бўлган «экологик» мурожаат таъсирчанлиги камрок тилга олинади.

Эхтимол, ўқитувчилар ўқувчиларни келгуси баркарор ривожланиш олами билан кизиктириш учун шахсий манфаат масаласидан фаолрок фойдаланишлари лозимдир. Бирок күпчилик ўқитувчилар шахсий, худбинларча манфаатни кўзлайдиган бундай ёндашувдан воз кечадилар: айтайлик бу, Сайёра холати сингари масала билан со-лиштириб бўймайдиган жуда ҳам содда карашдек кўринади. Улар ҳам юкорида фикрлари келтирилган Тринити университети педагоглари сингари альтруистик сабаблардан фойдаланиш яхширок, деб хисоблайдилар. Бирок хаёт бунинг аксини кўрсатади¹.

Мулоҳаза ва муҳокама учун бир нечагина мисол келтирамиз (тўлироқ маълумот олиш учун боб якунида келтирилган адабиётлар рўйхатидан фойдаланиш мумкин):

- Инсоният нефть ва атом энергияси иқтисодиётидан водород ва қуёш энергиясига асосланган иқтисодиётга ўтмоқда;
- Саноат: чиқиндига қарши курашнинг энг яхши йўли — бу уни қайта ишлашни ўйлаш ўрнига, маҳсулот ишлаб чиқариш жараённида чиқиндининг хосил бўлмаслигини ўйлаб кўришдан иборат. Чиқинди — хомашё. Ишлаб чиқариш — циклдир.
- Бизга узок муддат фойдаланадиган жиҳозларнинг кераги йўқ. Бизга улар орқали таъминлайдиган хизматлар керак.
- Нархлар — бу ахборот. Улар маҳсулотнинг ижтимоий ва иқтисодий киймати ҳақидаги ҳақиқатни «айтиши» керак. Булар дотация ва соликларга ҳам тегишли. Соликни одамларга эмас, балки ишлатиладиган ресурслар ва ҳосил бўрадиган чиқиндиларга солиш зарур.

Қўйида келтирилган фикрларнинг муаллифи ким эканига эътибор беринг!

«Ишончим комилки, яқин кунларда ёқилғи элементлари асосида ишлайдиган автомобиллар шахсий автотранспортда асосий энергия воситаси сифатида ишлатиб келинаётган ички ёниши двигателлари ҳукмронлигига чек қўяди. Бу ҳамма учун ютуқ бўлади: истеъмолчилар самарали энергия воситасига эга бўлади, жамият чиқиндилардан холос

¹ Кўплаб тадқикотлар шуни кўрсатадики, инсон ўзи ўрганаётган нарсанинг тўғрилигига ишонса ҳам, таълим инсон хулк-авторини сезиларли даражада ўзгартира олмайди. Ушбу мавзуга аллокадор инглиз тилидаги кўплаб тадқикотлар www.csbm.org Community Based Social Marketing (жамиятга каратилган ижтимоий маркетинг) сайтида берилган. Келтирилган тадқикотлар табиат муҳофазаси фаолиятининг амалий қисмida иштирок этишининг инсон табиатига таъсири ҳақидаги содда карашларни инкор этади.

3.3

Ёқилғи элементими?

Фандан бир шингил

Умуман олганда, ёқилғи элементлари аккумулятор каби ишлайди, бирок улардан фаркли ўларок, зарядини йўқотмайди, демак, қўшимча зарядлашга ҳожат колмайди. Қанча кўп ёқилғи бериб турилса, ёқилғи элементлари шунча узок муддат электр ёки иссиклик ҳосил киласди.

Ёқилғи элементи электролит катлами атрофифда жойлашган икки электроддан иборат. Кислород бир электроддан, водород иккинчисидан ўтиб, электр, сув ва иссиклик ҳосил киласди.

Водород ёқилғиси ёқилғи элементининг анондиға берилади. Кислород (ёки хаво) элементта катод оркали ўтади. Катализатор мавжудлиги сабабли, водород атоми турли йўллар билан ҳаракатланувчи протон ва электронга бўлинади. Электронлар токи ишлатилади, сўнгра у сув молекуласида водород ва кислород билан бирлашиш учун катода қайтади.



Идеал ҳолатда водород қайта тикланадиган манбалар энергияси ҳисобига электролиз ўйли билан олиниши керак.

(Давоми)

Ёкилгини ўзгартурувчани хам ўз ичига олувчи ёкилғи элементтер тизими хохлаган углеводород ёкилғисидан чиқадиган водородни, табиий газдан тортиб метанолгача ва, ҳатто, бензинни хам ишлатиши мумкин. Ёкилғи элементлари ёкилгини ёкишга эмас, балки кимёвий реакцияларга асослангани сабабли бундай тизимнинг чиқиндиси энг «тоза» ёкиш жараёни чиқиндисидан хам анча кам бўлади.

Сиздан бир шингил

булади, автомобиль ишлаб чиқарувчилар эса янги катта имконият — бизнеснинг ўсишига эришишиади».

Вильям К. Форд Кичкина

Ҳа, бу киши ўша водородли ёкилғи элементларига ўтилиши зарурлигини таъкидлаган энг йирик автомобиль ва нефть компанияларининг тўрт бошликларидан бири.

«Тоза энергия саноатидаги ҳамма йўллар водород иқтисодиётiga олиб боради, бу йўлда биз энергиянинг қайта тикланадиган турларидан фойдаланиб, водород олишимиз, сунг бу водороддан уйимиз, машинамиз, заводларимиз учун ёкилғи сифатида фойдаланишимиз мумкин. Асосий масала бунга қандай эришиши мумкинлигидадир».

Жон Маковер, Тоза технологиялар бозори таракқиётига багишланган CleanEdge.com сайтининг муаллифи.

Менга кир ювиш машинаси керак! Нима учун дейсизми? Тоза кийим кийишим зарур!

1980-йилларнинг ўрталарида швейцариялик саноат таҳлилчisi Вальтер Штахель ва немис кимёгари Михаэль Браунгарт бир-биридан мустакил равишда хаётга тобора кўпроқ татбиқ этилаётган саноат моделини таклиф килдилар. Бу мутахассислар, товарлар ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган иқтисодиёт ўрнига, истеъмолчилар ускуналарни сотиб олмасдан, уларни ижарага оладиган ҳамда хизматларнинг сотиб оладиган хизматлар иқтисодиётини таклиф этдилар. (Иқтисодиётнинг бундай моделини хизматлар иқтисодиётининг «кўпроқ банк хизматчилари ва камроқ кончилар», деган анъанавий тушунчаси билан адаштирмаслик керак). Ишлаб чиқарувчилар ўзларини товар сотувчи, деб хисобламайдилар. Бунинг ўрнига улар узок ишлайдиган ва янгиланиб турадиган ускуналар билан таъминланадиган хизматларни кўрсатувчиларга айланадилар. Уларнинг вазифаси энди ускунани эмас, балки унинг натижасини; моторлар, фенлар, пластик ёки микрочипларни эмас, балки меҳнатни сотишдан иборат бўлади.

Бундай тизимни кўпчиликка таниш бўлган мисол орқали кўрсатиш мумкин. Истеъмолчи кир ювиш машинасини сотиб олиш ўрнига, кир ювдириш учун ҳар ойда пул тўлаши мумкин. Машинага худди идора ксерокси каби ўлчагич ўрнатилиб, унинг ишлашини ишлаб чиқарув-

чи назорат қилиши мумкин бўлади. Агар машина зарур хизматларни таъминлай олмаса, ишлаб чиқарувчи уни ўз вақтида таъмирлаш ёки алмаштириш учун жавобгар бўлади, чунки машина ишлаб чиқарувчининг мулки бўлиб қолаверади. Бу foяни компьютерлар, машиналар, видеомагнитофонлар, музлатикичлар — умуман, одамлар сотиб олиб, ишлатиб ва охир-оқибатда ташлаб юборадиган ҳар қандай техника учун қўллаш мумкин. Товар ҳар гал ишлаб чиқарувчига таъмирлаш, қайта ишлаш ва ўзгартириш учун қайтарилгани сабабли, Штахель бундай ишлаб чиқариш турини одатдаги «бешикдан қабргача», деб эмас, «бешикдан бешиккача», деб номлади.
<http://www.natcap.org/sitelpages/art78/php> маълумотларига кўра.

CD плеерлардан MP3 плеерларга ўтилиши ҳам ана шу жараённинг яна бир мисолидир. Яъни, одамлар мусика ёзилган CD дискларни эмас, мусиканинг ўзини сотиб оладилар.

Чиқиндилар камаймоқда ва фойда ошмоқдами?

Юкорида келтирилган фикр бир қарашда шубҳали бўлиб кўриниши мумкин. Бирок косметика воситалари ишлаб чиқарувчи энг йирик компания — «L’Oreal» мисолини кўриб чиқайлик. 1990 ва 2000-йиллар орасида компания ишлаб чиқаришни 60% оширди, лекин «иссиқхона» газларининг ажralиб чиқишини 44% камайтириди. «L’Oreal»нинг Бosh мұхандиси Кен Крали бу муваффакиятларни энергияни тежашнинг иқтисодий жихатдан ассоцланган дастурлари билан тушунтиради. Масалан, «L’Oreal»нинг янги корхоналаридан бирида ёритишнинг юкори самарали технологияларини қўллаш 180 минг долларга тушган бўлса, дастлабки 12 ой давомида 160 минг долларлик электр энергия тежалди. Бу эса технологиялар учун харажатларни қоплашдан ташқари, кейинги йиллар давомида ҳам ана шунча маблағни тежаш имконини яратди. К. Крали ёрилган жойларни таъмирлаш ва бошқа майда тадбирларга кўшимча равишда, чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича кенг миқёсдаги дастурни амалга оширди. Натижада ишлаб чиқариш кўпайганига карамай, 1990 йилдаги 1000 тонна ўрнига 2000 йилда 300 тонна чиқинди ҳосил бўлди. Бу эса чиқиндини қайта ишлашда 500 минг доллар тежалишига ва атмосферага «иссиқхона» газлари ажralиб чиқиши 72 % камайишига олиб келди.

(<http://www.alternet.org/story/html?StoryID=13894>)

«Ўзини ўзи таъминлайдиган юкори даражали ижтимоий-иктисодий тизимларни ривожлантириш энг муҳим вазифадир, токи шашар ва қишлоқлардаги аҳоли ўзини зарур маҳсулотлар ва хизмат-

Барқарорликни таъминловчи маҳсулотлар

«Барқарор» маҳсулот яратиш учун бешта тамойилга риоя килиш лозим.

Уларнинг дастлабки учтаси экотизим фаолияти билан узвий боғлиқ, булар:

даврийлик: маҳсулот органик материалдан (демак, иккиласми ишлатилиши ёхуд компостлаш мумкин) ёки ёпик циклда айланга оладиган минерал моддалардан тайёрланган;

тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиладиган ишлаб чиқариш: маҳсулотни ишлаб чиқаришда ва истеъмол килишда Куёш ҳамда бошқа энергия турларидан фойдаланилади; бу энергия турлари даврий ва хавфсиз бўлган қайта тикланадиган манбалардан олинади;

хавфсизлик: маҳсулот фойдаланишда ва қайта ишлашда зарарли эмас. Унинг ишлаб чиқаришда зарарли чиқинди чиқмайди ва экотизим бузилишига олиб келмайди.

Тўртинчи тамойил чегаралангандунёда ресурслардан максимал равиша самарали фойдаланишга эришишни назарда тутади:

самарадорлик: маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлиги ўн баробар ошган. Бунда, масалан, маҳсулот ишлаб чиқариш учун 1990 йилга нисбатан 90% камрок материал, энергия ва сув талаб этилади.

Ва, ниҳоят, бешинчи тамойил барча компаниялар иш берувчи ва мўайян жамиятга тегишли эканлигини тушунишни назарда тутади:

ижтимоий жавобгарлик: маҳсулот, унинг компонентлари ва улар учун хом ашё ишчилар ҳамда махаллий жамоа учун адолатли шароитда ишлаб чиқарилиши лозим. Бу ишчилар иш фаолиятини кулай шароитда амалга оширганигини, яхши ойлик маош олаётганини ва тадбиркорлик фаолиятидан келган даромад кўшган хисса ҳамда иштирокка мос равиша таҳсилланганини билдиради.

<http://www.biothinking.com>га каранг.

лар билан таъминлай олсин... Бундай ёндашув қийинчиликлар ва бирон нарсанинг етишмовчилиги, дегани эмас, аксинча, у ҳозиргига нисбатан юқори даражадаги турмушни таъминлайди».

Тэд Трэйнер (<http://www1.tpgi.com.au/users/resolve/globalcrisis/index.html>)

Консьюмеризм қадриятларини инкор этиш

Турли маҳсулот белгиларига соғлом муносабатда бўлиш реклама сингдирган жодуни ёриб ўтишга ёрдам беради. Бутун бир ҳалқаро ташкилот — «Адбастерс» («Рекламани бузувчилар») одамларнинг кўзларини рекламада яширинган ҳақиқий хабарга очишга ҳаракат килади. <http://www.adbusters.org> сайтида ўткир зеҳн билан «қайта ишланган» кўплаб таниш реклама образлари мисолларини топиш мумкин.

Барқарор ривожланишга эришиш воситалари тўғрисидаги баҳснинг бошқа муҳим қисмларидан бири иқтисодиёт ва нархлар муҳокамасидир. Бу ҳар доим ҳам қизикарли эмас, лекин ҳар доим ўта муҳимдир.

Бугунги нархларни тушуниш

Нархлар ахборотнинг энг универсал ва таъсиран тизимларидан биридир. Улар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар томонидан қабул килинадиган қарорларни маълум даражада белгилаб беради. Нархлар маҳсулотнинг ҳақиқий баҳосини акс эттирмаса, маҳсулотлар ва хизматлар истеъмолининг баҳоси маълум бўлмагани каби, захирашлар танқислиги ва экологик зарар микдори ҳақидаги маълумотлар ҳам маълум бўлмайди. Кишилар бошқа маълумотга эга бўлмаганликлари сабабли, ана шундай нотўри маълумот асосида қарор қабул қилишга мажбурдирлар. Бу эса бир хил ресурсларнинг ҳаддан зиёд кўп ишлатилишига (ва бу билан боғлиқ атроф-мухит бузилишига) ҳамда бошқа ресурсларнинг етарли микдорда ишлатилмаслигига олиб келади. Шундай қилиб, нотўри нарх-наво сиёсати ва бекарор ривожланиш орасида узвий боғлиқлик мавжуд.

Эртанги нархларни тушуниш

Экологик мақсадга мувофик бозор экотизимлар томонидан таъминланаётган хизматлар нархини ҳам белгилайди. Масалан, ўрмондаги

дарахтларни буткул кесиб ташлаш йўли билан олинган ёғочдан тай- ёрланган мебелни сотиб олаётганимизда, биз дараҳтни арралаш, ғўла- ларни ёғочга айлантириш ва бошқа ишлар учун ҳақ тўлаймиз, лекин бунинг натижасида содир бўладиган сув тошқини учун ҳақ тўламай- миз. Агар биз солик тизимини қайта кўриб чикиб, жамият учун таби- ий оғатлар сонининг кўпайишига олиб келадиган ўрмонларда дараҳтларни кесиш нархини ўз ичига олган соликларни йигсак, дараҳтлар- ни кесиш усули, сўзсиз анча барқарор бўлади.

Махсулотлар ва хизматларнинг экологик баҳосини хисобга олган солик тизими, бозорга тўғри хабар юбо- риш имконини беради. Улар кўмир ёқиши, бир марталик қадоқлаш воситалари ишлаб чиқариши, пести- цидлар ишлатишни рағбатлантирумасдан, аксинча, уларни камайтиради. Субсидиялар (кўшимча маблағлар) дараҳт экишини ташкил этиш, сув ҳавзаларидан самарали фойдаланиш ёки шамол энергиясидан фойдаланиш- га йўналтирилади. Экологик соликлар ва субсидиялар, анъанавий иктисодиёт келажакни умуман хисобга олмаган вазиятларда, келажак авлодни химоя килишга қаратилиши хам мумкин. Бунда катта ҳажм ва кўл турда ишлаб чиқарилётган минерал сув билан боғлик ҳолатни мисол келтириш мумкин. Одатда, узок муддат ичидаги парчаланадиган пластик идишлар қадоқ сифатида ишлатилади. Пластик идишнинг парчалани- ши учун 50 йил лозим бўлади. Бу ишлаб чиқарувчи махсулот чиқиндиларини қайта ишлаш усули ҳакида ўйлаб кўриш лозимлигини билдиради. Бугунги кунда ишлаб чиқарувчининг чиқиндилар учун жавобгарлиги йўклиги сабабли, минерал сувнинг нархи анча арzon. Лекин, агар махсулот шу жавобгарлик билан ишлаб чиқарилса, бу нафақат махсулот учун, балки келиб чиқадиган оқибатлар учун хам жавобгарликни назарда тутади — ишлаб чиқарувчини чиқиндиларни қайта ишлашга ёки камроқ чиқинди ишлаб чиқаришга шу йўл билан мажбур килиш мумкин. Табиийки, бунинг барчаси нархга таъсир қиласи. Бу иш амалга ошмагунча, бундан кейин хам юзлаб ва минглаб ишлатилган, хеч кимга керак бўлмаган, яроқсиз пластик идишлар кўча ҳамда сув ҳавзаларида учрайверади.

(Lester Brown «Eco-Economy», Chapter 11 га қаранг)



Юкорида санаб ўтилган тамойиллар асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларга мисол келтира оласизми? Агар сиз бу тамойилларни кабул килсан- гиз, улардан кенг кўламда фойдала- нилишига қандай эришиш мумкин- лиги ҳакида ўйлаб кўринг.

Бошланишнинг интиҳоси

Келажакдаги барқарор ривожланишни кутаётган киши — бу келажак келтирадиган имкониятлар ҳакида яхши маълумотга эга бўлган ва унинг ижобий томонларини кўраётган инсон бўлиш демакдир. Бу, шунингдек, ҳаётнинг «бекарор» жиҳатларини кўра билиш ва уларга танқидий муносабатда бўлиш ҳамдир. Ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини 100 баробаргача ошириш, энергия ҳосил қилиш тоза ва хавфсиз бўлиши, хонадонда иссиқни (ёки керак бўлганда совукни) сақлашга кўп энергия сарфи талаб қилинмаслиги, меҳнат қилиш ҳар бир инсон учун ижодий ва қизиқарли жараёнга айланиши, дунёда камбағалликнинг сезиларли даражада камайтирилиши, Ер юзида чинакам демократия бўлиши, маҳаллий иктисодиёт эса одамлар эҳтиёжининг кўп кисмини қондира олиши имконияти мавжудлигига шубҳа йўқ. Ана шундай оламни тасаввур кила билиш — бу, айникса, асосий мақсади маънавий ва жисмоний мукаммалликка эришишдан иборат бўлган педагог ҳамда ўқувчилар учун барқарор келажак сари дастлабки қадамдир. Иккинчи қадам эса ана шу келажак сари барча янгиликларга очик ҳолда интилишdir.

Тўртинчи боб БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ТАЪЛИМИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИНИ ҚАЙТА БАҲОЛАШ

Таълим тизимининг янги моделини шакллантирмасдан ноосферавий онгни ҳам, «барқарор» жамиятни ҳам шакллантириб бўлмайди ...

А.Д. Урсул

Оптимизм — бу яхшироқ келажакка эришиш стратегиясидир. Агар сиз келажак яхшироқ бўлишига ишонмасангиз, унга эришиш учун масъулиятни ҳам зиммангизга олишингиз даргумон.

Ноам Хомски

Барқарорликка эришиш охир-окибатда хулқ-атвор ва ҳаёт тарзидаги ўзгаришларга боғлиқ бўлади. Бу — сингиб кетган маданий ва хулқ-атвор қоидалари ҳамда қадриятлар ўзгариши учун асос талаб қилувчи ўзгаришdir. Бундай ўзгаришларсиз энг маърифатли қонунчилик ҳам, замонавий технологиялар ҳам, анча нозик тадқиқот ҳам узоқ муддатли барқарорликка томон харакат қилаётган жамиятни бошқаришда муваффақиятга олиб келмайди.

ЮНЕСКО, Барқарор келажак учун таълим (1997), 103-параграф

Эҳтимол экологик таълимдаги изланишлар ўзгача ижтимоий-маданий қатламларда олиб борилаётганини тан олиш керакдир.

Д.Н. Кавтарадзе, А.А. Овсянников. Природа и люди России: основания к пониманию проблемы.

Биринчи бобда кўриб ўтилган сўнгги бир неча ўн йилликдаги тенденциялар «мувозанатли» ривожланиш зарурлигини тушунишга олиб келди. Бу фоя «барқарор ривожланиш» (sustainable development) концепцияси деб атала бошланди. «Sustainable» сўзи инглиз тилидан бошқа тилларга турлича таржима қилинганлиги сабабли, бу концепция турлича тушунилади.

Рус тилидаги адабиётларда ҳам «барқарор ривожланиш» тушунчаси турлича талқин қилинади. Н.Н. Моисеев таъкидлашича, биз барқарор ривожланиш, деб таржима қиладиган «sustainable development» терминини «коэволюция» ёки «ноосфера даври» деб тавсифлаш мумкин бўлган табиат ва жамиятнинг ҳолатига эришиш стратегияси сифатида талқин қилган маъкул.

Профессор Г.А. Ягодин бу терминни «ўзини ўзи таъминловчи ривожланиш» деб талқин қилади. Унинг фикрича, айнан шу ибора ғоя мазмунини тўлиқ кўрсатиб беради. Ўзбек тилидаги расмий адабиётларда ривожланиш жараёнини билдирадиган «барқарор ривожланиш» термини қўлланилади. Бирок файласуф-олимлар интилиш керак бўлган якуний мақсадни билдирувчи «барқарор тараққиёт» терминини кўпроқ қўллайдилар. Улар ушбу термин унинг асосида ётувчи ғояни аникроқ очиб беради, деб хисоблайдилар. Баъзи тадқиқотчилар барқарор ривожланишнинг 300 га яқин таърифини хисоблаб чиқишиган. Таълим соҳасида ҳам бу тушунчанинг аниқ бир таърифи йўклиги ажабланарли эмас.

Бу ҳол қўпгина педагогларни хавотирга солади ва уларга турлича номланиш ёкмайди. Чунки бирор-бир ҳодисани тушунтириш учун унинг чегараларини аниқ кўриш ва бошқа ўхшаш ҳодисалардан фарқини аниқлаш зарур. Кўптина педагоглар дарсларда «барқарор ривожланиш» тушунчасини батафсил тахлил қилиш ва уни қисмларга ажратиб ўрганиш муаммони ҳал этишда қўл келади, деб хисоблашади. Натижада, ўқувчилар шундок ҳам мураккаб мазмунли ғояни янада мураккаброқ қисмларга ажратиб ўрганишларига тўғри келади. Бундай ёндашувни қисмларга ажратиш (фрагментар), деб аташ мумкин, биз бу хақида иккинчи бобда сўз юритгандик. Барқарор ривожланиш (ва Барқарор ривожланиш таълими)ни муҳокама қилаётганда унинг тузилишини ўрганишдан кўра жараённи ҳамда бу жараён содир бўладиган вазиятни ўрганиш анча самарали бўлиши мумкин.

Жараённи ўрганиш унинг динамикасини ва бошқа жараёнлар билан боғликлигини кўриб чиқиши назарда тутади. Шунинг учун ҳам барқарор ривожланиш тарих ёки экология ўкув фанларининг қандайдир аниқ бир қисми ёки алоҳида факультатив курси бўлишини тасаввур қилиш қийин.


Вильям Скоттнинг таъкидлашича, барқарор ривожланишни «атроф-муҳит билан уйгуниликда яшаши ўрганишимизда бизга қўмаклашувчи жараён» сифатида кўриб чиқиши мумкин. Барқарор ривожланиш ва таълим уйгун бориши керак, дейишнинг ўзи етарли эмас. Тўгериси, янги тажриба ўрганилмаган, қабул қилинмаган ва англанмаган жойда барқарор ривожланиш ҳам бўлмаслигини тан олиш зарур.

Бошқача айтганда: барқарор ривожланиш — ўрганиш жараёни, унинг ёрдамида биз (агар хоҳласак) «экологик» барқаророқ яшаши қобилиятыни шакллантиришимиз мүмкин.

Мазкур таълимни «педагог томонидан ташкил этилган ўқитиш» деб қараши мақсадга мувофиқ эмас. Бунинг иккита сабаби бор: биринчидан, биз ўзимиз учун зарур бўладиган кўпгина билимларни мактаб, коллеж ва университет доирасидан ташқарида оламиз. Бу биз ўз ҳаётий тажрибамизнинг аксарият қисмини эгаллайдиган бошқа соҳалардаги, ижтимоий институтлар ва жамиятлардаги таълимдир.

Иккинчи сабаб эса қўйидағича: экологик барқарор жамият қўриш учун нималарни билишимиз зарурлигини ҳали аниқ билмаганингимиз сабабли, болаларни ўқишига ўргатиш мұхимлигидан ташқари, нимани ўқитиш кераклигини ҳам батафсил ёритиб бера олмаймиз. (Scott (2002) «Sustainability and Learning»га қаранг.)

Энди фикримизни бошқача ифода этамиз.



Муаммолар босиб келмоқда — катта тулқин сингари бутун борликни эгаллаб олмоқда, улар бир-бири билан боғлиқ!

«Барқарор ривожланиш», «тизимли фикрлаш», «муаммонинг илдизларини кўра билиш қобилияти»... Буларнинг бари экологик таълим

ва атроф-мухит мухофазаси соҳасидаги фаолларнинг шавқ-завқи ҳамда юракдан сезаётган ҳавотирликларидан анча йироқдир.

Болалар туйғуларини уйғотиш, табиатни тушуниш ва уни мухофаза килишни тарғиб этиш, атроф-мухит гўзаллигидан завқланиш улар учун ҳалигача асосий йўналиш бўлиб қолмоқда.

Нега айнан шундай эканлигини тушуниш учун тарихга назар солиш зарур.

Олға юриш учун ортга назар ташлаш

Табиат бойликларини тез суръатлар билан ўзлаштириш ва бунинг натижасида инсон хаёт кечирадиган мухитнинг тез бузилиши ҳам саноатлаштириш даврида бошланди. Махаллий маданиятлар ва анъ-анавий қасб-хунар учун бешафқат, бузғунчи бўлган бир томонлама таракқиётга эришилди ва бу табиатдан қароқчиларча фойдаланиш орқали амалга оширилди. Европа ва АҚШ даги саноатлаштиришга жавоб сифатида «романтизм» деб номланган оқим вужудга келди. Унда инсонларнинг фан, технологиялар, табиат ва инсон ресурсларига асосланган таракқиётга муносабати аниқ ифода этилди.

XVIII асрдагача табиат «ўзлаштирилмаган ер»дек, ёки инсон учун хавфли мухитдек қабул қилинар эди. Саноат ривожланиб бориши ҳамда романтизм кенг таркалиши билан табиатнинг тан олиниши ва мулоҳита қилиниши, ёввойи худудлар дам олиш (рекреацион) ва таълим максадларида ҳамда ўсиб бораётган шаҳар худудларининг саломатлигини саклаб қолиш учун қолдирилиши кераклигини тушуниш ҳам ўсиб борди. Бу ўса охир-оқибат таълим муассасаларига табиий тарих ва табиатшунослик фанлари орқали кириб келди. Табиатни ўрганиш ривожланиб боргани сари унинг турли фанлар билан боғлиқ эканлиги янада якколроқ кўзга ташланди. Даставвал экологик таълим ёввойи табиатнинг ажойиб манзараларидан завқланиш натижасида пайдо бўла бошлади, кейинчалик у ботаника, зоология, умумий биология, география бўйича билимлар олиш сари ўзгарди. Бу анъана қайсиdir маънода ҳалигача сакланиб қолган. Экологик таълим доимо севиш ва кўриш, тушуниш, бажаришдан иборат бўлган. Умуман олганда, буни қуидагича тушунтириш мумкин: табиат ажойиб, лекин у мулоҳитага муҳтоҷ, шунинг учун уни ўрган ва саклаб қолиш учун бирор нарса кил!



Ёввойи ўрмон — XVIII аср кишиси нуктаи назаридан оддий ва хавфли худуд.

Бундай ёндашувнинг яққол мисоли «дунё бизнинг қўллимизда» тимсолидир. Бу тимсол плакатларда, китоблар муковаларида ва «яшил» журналларда, ҳалқаро конференцияларда жуда кўп қўлланилади ва хали хам инсонларда қизиқиш уйғотмоқда.



«Дунё бизнинг қўллимизда» — анъанавий экологик тимсол

Шундай килиб, экологик таълим жуда қизиқ бирикмага айланди: бир томондан, у экологик муаммоларни илмий тушунишга таяниб, хиссиётларни уйғотишга қаратилган ҳаракат бўлса, иккинчи томондан, «билим ва фан соғлом сиёсатга ва умумий фукаролик масъулиятiga томон тўғри йўл», деган фикрга болаларни ишонтиришга бўлган ҳаракатdir. Аслида болалар амалда бунинг аксини кўрадилар.

Экологик таълимнинг қарама-қарши тимсоли шу тариқа шаклланган. Натижада айнан шу қарама-қаршиликлар асосида ҳар бир киши «табиятга ғамхўрлик» қилиш, тирик организмларнинг яшаш жойини сақлаш (кушлар учун ин ўрнатиш, чумоли уяларини ясаш), табиятни кузатиш, атроф-муҳит мониторинги, ўсимликлар ва ҳайвонлар, физик жараёнлар, «ифлосланиш» тушунчасининг биологик ва кимёвий жихатлари билан боғлиқ чуқур илмий билимларни эгаллаш йўлини топишга ҳаракат қилиб кўрди.

Экологик ҳаракатлар ва тадбирлар кўпгина мактаблар хаётининг муҳим қисмига айланди; бу — атроф-муҳит муҳофазасига эътибор даражасини намоён этувчи кўрсаткичdir. Улар биринчи бобнинг бошидаёқ сўз юритилган «кўрсатмалар»ни таклиф этувчи экологик таълим моделига боғлиқ бўлса, ажабмас. Охир-оқибат, амалий ишлар маший чикиндилар миқдорини камайтириш, дарахт ўтқазиш, ўкув юртларида сув ва энергия сарфини камайтириш (жўмракни ёпиб

юринг, чирокни ўчиринг) тарзида таълим муассасалари ва ўқувчиларнинг уйларига етиб борди.

Кўплаб педагоглар амалий экологик таълим фаолиятига катта завкшавк ва иш кўламини кенгайтириш хоҳиши билан ёндашардилар ва хозир ҳам худди шундай ёндашмоқдалар.

Дарҳакиқат, бунинг ҳаммаси зарур ва, баъзи ҳолларда, улар маълум натижа ҳам беради, лекин, афсуски, хозирги вақтда бунинг ўзи етарли эмас. Балки, бундай «амалий ишлар» учун экологик таълим бўйича маълумотлар ҳеч қачон етарли бўлмагандир, лекин бу ҳақда хозир фактат «ўтган замонда»гина гапириш мумкин.

Албатта, ғоялар ва амалиёт анча олға силжиди. Педагоглардан бирортаси: «Хозир биз экологик таълимни етарлича кенгрок кўриб чиқаяпмиз. Табиий фанлар курсидан ўқувчилар ифлосланиш, «иссикхона эффиқти», инсонлар ва худудларнинг тақдирни, инсониятнинг кишлоп хўжалигидан саноат инқилобигача ривожланиши ва бундан ташқари, экологик тоза ишлаб чиқариш ва ахборот технологияларининг имкониятлари ҳакида маълумотларни ўрганишяяпти», — дейиши мумкин.

Бунга эътироҳ билдириш қийин. Келинглар, масалага кенгрок назар ташлайлик.

Европада ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, анъанавий экологик таълим барқарор ривожланишнинг иккита мухим — ижтимоий ва иқтисодий жихатига жуда кам эътибор беради. Куйида Мюнстер универсиетети ўтказган тадқиқотдан кўчирмалар келтирилган:

«Концептуал жихатдан, дарсларда алоҳида экологик муаммоларни ажратиб олиш ва улар ҳакида ахлоқий сұхбатлар ўтказиш хосдир. Экологик таълимда иқтисодий ва ижтимоий фанларнинг экологик муаммоларнинг келиб чиқиши ва уларни ҳал этишда мухим хисобланган турли жихатларига ҳамда экологик хулқ-атворни кўллаб-куватловчи механизmlарга ҳалигача етарлича эътибор берилмаган...»

«... Экологик таълим экологик муаммоларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий жихатларига етарлича эътибор қаратмайди ёки уларни жуда бузилган ҳолда кўриб чиқади». (Манба: University of Muenster).

4.1

Дунё уйғонмоқда

1972 йил — Атроф-муҳит бўйича биринчи Халқаро конференция, Стокгольм.

1989 йил — Брунтланд комиссияси биринчи бор «Барқарор Ривожланиш» терминидан фойдаланди.

1992 йил — Рио-де-Жанейродаги Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича конференция дунёга Барқарор ривожланиш ғоясини тақдим этди.

2002 йил — Барқарор ривожланиш бўйича Халқаро саммит, Йоханнесбург.

2005 йил — БМТ «Барқарор ривожланиш таълими» ўн йиллигини эълон қилди.

1995 йил — Орол деңгизи хавзасининг «Барқарор ривожланиш» бўйича БМТ Конференцияси, Нукус.

1997 йил — Ўзбекистон Республикасининг Барқарор ривожланиш бўйича Миллий Комиссияси ташкил этилди.

1998 йил — Ўзбекистон Республикасининг Барқарор ривожланиш Концепцияси ишлаб чиқилди.

1999 йил — Ўзбекистон Республикасининг Барқарор ривожланиш бўйича Миллий стратегияси тайёрланди.

2002 йил — Ўзбекистон Республикаси учун XXI асрга Кун тартиби қабул килинди.

2005 йил — Экологик таълим ва барқарор ривожланиш таълимини ривожлантириш бўйича Мувоғиқлаштирувчи Кенгаш тузилди.

2006 йил — Барқарор ривожланиш таълими бўйича Конференция, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Тошкент.

Давом эттиринг!

«40 йиллик йўл. Биз экология асосларидан узоқлашиб кетмадикмикан?» — «Экологик таълим: «РИО+10» бўсағасида» конференциясидаги маъруза номи.

Барқарор ривожланиш — динамик жараён. У барча инсонларга Ердаги ҳаётни таъминловчи тизимларни ҳимоя қилувчи ва кучайтирувчи усуллар ёрдамида ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш ҳамда турмуши даржасини яхшилаш имкониятини яратади.

(Forum for the Future)

Экологик таълимда амалий ёндашув зарур нарсаларнинг атиги бир қисмидир. Ҳаттоқи, «экологик таълим» терминининг ўзи ҳам барқарор ривожланишнинг асосий учта ташкил этувчиси, яъни — экология (табиат), жамият ва иқтисодиётни етарлича акс эттирмайди. Ҳошияда келтирилган таъриф мураккаброқ ёндашувни ифодалайди. Барқарор ривожланиш таълимида бундай динамик жараён ўқувчиларнинг ўз потенциалларини яхширок намоён этишлари учун имконият яратувчи турли ўқитиш услугубларидан фойдаланишни акс эттиради (5-бобга қаранг). Мазкур таълим барча ўқувчиларнинг иштирок этишига, ҳамманинг жалб этилишига йўналтирилган таълим бўлиб, ижтимоий адолат тамойилига асосланади. Барқарор ривожланиш таълим мининг мазмуни бизда қанча мoddий бойлик борлиги ёки қолганлиги ҳақидаги эмас, балки ҳаёт сифатини таъминлаш учун бизга нима кераклиги ҳамда мoddий бойлик ва ҳаёт сифати орасидаги фарқ ҳақидаги маълумотлардир. Ердаги ҳаётни таъминловчи тизимларни нафақат «муҳофаза» қилиш, балки уларни «кучайтириш» ҳам зарурлигини таъкидлаш лозим.

Барқарор ривожланишнинг ҳар қандай таърифи келажакка йўналтирилганлигига ва натижада умумий концепцияга эҳтимоллик табиатини баҳш этишига эътиборни қаратинг.

«Экологик таълим» ёки унга яқин «глобал» ва «ноосферавий» таълим барқарор ривожланиш таълими юясининг барча жиҳатларини тўлиқ ёритиб бермаслиги юқоридаги мулоҳазалардан кўриниб турибди. Экологик таълимга анъанавий ёндашув асосида фаолият юритувчи педагоглар ушбу таърифларнинг ўзига хос жиҳатларидан ташкари, бошка муаммоларга ҳам дуч келишади. Бу қуидагилардан иборат: ўқувчиларнинг ёши катталашгани сари, улар таълим муассасаларида сингдиришга ҳаракат қилинадиган қадриятларга ва тарбиялашга ҳаракат қилинадиган хусусиятларга нисбатан одобсиз бўлиб борадилар. Бунга катталарнинг гаплари билан хатти-ҳаракатлари орасидаги номувофиқлик сабабдир. Ўқувчилар учун атрофга назар ташлаш ва теварак-атрофидаги нарсаларни кўриш кифоя. Улар (сўзларга эмас, ҳаракатлар ва устуворликларга қараб) таълим муассасасининг асосий мақсади — баҳолаш ва аттестациялаш эканлигини кўришлари мумкин. Бу ўринда экологик билим ва кўникмаларнинг аҳамияти жуда кам бўлади. Таълим муассасасида энергия ва сувдан фойдаланиш, чиқиндини ташлаш, бинонинг бошқарилиши, одатда, экологик шиорларга қарама-қарши бўлади ва бу ҳолатни ўзгариш нияти умуман кўринмайди.

Катталар ўргатадиган қадриятлар билан ҳәеттүй вазиятларда уларнинг ўзларини тутишлари орасидаги зиддият ёшлар учун намуна бўлади. Натижада, экологик таълимга ҳам, худди Қорбобога ишонгани каби, фақат ёш болаларгина ишонишади. Катта ёшдаги ўқувчилар масхараомуз кулимсираб, кўзларини олиб қочишади. Умуман олганда, улар катталарнинг ўзлари ҳам экологик таълимга ишонмасликларини ва буни мажбурият юзасидангина амалга оширишларини яққол кўришади.

Экологик таълимнинг баъзи кўрилишлари диний таълимга ўхшаб кетади. У ўзини аямасдан ишлашни ҳамда ишга шахсий садоқатга асосланган рухий ва ахлоқий муносабат шаклланишини талаб этади. Экологик таълим ходимлари ҳозиргача «Экология» фанининг мазмуни ва мундарижаси ҳакида баҳс-мунозара юритадилар. Ўхшашлик баъзида яққол тан олинади: «Диний таълим каби, барқарор ривожланиши таълими ҳам индивидуал хулқ-автор ва жамият тартибини шакллантириш ҳамда ўзгартиришга харакат қилмоқда» (Shirley Ali Khan. Greening the FE Curriculum, 2003). Баъзан бу яққол таъкидланмасада, уни оддий кўз билан кўриш мумкин: «Янги цивилизация янги иқтисодиётдан эмас, балки янги билимлар ва янги таълим дастурларидан бошланиши керак... Янги ахлоқий тамойиллар Инсоннинг тасаси ва қонига сингиши зарур».

Н.Моисеев

Кўпгина инсонлар динга алоқадорликларини баъзи диний одатлар тўплами билан белгилашади: черковда шам ёқишади, деворга ёки машинага икона осиб қўйишади, Пасхада тухум бўяшади. Бу, мен — яхши инсонман, Худо мени эслайди, қабилида уларга хотиржамлик бахш этади. Бу харакатлар билан инсоннинг ҳақиқий хулқ-автори орасида алоқа бор-йўклигини айтиш анча мушкул. Анъанавий ва энг кенг тарқалган экологик таълим ҳам «кўчани ифлос қилма, сувни тежа, қушлар учун уя яса», сингари оддий харакатлар йиғиндисидан сабоқ беради, бу билан инсоннинг экологик виждони тоза бўлади. Бирок атроф-мухит учун фойдали бу харакатлар инсоннинг кундаклик ҳаётидаги бошқа харакатларидан устун ёки устун эмаслигини айтиш қийин.

Аммо, экологик эътиқод ривожланишига қарамасдан, дунё ўз йўналишини ўзгартирмасдан ривожланишда давом этди. Дарҳақиқат, трансмиллий корпорациялар ва миллиардлаб бюджетга эга рекламалар, тез ўзгарувчан технологиялар ва меҳнат бозори дунёсида, яшаш учун пул топиш ҳаётий зарурат бўлаётган дунёда яхши харидор бўлиш

талаби ва ўз турмуш даражасини яхшилаш хоҳиши атроф-мухит ҳақида қайтурувчи ёшларнинг экологик вижданини «эзиб» қўяди. Қандай муқобил истиқбол мавжуд? Ёшлар муаммони ҳал этиш йўлини топишни хоҳлашади, лекин баъзи холларда уларга таклиф этилган асосий нарса — шанбаликда иштирок этишдан нарига ўтмайдилар. Ўкув юртида болаларга келажакнинг ҳаққоний, ижобий манзарасини ва унга элтувчи йўлларни кўрсатишмасди. Умуман олганда, экологик таълимдан ўз имкониятларига ишонч ва масъулият эмас, балки айборлик ва умидсизлик ҳисси мерос қолган.

Атроф-мухит манфаатларига шахсий содиқлик кўпгина вазиятларда иррационал эканлигини тушуниш учун «Маҳбус муаммоси»га асосланган машҳур машқни кўриб чиқиш мумкин. *Машқ тавсифи Иловада* келтирилган.

Устувор жиҳатларни қайта кўриб чиқиш яхшироқ натижаларга олиб келади

Педагоглар ўз фаолиятини ва унинг ўқувчиларга ҳақиқий таъсирини қайта кўриб чиқишга тайёр бўлганларида эди, барқарор ривожланиш таълими анъанавий экологик таълимни ижтимоий ва иқтисодий мазмун билан бойитиб, унинг барча ижобий томонларидан фойдалана олган бўларди. Шу холда, ўқувчилар истеъмолчининг хулқ-автори, ҳалқаро савдо, бизнес, технологиялар, ижтимоий адолат, хукуматлар фаолияти ва, энг асосийси, келажак варианtlарини мухокама килиш ҳамда тушуниш имкониятига эга бўларди. Инсонлар, барқарор дунёда яшаш учун, «барқарор» келажак қандай бўлишини ва унга олиб борувчи хаётий усусларни тасаввур кила олишлари керак.

Барқарор ривожланиш — доимий англаш ва ўқиш-ўргатиш бўлганилиги сабабли, педагоглар барқарор ривожланиш борасидаги энг яхши ва ишончли нуқтаи назарларни батафсил кўриб чиқишилари лозим. Айни вактда, дунёда содир бўладиган кейинги ўзгаришларга жавоб тарзида, уларни қайта кўриб чиқиш ва, зарур бўлса, улардан возкечишга ҳам тайёр туриш лозим.

Акс холда, экологик таълим замонавий саноат иқтисодиётига хос таълим турларидан бири, яъни бекорга сарфланган катта миқдордаги ресурслар ва чиқиндилар, инсон онгига таъсир (PR) ва нисбатан кичик натижалар (фойдали маҳсулот) бўлиб қолади.

Амалий мисол

Педагоглар амалий мисолларни ёқтиришади. Таълим хам, худди сузишга ўргатиш каби, кўникмани эгаллашга жалб этиш орқали амалга оширилади. Бу ерда баркарор ривожланиш учун долзарб бўлган мавзулардан бирининг муҳокамаси мисолида Баркарор ривожланиш таълимига нисбатан эътиборнинг кўчиши мисоли келтирилган.

Мисол учун ҳаммага таниш мавзулардан бирини, масалан, «автотранспортнинг ҳавони ифлослантириши»ни олайлик. Бундай мавзудаги дарслар, одатда, ҳавонинг ифлосланиши муаммосини ўргангандан сўнг ўтилади ва муаммо ечимини топишга қаратилган бўлади. Иштирокчилар нима килиш мумкин эканлигини муҳокама этишади. Ушбу қўлланмада, аввал муҳокама килинганидек, «нима қилиниши мумкинлиги» ҳақидаги савол «БИЗ» жамият сифатида нима қила олишимизга эмас, балки «биз» шахсан ўзимиз нима қила олишимизга боғлиқдир. Масалан, «биз» мактабга машинада эмас, автобусда, пиёда ёки велосипедда боришимиз мумкин. Лекин тажриба ва соғлом фикрдан келиб чиқсак, турмуш даражаси ортиши билан инсонлар кўпроқ машина сотиб олишади ва улардан кўпроқ фойдаланишади.

Шундай қилиб, биз дарсда куйидаги холосага келишга мажбур бўламиз: «бу сенга боғлик», деган холда ўқувчиларга ўз манфаатларини курбон қилишлари эҳтимоли юкори бўлган шахсий танлов таклиф этилади. Балки, биз ҳавони ифлослантирувчиларни йўлга чиқармасликда кўмаклашадиган давлат қонунлари ёхуд жамоат транспорти миқдорини кўпайтиришнинг аҳамиятини ноаниқ равишда ёки маълум андаза асосида таъкидлаб ўтишга эришармиз. Ижтимоий ва иқтисодий вазият ҳамда истеъмолчи танловини бошқарувчи механизmlар ҳақидаги жиддий баҳс-мунозаралар ҳатто катта ёшли ўқувчилар учун хам камдан-кам холларда ташкил этилади.

Мунозараларда камдан-кам холларда транспорт муаммосининг экологик тоза, арzon ва барча учун адолатли бўлган ечими, яъни келажакнинг экологик ва ижобий манзараси топилади. Бундай мунозаралар, одатда, салбий вазиятни тасвирлайди, янада кўп ҳаракат қилишни ёки ҳеч ким, ҳатто, педагогнинг ўзи ҳам хоҳламайдиган орқага қайтишни таклиф этади.

Автотранспортнинг ҳавонинг ифлослантириши

Дунёдаги кўпгина шахарларда автотранспортнинг ҳавони ифлослантириши даражаси ўсиб бормоқда. Автомобиллар сони ва йўллардаги тирбандлик хам ортиб бормоқда. Бу, айниқса, ахоли турмуш даражаси пастлиги сабабли эски автомобиллардан фойдаланилайдиган мамлакатлар учун хосдир. Ўкувчилар автомобиллар чиқарадиган асосий ифлослантирувчи моддалар ва уларнинг саломатлика таъсири ҳақида оммавий ахборот воситалари ва дарслардан билишлари мумкин. Бизнинг дарссимизда ўкувчилар янги автомобилларнинг зарарли моддалар ажратишини тартибга солувчи коидалар ишлаб чиқилганини билиб олишади. Шунингдек, ўкувчилар автомобилларнинг шахсий мувваффакият, турмуш тарзи ва ижтимоий мавзе кўрсаткичи эканлигига ишонч ҳосил қилишлари мумкин.

Сизнинг дарсингиздачи?..

4.2.

Автомобиль транспортининг ҳақиқий дунёси

Хозир Буюк Британияда автомобилдан фойдаланиш учун харажатлар (инфляцияни хисобга олганда) 1980 йилгига караганда озгина баланд. Шу вакт давомида ахолининг даромади 80% га ошиди. Автобус ва поезд учун йўл ҳаки шу муддат ичидаги 30% га ошиди. Бинобарин машиналар сони ва улар билан боғлиқ ифлосланиш даражаси кескин ортганлигига ажабланмаса ҳам бўлади. Таълим муассасасига ва ишга пиёда ёки велосипедда борадиганлар сони камаймоқда. Британия экологарининг фикрича: «Бизни хозирга-ча машинадан камрок фойдаланишга ва ҳеч бўлмаганда таълим муассасасига ёки ишга пиёда ёхуд велосипедда боришга даъват этишади. Лекин ҳар кандай нарх муайян ахборот етказишини эътиборга олсак, хозирги пайтда биз оладиган энг ўринли хабар «машиналардан кўпроқ фойдаланинг»dir.

Ижобийрок ва келажакка йўналтирилган мунозара Мюнхен (Германия) ва Куритибо (Бразилия) шахарлари тажрибаси билан таништириш орқали ташкил этилиши мумкин. Бу шахарларнинг бир-бирини тўлдирувчи транспорт тизими, ҳақиқатан ҳам, ҳавонинг тозалиги ва йўловчилар учун қулайлик яратиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқилган. Ижобий мазмунга эга яна бир мунозара автомобиллар билан боғлиқ барча нарсаларга ҳақиқий нархлар кўйилишининг таъсири: ёнилғи нархининг кўтарилиши, машиналарнинг кўплиги ва тирбандлик учун ҳак тўлаш, бошқа солиқларни жорий этиш ҳақида бўлиши мумкин (4.5 га қаранг). Ўқувчилар билан нархлар, даромадлар ва танловнинг хилма-хиллиги инсонларга қандай таъсир килиши ҳақида мунозара олиб борса бўлади (4.2 га қаранг).

Саҳифанинг чап қисмида келтирилган сурат яна бир қизиқ ғояни тасвиirlайди: авиачипта нархига қўшимча ҳак тўлаш таклиф этилади. Бу маблағ учун вақтингизда самолёт атмосферага ажратиб чиқарган карбонат ангидрид (CO_2)ни ютиш учун дарахт экишга сарфланади.

T «Автотранспортнинг ҳавони ифлослантириши» машки учун тайёрланган материаллардан фойдаланиб, 13—16 ёшдаги ўқувчиларга мўлжалланган, факат дастурга эмас, балки баркарор ривожланиш таълими ғояларига (иктисодиёт, жамият, келажак, ижобий қарашга) ҳам мос келадиган «Транспорт» ёки «Ҳавонинг ифлосланиши» мавзусида янги машқ тузинг. Бу икки талаб бир-бирига зид эмасми?

Кўйида «келажак»дан келтирилган мисол мұқобил варианtlар мавжудлигини ва асосий савол мен нима қила оламан эмас, балки нега биз буни қўллаб кўрмаймиз ва бизга нима тўсқинлик қилаяпти эканлигини ўқувчиларга кўрсатишда ёрдам беради.

Топшириқ учун саволлар (4.3.7 — бандга қаранг)
(катта ёшли ўқувчилар ва иштирокчиларга мос келади)

- Ҳаво автомобилининг қандай афзаллик ва камчиликлари мавжуд? Унинг истеъмолчилар учун мақбуллиги ва техник тавсифи ни кўриб чиқишига харакат килинг.



- б) Агар «Ҳаво автомобили» шунчалик «тоза ва яшил» бўлса, унинг жорий килиниши, ишлаб чиқарилиши ва сотиб олиниши жамият томонидан қўллаб-куватланиши (масалан, ишлаб чиқарувчига субсидиялар, харид қилиш учун фоизсиз кредитлар берил) керакми?
- в) «Ҳаво автомобиллари»нинг бозордаги ўрнига сиёsat ва солик тизими қандай таъсир кўrsatiши мумкин? «Ҳаво автомобили»-дан фойдаланганда, ёнилғи савдосидан олинадиган солик бўлмайди. Хукумат, одатда, нефть компаниялари ва автомобиль ишлаб чиқарувчилар билан боғлик. Бу ҳол «Ҳаво автомобиллари» ишлаб чиқаришнинг ривожланишига қандайдир таъсир қиласими?


Автотранспортнинг ҳавони ифлослантириши

Тарқатма материаллар


4.3.1. Йўлдаги тирбандликлар



4.3.2. Автомобиллар сонининг ўсиши



4.3.3. Буюк Британияда турли хил транспорт воситалари нархининг ва аҳоли даромадининг ўзгариши (1990 йилда 100% деб олинган)



- Умуман олганда, ёнилғи баҳоси ўртача 12% ортганига қарамасдан, автомобилдан фойдаланиш баҳоси (сотиб олиш, фойдаланиш, бензин ва мой, солик ва суғуртани ўз ичига олганда) 1980 йилдаги даражада колди ёки ундан пасайди.
- Жамоат транспортида йўл ҳаки сўнгги 20 йил ичида кескин ўсди. 1980 йилга нисбатан 2001 йилда автобусда йўл ҳаки 31%, темир йўл ҳаки 37% ошди. Сўнгги йигирма йил ичида машиналардан фойдаланишнинг кўпайиши ва автобус йўловчилари сонининг камайиши автомобиллардан фойдаланиш харажатлари деярли ўзгармаган ва автобусда йўл ҳаки кўтарилгани ҳолда содир бўлди.
- Шу давр оралиғида британияликларнинг ўртача даромади 80% ўсди. Демак, автомобиллардан фойдаланиш, жамоат транспорти билан солиштирганда, анча тежамлироқ бўлиб қолди.
- Машиналарда қилинадиган сафарларнинг ўртача сони 1985—1986 йиллардан 1995—1997 йилларгача 24% (бир йилда киши бошига 517 тадан 639 тагача) ошди. 1985—1986 йиллардан бўён қиска масофага пиёда бориш камайиб бормокда. Уларнинг сони 350 тадан 263 тагача камайди. Велосипед ва мотоциклларда қилинадиган сафарлар сони ҳам 44% га (34 тадан 19 тагача) қискарди.
- Темир йўл ва метрода юриш 1995—1997 йиллардан бошлаб (бир йилда 18 тадан 20 тагача) кўпайди. Махаллий автобус маршрутларида қилинадиган сафарлар эса 1985—1986 йиллардаги 83 тадан 57 тагача, яъни 31% камайди.

Буюк Британия транспорт статистикаси департаменти «Transport trends» 2002 маълумотларига кўра (www.transtat.dft.gov.uk/tables/2002/tt/section2/section2/htm сайтига ташриф буюринг.)




4.3.4. Нефть саноатини субсидиялаш

АҚШ да транспорт учун нефтдан фойдаланиш тўлиқ кийматда «субсидиялаштираётгани» борасидаги ҳавотир ортиб бормоқда. Ёнилғи учун истеъмолчи тўлайдиган киймат нефть саноатининг жамият учун тўлиқ иктисодий кийматини акс эттирмаляпти. Ҳақиқий нарх бевосита ва билвосита ижтимоий субсидиялар хисобига қопланаяпти, хусусан:

- нефть саноати корхоналари учун даромад солиги ставкасининг камайтирилиши [бу ўртача 11 %ни ташкил этади, бошқа соҳаларда эса 18 % дир];
- бензин сотишдан тўланадиган солик микдорининг пастлиги [бошқа махсулотлар учун 6%, бензин учун 3%];
- нефть компаниялари фойда кўрадиган дастурларнинг давлат томонидан биринчи навбатда молиялаштирилиши;
- автотранспортдан фойдаланиш натижасида вужудга келадиган яширин экологик киймат. Унга сув ва ҳавонинг ифлосланиши ҳамда шовқин киради. Бунинг учун барча фуқаролар «ҳак тўлайди». АҚШ да автомобиллардан фойдаланиш экологик оқибатларининг умумий киймати 52—185 млрд. АҚШ доллари микдорида баҳоланади.

«Union of Concerned Scientists in the USA» маълумотлари асосида (АҚШ нинг бефарқ бўлмаган олимлари иттифоқи), http://www.ucsusa.org/clean_vehicles/archive/page.cfm?pageID=817 га қаранг.

4.3.5. Шаҳарга кириш учун ҳақ тўлаш йўллардаги тирбандлик даражасини қисқартиради



Машиналар оқимининг ўртача тезлиги соатига 11 милгача ортди. Шаҳарга кириш учун ҳақ тўланадиган бўлгач, Лондон йўлларида тирбандликлар 40 % га қисқарди. Бу маълумотлар Британия пойтахтида яқинда жорий этилган янгиликнинг биринчи шархида нашр этилди.

Лондон мэри Кен Ливингстоун фикрича, янги тизимни жорий этиш натижасида йўлларнинг бандлиги 20—30% қисқариши, шаҳар жамоат транспорти эса қўшимча 130 миллион фунт стерлинг фойда олиши мумкин эди.

Лекин «Transport for London» ташкилотининг охирги тадқикотлари шаҳар марказига кириш учун кунига 5 фунт тўлов жорий қилинганлиги натижасида тирбандлик башорат қилинганидан 2 баравардан кўпроқ қисқарганини кўрсатди.

Транспорт харакати тезлиги уч баравар ортди. Ўртача тезлик хали ҳам соатига 11 милни ташкил этишига қарамасдан, ҳайдовчилар ўз машиналарида аввалгига нисбатан 13 % камрок вакт ўтказмоқдалар.

Ливингстоун ҳатто ҳар нарсага шубҳа билан қаровчи кишилар ҳам янги жорий этилган тизим афзалликларини тан олишлари керак, деб ҳисоблайди. У «Лондон марказида автомобиль тирбандликларининг камлиги ҳамда тез ва хавфсизроқ харакатланиш ишбилармонлар, сайёҳлар ва Лондон ахолиси учун жуда дуруст», — деб қўшимча қиласди.

Шунга қарамасдан, кўпгина ишбилармонлар марказга кириш учун ҳақ тўлаш сиёсатидан зарар кўрганликларини таъкидлашмоқда, чунки марказга энди камрок харидорлар ташриф буюрмокда.

Тадқикотлар кўрсатишича, харакатланиш авжига чиқадиган пайтларда 2000 га яқин автомобильчи метродан ва яна 6000 автомобильчи автобусдан фойдаланмоқда. Ҳар куни ўртача 98000 шахсий ва 12000 савдо автомобиллари марказий Лондонга кириш учун ҳақ тўлашади.

Москва мэри Юрий Лужков: «Шахсий автомобиллар сонининг ортиши йўл харакатини ташкил қилишда муаммоларни келтириб чикаради. Бу янгича ёндашув ва ечимларни талаб этади. Лекин шаҳар марказига киришни чегаралаш ёки тўлов жорий этиш сўнгги чора бўлади», — деб ҳисоблайди.

Автомобиль тирбандлиги асосий муаммолардан бири ҳисобланган Москвада шаҳар хукумати унинг бошқача ечимини топишга ҳаракат қилмоқда. Жумладан, кундузи шаҳар марказига юк транспортининг кириши тақиқланган. Шаҳар жамоат транспорти ривожланмоқда. Кичик автомобиллардан фойдаланувчилар учун транспорт солиги камайтирилган. Лужков «Катта «Мерседеслар» оиланинг иккинчи машинаси бўлсин, кундалик фойдаланишда эса кичик машиналар бўлини керак», деб ҳисоблайди.

Росбалт маълумот берүү кураласы

4.3.6 Автотранспортнинг экологик қиймати

Нефть ва автомобилдан фойдаланиш ортида катта экологик қиймат ётибди. Иктисадчилар буни «externalities» деб атайдилар, чунки у транспорт учун соликда ҳисобга олинмаган. Аммо бу қиймат ҳакикатан мавжуд ва у жамият учун оғир юқдир. У ҳукумат ҳамда ахолининг сув ва ҳавонинг ифлосланишига қарши ҳамда ифлосланишнинг оқибатларига қарши кураши учун кетадиган ҳаражатларни ўз ичига олади. Ҳукумат ҳисобга олинмайдиган бу баҳони пасайтиришга эътибор бериши лозим.

Шаҳарларда атмосферага асосий чиқиндилар автомобиль транспортидан фойдаланиш сабабли чиқади. Буларга каттик заррачалар, карбонат ангидрид (асосий «иссиқхона гази»), ис гази, азот оксидлари ва озон киради. Бундан ташкири, автомобиллар канцероген моддаларни чиқаради, сувни ифлослайди (ер остидаги ёнилғи омборларидан нефтнинг оқиши, мойнинг тўкилиши, йўл устки

катламининг ювилишидан ҳосил бўладиган окова сувлар) ва кучли шовқин чиқаради. Жамият атроф-муҳит ифлосланиши қийматини соғлиқни саклаш соҳасидаги ҳаражатларнинг ошиши, касаллик ва эрта ўлимлар туфайли иш ҳакидан маҳрум бўлиниши, қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш самарадорлигининг пасайиши ва даромаднинг камайиши, биноларнинг бузилиши тарзида тўлайди.

1995 йилда ўтказилган тадқиқотларга кўра, ҳисобга олинмайдиган барча «externalities» нинг умумий экологик қиймати 1991 йилда дунё бўйича 54 дан 232 миллиард долларга-ча бўлган. Ҳавонинг ифлосланиши натижасида юз берадиган ўлим ва касалликлар бутун экологик қийматнинг $\frac{2}{3}$ қисмини ташкил этади ва йилига 182 миллиард долларга етади. Лос-Анжелес худудида соғлиқни саклаш соҳасидаги автотранспорт чиқиндилари билан боғлиқ йиллик ҳаражатлар деярли 10 миллиард долларни ташкил этиши ҳисоблаб чиқилган.

Union of Concerned Scientists in the USA маълумотларига кўра http://www.ucsusa.org/clean_vehicles/archive/page.cfm?pageID817 га каранг.

4.3.7. «Ҳаво автомобили»

Ички ёниш двигателлари билан 30 йилдан ортиқ фаолиятдан сўнг француз инженери Гай Негрэ шахарда фойдаланишга мўлжалланган, экологик тоза, ҳавога чиқиндиларни чиқармайдиган двигатель концепциясини ишлаб чиқди.

Энергия манбай сифатида сиқилган ҳавонинг юкори босимидан (300 Бар) фойдаланадиган бу кашфиёт дунё бўйича 20 дан ортиқ патентлар билан ҳимояланган ва Негрэ асос солган компанияга тегишилдири. Шахарда бундай двигатель углепластикдан ёки шишапахтадан ясалган бакдаги 300 литр сиқилган ҳаво билан 200 км йўл босиб ўтиши мумкин бўлган беш ўринли автомобилни ҳаракатга келтиради. Стандарт электр тармоғига уланувчи ва электр мотор билан ишловчи маҳсус компрессор бакка ҳавони 4 соат ичидаги давлатлар учун транспорт мурасимининг энг қулай ечими, деб ҳисоблайди. Францияда бундай автомобилларнинг турли модификацияларини — такси, пикап, микроавтобус ва седанни ишлаб чиқариш режалаштирилган.



MDI, France материаллари бўйича. <http://www.theaircar.com> га каранг.

Демак, барқарор ривожланиш таълимида эътибор қаратилиши зарур бўлган асосий масалалар қайси? Биз уларни қўйида келтирилган «эслатма»да изоҳлашга ҳаракат қилдик. Таълим (ўқитиш ва ўрганиш) — фаол ва динамик жараён бўлганлиги сабабли, биз эслатмани саволлар кўринишида тақдим этдик. Яна бир мухим масала — мактаблар БРТга ажратиши мумкин бўлган вақт ва имкониятнинг чегараланганлигидир. Демак, энг мухим масалаларга кўпроқ эътибор қаратилиши зарур.

БРТ нинг асосий афзаликлари: эслатма

Муҳокама учун саволлар	Асосий сўз ва ғоялар
«Етарли» дегани нима? Бу саволдан сўнг албатта кейингиси келади.	Етарлилик табиат томонидан белгиланган чегараларни тан олиш
Биз аслида нимани хоҳлаймиз?	Бизнинг қадриятларимиз
Куйидаги савол шундан сўнг келиши лозим: Қандай қилиб биз оз ресурслардан фойдаланиб, ўзимизни зарур бўлган барча нарсалар билан таъминлашимиз мумкин?	Самарадорлик ва адолат
Бу туркумдаги охирги савол: Чикиндиларни нима қилиш керак?	Экологик тозалик ва чиқиндисиз ишлаб чиқариш

Кен Webster, Wolfgang Sachs and Alain Durning материаллари асосида

Қизиги шундаки, кўпинча экологик таълимда ва барқарор ривожланиш таълимида саволларнинг бутунлай тескари кетма-кетлиги ҳосил бўлади, яъни асосий сабаблардан кўра оқибатларга катта эътибор қаратилади. Мактаблар чикиндилар муаммосини (энергия, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасидаги) ва унинг ечимларини кўриб чиқишиади. Аммо бунда ишлаб чиқаришнинг мумкин бўлган чегаралари (бу — «етарли» дегани қанча) ва қадриятлар («Кўпроқ» ҳар доим ҳам «яхширокни» англатадими?, «Ҳаётнинг юкори даражаси нима?», «Иктисадий ўсиш ҳар доим ҳам яхшими?») эътиборсиз қолади. Мактаблар экологик самарадор технологиялар-

ни ҳаётга татбиқ этишда ва экодизайнни қўлланилишида (кўпинча бу нима эканлиги тушунтирилмайди ҳам) жамият қандай қилиб кўмаклашиши мумкинлиги ҳакида жуда кам маълумот бера оладилар; ижтимоий адолат (ишлаб чиқаришдан олинган даромад қандай тасимланади ва аслида у қандай тақсимланиши кераклиги)га ҳам кам эътибор берилади.

Юқоридаги саволларга асосли жавоблар топилса, чиқиндилар муаммоси бундай долзарб бўлмаслигини мантикий тахмин килиш мумкин: чунки чиқиндилар бу даражада кўп бўлмас эди! Шундай қилиб, айнан чиқиндисиз иктисадиётни ташкил қилиш миқдори ўсиб бораётган чиқиндиларга қарши доимо курашиб кераклиги ғоясини болаларга сингдиришдан кўра афзалроқ. Бу якқол ғоя, аммо унга етарлича эътибор қаратилаётгани йўқ ва мактабда хали ҳам болаларга экологик аравани отнинг олдига тиркаш ўргатилмоқда.

Аник мисолларни мухокама қилиш анча таниш бўлган чиқиндилар, энергия ва транспорт мавзуларини кўриб чиқишидаги анъанавий ёндашув билан барқарор ривожланиш таълими орасидаги фарқни кўришга ёрдам беради. Шуни яна бир бор таъкидлаш зарурки, бу мажбурий иш дастури эмас, балки экологик барқарорликнинг турли жиҳатларини кўриб чиқиша мухокама килинадиган мавзуларга қўшимча сифатида нима қўлланилиши мумкинлигини кўрсатишидир.

Биринчи мисол сифатида биз доскадаги дарс мавзусини қайта кўриб чиқишини таклиф этамиз.

Нима учун чиқиндиларни қайта ишлаш зарур?

Умуман олганда, чиқиндиларни қайта ишлаш зарурми?

Электр энергия ишлаб чиқариш ҳамда унинг ижтимоий ва иқтисодий оқибатлари муҳокамасининг қайта кўриб чиқилган режа лойиҳаси

Энергия / Электр

Анъанавий ёндашув	БРТда қўлланиладиган ёндашув
а. Электр энергиядан фойдаланиш даражаси ва унга бўлган талаб ўсиб бормоқда ва доим ўсиб боради, деб хисобланади, демак, уни марказлаштирилган равишда хосил қилишни ҳам кўпайтириш лозим. Махаллий даражадаги таъсирি (атмосфера ҳавосининг ифлосланиши) ва иқлимнинг глобал ўзгаришига қўшаётган хиссаси кўриб чиқилади.	а. Нима учун биз электр энергия истеъмоли ва унга бўлган талаб доимо ўсиб боради, деб хисоблашимиз керак? Бизга электр энергияни марказлаштирилган усулда хосил қилиш зарурми? Марказлашувдан чиқарилган (махаллий) энергия хосил қилиш имкониятлари тадқиқ қилинади ва муҳокама этилади.
б. Электр энергия билан таъминлашнинг турли варианatlари, турли энергия манбалари (атом, шамол, кўмир, газ, гидроэнергия ва х.к.) муҳокама қилинади.	б. Энергияни тежашнинг ва энергиянинг янги манбаларини излашнинг иқтисодий фойдаси тақкосланади.
в. БИЗ, электр энергия истеъмолчилари, қўллашимиз мумкин бўлган тадбирлар ёрдамида электр энергия истеъмолини камайтириш имкониятлари муҳокама қилинади. Ўйда ва мактабда энергия сарфи устидан назорат ўрнатиш тақлиф этилади.	в. Электр энергиядан фойдаланишда нархнинг аҳамияти муҳокама қилинади. У «жуда ҳам арzon» бўлиши мумкинми? Энергетик камбағаллик муаммоси. Энергия истеъмолини камайтириш мақсадида тақдирлаш ва рағбатлантиришни жорий этиш.
г. Ўқувчилар энергия хосил қилишнинг зарари энг кам усулини танлашади ҳамда уйда ва мактабда электр энергия истеъмолини камайтириш йўлларини муҳокама қилишади.	г. Ўқувчилар электр энергия хосил қилишнинг саноат модели ва субсидияларни танқидий кўриб чиқишади. Инвестиция киритиш ва энергияни тежаш бўйича тадбирларнинг уйғуналигини, махаллий даражада энергия хосил қилишни, энергетик самарадорликни таъминлаш учун рағбатлантиришдан фойдаланишни муҳокама қилишади.

Кўриниб турганидек, бу икки ёндашув турли мақсадларни кўзлайди. Ўқувчилар **турли** фикрларга асосланган **турлича** маълумотларни олишади. Биринчи ҳолда муаммонинг ёчими сифатида экологик **энергия манбаларидан** фойдаланиш ва **шахсни хулқ-авторини яхшилашга** даъват қилиш таклиф этилади. Иккинчи ҳолда эса энергияга бўлган талабнинг ўсиши ҳакидаги одат тусига кирган тахмин танқид остига олинади. Энергияни тежаш ва ҳақиқий нархни ўрнатиш¹ (**талабни бошқариш**)га ҳақиқатан талаб этиладиган даражада муҳим эътибор каратилади. Даъват алоҳида шахслар ёки гурухларнинг манфаатларини эътиборга олади ҳамда рағбатлантириш орқали таъсир этишини назарда тутади. Бу ёндашув, шубҳасиз, ижобийроқ ва келажакка каратилгандир.

Тасдиқ муҳокамаси

Юқорида келтирилган анъанавий дарс «ҳаммасини аввалгилик, аммо экологикроқ киласиз» ёндашувига асосланади, иккинчи ёндашув эса кўпроқ махаллий даражага каратилган ҳамда ижодий ёндашув ва баркарорликка асосланади. Умуман олганда, экологик таълим бўйича анъанавий дарс баркарорлик тушунчасини ўз ичига олмайди. Ҳақиқий ҳаётда электр энергия ҳосил қилишнинг экологик тозароқ (лекин арzon эмас) усуллари танланган тақдирда ҳам, алоҳида шахсларнинг ҳаракатлари ҳакидаги дарсда айтиб ўтилган тахминлар бирбирига қарама-каршидир. Электр энергияни тежаш тоғаси бўйича иш тутсак, унинг истеъмолини кискартира оламиз, деб тахмин қилинади, лекин айни пайтда электр энергия истеъмоли даражаси ва унга бўлган талаб умуман олганда ўсишда давом этади, деб кутилади. Кучли оқимга қарши сузамиз деб, бор кучимиздан айриламиз. Электр энергияни ҳосил қилиш ва истеъмол қилишга бўлган ёндашув асосидаги бу қарама-каршилик анъанавий экологик таълим доирасида муаммонинг ёчимини таклиф этиш имкониятини бермайди. Чунки бу ёндашувда ҳодиса сабабларига эътибор берилмайди, балки факат оқибатларгина кўрсатиб ўтилади.

Сиз бу фикрни маъқуллайсизми?

Экологик таълим бўйича дарслик ва қўлланмалар «Энергия» мавзусида келтирилган мисоллардаги бу икки ёндашувнинг қайси бирига кўпроқ мос келади?

Энергия ҳосил қилишдаги янги технологияларга, масалан, ёқилги элементларига кўпроқ эътибор қаратиш керакми (ва қаратиш мумкини)?

¹ Ҳақиқий нарх асл экологик ва ижтимоий баҳони акс эттиради ва инсонларни инновацион технологиялардан фойдаланиш ҳамда самарадорликни оширишга чорлайди.

Энергияни деярли талаб қилмайдиган келажакми?



Семинар учун машк:

Бу расм эко-бино ва экологик турмуш тарзи хақидаги тасаввурларимизга мос келадими?



Инглиз Тони бу уйни асосан ўзи қурган. Бу уйнинг атроф-мухитга таъсири минимал бўлишига қарамасдан маҳаллий ҳокимият органлари вакиллари бу қурилишни рўйхатга олишни рад этишид.

Мактабларда иккиламчи қайта ишлаш учун чиқиндиларни йиғишга бўлган муносабатнинг ўзгариши



Ken Webster, WWFlearning дан мослаштирилган, WWF-Буюк Британия ўқув сайти, 2002

Чиқиндиларни қайта ишлаш ғояси барчага маълум. Унинг ҳаракат ва ўзгариши кўрсатувчи тимсоли — айлана ва кўрсаткич кўпинча барқарор ривожланиш ғоясига ўхшатилади.

Таълим тизимида кисмларга бўлиб (фрагментар) фаолият юритиш анъанаси мавжуд; чиқиндиларни қайта ишлаш муаммоси билан боғлик дарс ва тадбирларни таҳлил қилиб, бунга ишонч хосил килиш мумкин. Умуман олганда, бу фаолият юкорида кўрсатилган айлана-

нинг бир қисмига, яъни маҳсулотнинг дўкон, уй, ахлат қутиси ва чиқиндиларни йиғиш ўртасидаги ҳаёт циклининг кичик боскичига тегишилдири. Кандайдир сабабларга кўра айнан шу нарсага таълимнинг чиқинди ва уни йўқотиш муаммоси ечимида кўшган асосий хиссаси сифатида қаралади.

Бу ҳол бошқа сабаб туфайли ҳам тайриоддий туюлади. Бизга «reduce, reuse, recycle» (чиқиндини камайтири, қайта фойдалан, қайта ишла) шиори кўп йиллардан бери таниш эканлигига қарамасдан, биз ҳалигача чиқиндини қисмларга ажратиб йиғишга асосий эътиборни қаратамиз. Юкоридаги шиорда «қайта ишла» бежиз энг охирида тургани йўқ.

Ўқитувчилар ва маҳаллий ҳокимият учун чиқиндиларни ажратиб йиғиш бўйича биргина тадбирни ташкил этишининг ўзи катта кучфайрат талаб этади. Чиқиндиларни ажратиб йиғиш бўйича қандайдир доимий тизимни йўлга кўйиш ҳақида эса гапирмаса ҳам бўлади. Амалий натижадеярли ҳеч кимни қизиқтиримайди, чунки бу ерда маърифий таъсир мухимроқдир: тадбир болани келажакда (бу — узоқ келажакка ўҳшайди), агар етарлича шароит яратилса, чиқиндини ажратиб йиғишга тайёрлайди, деб қаралади. Шунга қарамасдан, дарсларда ва тадбирларда чиқиндини ажратиб йиғиш ва уни мактабдан олиб чиқилгач нима қилиниши масалаларига деярли эътибор қаратилмайди.

Кейинги боскичда эса, қайта ишлаш учун йиғиб олинган чиқиндиларни иккиласми қайта ишлаш бўйича компанияларга юборилади. Бу компаниялар ўзгариб турадиган бозор конъюнктурасидан, худди шу маҳсулотларни бирламчи хом ашёдан ишлаб чиқарувчи фирмалар билан ракобатдан, бирон-бир жиддий маҳаллий кўмак йўқлигидан қийналади. Натижада, қайта ишланган материаллар бозори жуда заиф бўлиб қолади.


Бир неча йил аввал атроф-мухитни муҳофаза қилиш хафтаси доирасида Санкт-Петербург мактабларида қайта ишлаш учун батареяларни йиғиш ташкил қилинган эди. Буни доимий фаолиятнинг бошлиниши деб қабул қилган мактаблар йиғилган батареялар қисқа муддатдан сўнг яна умумий ахлатхоналарга олиб бориб ташланишини тез орада англаб этишди. Пластмасса чиқиндиларини йиғиш бўйича ташкил этилган тадбирлар ҳам худди шундай якунланди.

Чиқиндилар муаммосига катта эътибор қаратадиган мактаблар ўзлари қайта ишланган хом ашёдан тайёрланган маҳсулотларни кўпинча сотиб олишмайди.

Кўтарилигун шов-шув натижасида биз мактабларда көғоз чиқиндиларидан ишлаб чиқарилган қоғоз, пластик стакан ёки бутилкаларни қайта ишлаб тайёрланган ручка ва чизғичларни топишимииз мумкин, деб умид қислак бўларди. Бу осон эмас, лекин иккиласмачи қайта ишланган материаллардан тайёрланган маҳсулотларни топиш хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари ва ўқувчиларнинг ўзларининг вазифаси бўлиб колади, деб кутиш мумкин. Афсуски, бу ҳам бўлмаяпти.

Агар бундай ёндашувнинг таълим моҳиятини танқидий таҳлил қила-диган бўлсан, у кутилмаганда салбий бўлиб чиқади. Хулоса таҳми-нан шундай бўлади: «Ҳаммамиз бизнинг харакатларимиз ҳеч нарса-ни ўзгартирмаслигини яхши биламиз. Муаммо сабабларини тушун-масдан ва хақиқий ечим йўлларини изламасдан муаммонинг бир қисминигина кўриб чиқамиз. Бизни барибир ижтимоий фойдали меҳ-нат учун макташади! Бу ерда ўйлаб иш кўриш муҳим эмас!»

Кўйида келтирилган диаграмма чиқиндилар муаммосининг таълим жихатига биз мухокама қилаётган ёндашувнинг истиқболли эмасли-гини кўрсатади ва тасдиклайди. Инглизларнинг экологик онгини идеал деб атаб бўлмайди, аммо бошқа ривожланаётган мамлакатларнинг аҳолиси билан солиширгандан, уни ижобий деб караш мумкин. Қай-та ишлаш учун йигилган чиқинди микдори бутун Англия бўйлаб ўсиб бораётганини кўрамиз. Бирок, чиқиндининг умумий микдори ҳам ортиб бормоқда-да. Шундай килиб, ажратиб йигилган чиқинди-ларнинг умумий микдордаги хиссаси камлигича қолмоқда. Чиқинди-



ларни иккиламчи қайта ишлаш учун йиғиш одат тусига киргандан сүнг бошқа мамлакатларда хам худди шундай вазият кузатилса керак. Бундан таълим, худди энергия муаммосидаги каби, болаларга оқимга қарши сузишни таклиф этаётгани кўринади, яъни тўхтовсиз равишда ортиб бораётган чиқинди оқимидан қайта ишлаш учун материал йиғиш таклиф этилмоқда.

Барқарор ривожланишнинг фойдали мухокамаси деярли ҳар доим биринчи навбатда умумий вазиятни, сўнгра масаланинг ҳар бир томонини кўриб чиқиши йўли билан амалга оширилади. Экологик таълим ва барқарор ривожланиш таълими амалиётидаги ўзгаришлар ўкувчилар билан биргаликда экологик ва ижтимоий муаммоларнинг ҳаётга татбиқ этса бўладиган, кенг кўламли ечимларини излаш ва уларга таъсир этувчи омилларни кўриб чиқиши орқали амалга оширилиши зарур. «Планетани кутқариш» ҳаракатларига энг мухим масала деб караш керак эмас: мактабларда ўкувчилар қандайдир ҳаракатлар йиғиндинисини эмас, балки муаммога қандай қилиб кенгрок караш мумкинлигини ўрганишлари лозим. Шунда болалар муаммони, масалан, чиқиндини қайта ишлаш муаммосини тўлиқ кўра оладилар. Бунда уларда: «Чиқиндилар учун асосий жавобгар ким ва қарор қабул қилишда танлов имконияти кимда бор» — деган савол туғилиши мумкин. Бу саволнинг жавоби қийин эмас: бу бизнес ва саноатдир.

Таълим — болалар кўллари билан ҳозирги замон муаммоларига қарши курашиш эмас, балки биринчи навбатда келажак тимсолини куришдир. Махсулотнинг заводда ишлаб чиқарилишидан то ундан фойдаланишнинг охиригача бўлган бутун ҳаёт циклини эътиборга оладиган бўлсак, ишлаб чиқарувчилар, хом ашё етказиб берувчилар, савдо, истеъмолчилар ва ҳокимият вакиллари чиқиндини бошқаришда масъулиятни ўзаро тақсимлаб олганликларини кўриш мумкин. Шунга қарамасдан, бу вазиятда асосий роль ишлаб чиқарувчиларга тегишлидир. Айнан улар маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштириш, таркибини ва материаллар миқдорини танлаш, маркетинг босқичларида чиқиндини иложи борича камайтириш бўйича асосий қарорларни қабул қилишлари лозим. Демак, ишлаб чиқарувчи табиий хом ашёдан, қайта тикланадиган ресурслардан, заарсиз материаллардан оқилона фойдаланиб, чиқинди пайдо бўлишининг олдини олиши мумкин. Бундан ташқари, маҳсулотни, унинг алоҳида қисмларидан қайта фойдаланишни ва иккиламчи қайта ишлаш жараёнида ундан керакли моддаларни ажратиб олишни куляй қилиб, ишлаб чиқариш мумкин. Маркетинг, реклама, ҳатто, фойдаланиш бўйича қўлланма ва маҳсулот паспорти — буларнинг ҳаммасидан ушбу мақсадга эри-

шиш йўлида фойдаланиш мумкин. Шундай килиб, БРТга, хусусан, чиқинди муаммосига ёндашувнинг янгироқ ва яхшироқ кўриниши кўз олдимизда гавдаланади. Болаларни хабардор килиш зарур бўлган асосий ечимлардан бирини кўриб чиқсак.

Ишлаб чиқарувчиларнинг масъулиятини кенгайтириш

Ишлаб чиқарувчилар масъулиятини кенгайтиришни «бешикдан бешиккача» бизнеси, деб ҳам атashади. Бу ном «бешикдан қабргача» бизнеси деб аталувчи анъанавий усулга қарама-қарши кўйилган: яъни, айтайлик, сиз бирор-бир фирма ишлаб чиқарган машинани сотиб оласиз, фирма эса сиз маҳсолот сотиб олган пайтдан ундан фойдаланишни тутгатгунингизча у ҳақда қайфуради; сўнг машинага нима бўлиши фирмани кизиқтирмайди, уни утилизация килиш ёки кўмиш киймати давлат харажатлари кўринишида бутун жамият зиммасига тушади. Бундай ёндашувга мукобил йўл — маҳсолот ҳақида «бешикдан бешиккача» қайфурошдир. Маҳсолотнинг утилизациясига ишлаб чиқарувчи фирма масъул бўлади. Харажатларни камайтириш учун ҳам «иккинчи бешик» зарур: табиатда бўлгани каби, эски маҳсолотнинг қисмлари ва материаллари янгисининг бир қисми бўлади. Кўпгина вазиятларда маҳсолотнинг ишлаб чиқарувчиларга қайтиши унинг харажатларини кўпайтиради, демак, нарх кўтарилишига олиб келади, деган хавотир айтиб ўтилади. Бу тўғри, аммо кучсиз далилдир. Чиқинди хеч қачон бепул бўлмаган — унинг йўқотилиши учун ҳақни истеъмолчи солик ёки нархнинг кўтарилиши орқали тўлайди. Агар чиқинди йигилмаса ва йўқотилмаса, чиқинди сабабли соғлиқни саклаш соҳасида юзага келадиган харажатларни яна истеъмолчилар ва давлат тўлайди. Агар конун компанияларни ўзлари ишлаб чиқарган маҳсолотлар истеъмолчиларга керак бўлмаганидан сўнг, уларни олиб кетишга мажбур қилса, улар иктисадий вазиятдан келиб чиқиб, материаллардан камрок фойдаланиш, камрок ўраш ва дизайнга яхшироқ эътибор бериш фойдалариrok эканлигини тушунишади. Чунки шундай қилинса, маҳсолот истеъмолдан чиқкач, уни тез қисмларга ажратиш ва батъзи қисмларни қайтадан қўллаш имконияти кенгаяди.

Иктисадиёт қандай ташкил этилган бўлмасин, уйларда ва мактабларда бари бир қанчадир миқдорда чиқинди йигилади ва уни нимадир қилиш керак. Биз бу ҳолда чиқинди миқдорини камайтириш ёки иккиламчи қайта ишланган материаллардан фойдаланишга қаратил-

ган турли хил ижобий ва салбий рағбатлар самарадорлигини таққослашымиз лозим. Бунда мактаблар ўта мухим роль ўйнайди, чунки улар одат тусига кириб қолган «ташладинг ва унутдинг» қарашини илдизи билан йўқ қилишда кўмаклашиши мумкин (чиқиндини умумий контейнерга ташладингми, ёки «алоҳида»гами, бу мухим эмас).

Хар иккала ҳолда ҳам, яъни «бешикдан бешиккача» бизнеси ёки чиқинди миқдорини камайтириш ва чиқиндини алоҳида йиғишда нархлар асосий маълумот берувчи ролини ўйнайди. Биз илгари мухокама қилганимиздек, ахлоққа асосланган далиллар ўзини оқламайди ва ўзгаришларга олиб келмайди. Кўпгина мамлакатларда, жумладан, Буюк Британияда ҳам, иккиласмчи қайта ишлашга йўналтирилган чиқинди фоизи пастлигича қолмоқда, лекин айни пайтда чиқиндинг умумий миқдори муттасил ошиб бормоқда.

Бу муаммони ечишга қаратилган усууллар турли мамлакатларда турличадир. Баъзида бу чиқинди қутиси ўлчамларини чеклашдан иборат бўлади. Маълум миқдордаги чиқинди бепул ташилади, меъёрдан ортиғи учун ҳак тўлаш зарур бўлади. Бошқа холларда факат иккиласмчи қайта ишлаш учун ажратилган чиқинди бепул олиб чиқилади. Баъзи шаҳарларда «айирбошлиш ярмаркалари» ташкил этилади ва у ерда одамлар ўзларига керак бўлмаган, аммо бошқа киши эҳтиёжига тўғри келадиган нарсаларни бериш учун учрашадилар. Ҳозирги вактда бундай ярмаркаларга боришнинг зарурияти ҳам йўқ, бунинг учун Интернетга ташриф буюрилса бас. Maxsus «Freecyclers» ташкилоти сайтида «бериб юбораман» ёки «қабул килиб оламан» кўринишидаги эълонларни жойлаштириш мумкин. Россияда «Freecyclers»нинг бўлими Иркутск шаҳрида фаолият кўрсатмоқда.

Масъулияти ва жараёнга таъсир этиши бўйича истеъмолчи бизнес ва давлатдан сўнг учинчи ўринни эгаллайди. Иктисадчи Лестер Туров ёзганидек: «Капиталистик жамиятда хокимиятнинг тўғри роли — ҳозирги кунда келажак манфаатларини тақдим этишдир».

«Дунёning бой мамлакатларидаги кўпгина истеъмолчилар экологикроқ турмуши тарзини олиб боришни, атроф-муҳитга масъулиятлироқ бўлишни хоҳлашларини айтишади, аммо уларнинг жуда оз қисмигина бу борада қандайдир ҳаракатни амалга оширадилар». Бу қарама-қаршилик кўпгина компанияларни «яшилроқ бўлишни хоҳлайдиганлар учун» маҳсус маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳамда хизмат кўрсатиш фойда келтирмаслигига ишонтирди, чунки бу инсонлар аслида «яшилроқ

бўлишни» унча хоҳлашмайди. Ажойиб ҳол. Лекин нима учун ҳукуматлар бу қарама-қаршиликни ўзлари амалга ошира олмайдиган истеъмолчилар номидан енгизига ҳаракат қилмайди ва компанияларни экологикроқ ва ахлоқлироқ бўлишга мажбурламайди? Jonathan Porritt (Джонатан Поритт), Earth/Guardian, 22 Август, 2002

Фақат ҳокимиятгина барча соҳаларга кириб бораётган «салбий» субсидияларни бекор қилиши мумкин. Ушбу субсидиялар керагидан ортирок кўмир ва нефть қазиб олишга, ёш ўрмонларда ёғоч тайёрланishiiga, пестицидларнинг ишлатилишига ҳамда энергия ва маҳсулотлар ўз таннархидан арzonрокка сотилишига имкон бермоқда. Чикиндиларни қайта ишлаш билан шуғулланувчи кичик фирмалар қандай қилиб бунинг барчаси билан рақобат қилсин?

Шундай қилиб, Барқарор ривожланиш таълими ғояларига мос келувчи ва чиқиндилар муаммоси билан боғлиқ бўлган эко-ўқув тадбирларини ўтказиш учун қуидагиларни тавсия этиш мумкин.

Қуидагиларга ўхшаш концепцияларни тушуниш	Бу англатадики...
1) Ишлаб чиқарувчининг кенгайтирилган масъулияти	Биз чиқинди муаммосини мухокама қилганимизда нима учун бизнес энг аҳамиятли хисобланади?
2) «Бирламчи» ресурслардан фойдаланадиган саноат соҳаларига субсидияларни бекор қилиш орқали чиқиндилар муаммосини қандай ҳал қилиш мумкин? Молиявий рағбатлардан фойдаланиш; ишлаб чиқарувчиларни экологикроқ ва ахлоқлироқ бўлишга мажбур этиш.	«Ҳукумат нима килмоқда ва нима қилиши мумкин эди?» (биз, одатда, хозирги ўкувчилар — эртанги бошқарувчилар, деб айтамиз).
Маълумотга эга истеъмолчи танлови	«Чиқинди билан боғлиқ жатларимизни камайтириш мумкинми?»

Албатта, бундай ғояларни ҳаётга татбиқ этиш «келинглар, ҳаммамиз алюминий идишларни йигамиз» ёки «йогурт идишларидан фойдаланишнинг бир юз битта йўлини топамиз» ёхуд бундан ҳам ёмони, чиқинди қисмларидан «замонавий» кийим яратамиз, каби чакирикларга караганда анча қарама-қаршиликларга бой ва қийиндир. Машхур иқтисодчи Ж. Кейнс айтганидек, «бирорта ишни бажаришдан маъно бўлмаса, уни яхшироқ бажаришдан ҳам маъно йўқ».

Семинар учун вазифа

- 1) Экологик таълим соҳасида фаолият юритувчи кўлгина педагоглар «ишлаб чиқарувчининг кенгайтирилган масъулияти» ёки «нарх — маълумот берувчи хабар» каби концепцияларни яхши тушунишмайди. Педагогларни, сўнг ўқувчиларни бу концепциялар билан қандай қилиб яхшироқ танишириб чикиш мумкин?
- 2) «Гардиан» газетасидан юкорида келтирилган кўчирмани «Махбус муаммоси» машки билан боғлаш мумкин (128-бетга каранг). Баркарор ривожланиш шахсий характерга эга кичик қарорлар қабул килувчи алоҳида шахснинг амалий харакатидан кенгроқдир. Амалий ёндашув инсонларни экологик бўлмаган қарорлар қабул килишга олиб кела-ди. Бу ўринда жамият ва бизнес асосий роль ўйнайди. Сиз бунга кўшиласизми? Бу вазиятни «Махбус муаммоси» машки асосида ту-шунтириб беришга харакат қилинг.
- 3) Ҳамкасбингиз сиздан: «Нима, энди болаларни чиқиндиларга эъти-бор беришга ўргатиш, чиқиндини қайта ишлаш учун саралаш керак эмасми?» — деб сўрамоқда. Сиз нима деб жавоб берган бўлардингиз?
- 4) Муаллифлар маълумотларига кўра, нима учун на Буюк Британия-да, на Россияда ва на Ўзбекистонда экологик таълимни баркарор ривожланиш манфаатлари йўлида амалга ошираётган таълим муас-сасалари йўқ?

Бешинчи боб БАРҚАРОР РИВОЖЛА- НИШ ВА ТАЪЛИМГА ЁНДАШУВЛАР

Ўқитиш — бу икки марта ўқиши демакдир. Бирор нарсани бошқа инсонга тушунтириб бера олгандағина, биз шу нарсани түшүнәмиз, деб айта олишимиз мүмкін.

Дэвид Орр

Олдинги бобларда биз барқарор ривожланиш таълимнинг баъзи мухим масалаларини кўриб чиқишга ҳаракат қилдик. Биринчи навбатда, ўкувчиларга дунёдаги бекарорлик кўламини кўра олиш ва мавжуд муаммоларнинг сабабларини тушунишда ёрдам беришимиз лозим. Аммо, энг мухими, болаларга келажакка ишонч туғирадиган, ижобий ва, айни вақтда, реал ҳаётга мос келадиган истиқбол манзарасини таклиф эта олишимиз керак. Шунинг учун БРТ таркибиغا кўриб чиқилаётган муаммо кўламларига тўғри келадиган ечимлар киритилмоғи лозим. Ўкувчилар самарали ечимлар муаммонинг кўплаб оқибатларини эмас, балки унинг сабабларини йўқотишга қаратилган эканини тушуниб етишлари даркор. Кўпгина экологик муаммолар хозирги ижтимоий-иктисодий тизим туфайли пайдо бўлган экан, асосий эътибор айнан иқтисодиёт ҳамда табиат ва ижтимоий вазиятнинг боғлиқлигини ўрганишга қаратилиши зарур.

Шунга қарамай, юкорида санаб ўтилган масалалар таълим муассасаси фанлари ёки алоҳида ўкув курси таркибиға киритилса ҳам, бу БРТ мақсадларига бутунлай эришиш учун етарли бўлмайди. Мазмунидан (нимани ўргатиш?) ташқари, БРТ учун ўқитиш жараёнининг ўзи (кандай ўқитиш) ҳам мухимдир, аникрок айтадиган бўлсак, ўкувчилардаги ўзгаришлар катта аҳамиятга эга.

БРТ инсон онги ва хулқ-атворида ўзгаришлар юз беришига қаратилган. Психологларнинг фикрича, ҳар кандай шахсий ўзгаришлар шахснинг фаолият ва мулоқотга фаол жалб этилиши билангина амалга ошади.

БРТ мақсадлари шахсга қаратилғанлыги туфайли уни амалга оширишнинг ягона маъқул йўли интерфаол ёндашувдир.

Интерфаол усуллар (инглиз тилидан «interactive» — «ўзаро таъсир») деб, қўллаш вақтида таълим бериш жараёни мулокот жараёнига («ўзаро таъсир») айланишига, таълим олаётгандарнинг фаоллиги эса педагог фаоллигидан юкорирок бўлишига олиб келувчи усулларга айтилади.

Интерфаол усулларга танишиш, гурух ичидаги хамкорлик ва бирдамлик, аклий ҳужум, имитация, муҳокама ва баҳс-мунозара, ролли, дидактик ва имитацион ўйинлар каби турли хил психологик машқларни киритиш мумкин. Улар гурух ичida ўзаро таъсирга ва таълим масалаларини ҳал қилишда иштирокчининг мустақил бўлишига асосланади (*Д.Н.Кавтарадзе*).

Интерфаол усуллар ўзаро таъсир, иштирокчиларнинг фаоллиги, гурух тажрибасига суюниш, мажбурий қайтма алоқа тамойилларига асосланган.

Интерфаол усулларнинг бошқа усуллардан афзаллиги:

1. Шахсий тажриба асосида хиссий сезгининг ўзига хос томонларини идрок ва муҳокама қиласди, атроф-мухитни шахсий идрок этишини назорат қиласди.
2. Мулокот кўникмасини ривожлантиради, гурух тажрибаси мояхиятини англашга ёрдам беради.
3. Гурух ишида иштирок этиш ва гурухда ўзини назорат қилиш, гурух қабул килган коида ва қадриятларни ҳурмат қилиш, ўз фикрини асослаб бериш ва ўз нуктаи назарини ҳимоя қилишга ёрдам беради. Муаммони ҳал қилишда шахсий харакатларни келишишга кўмаклашади.
4. Тайёр билимлардан эмас, балки тўғридан-тўғри тажриба ёрдамида олинган билимлардан фойдаланишига ўргатади.

Баркарор ривожланиш табиатан келажакка қаратилғанлыги, кенг кўлламлилиги, маълум қарама-каршиликларга эга экани ва умумий йўлланмаларнинг йўқлиги педагогик ёндашувларни танлашда ҳам бизни ягона хулосага етаклайди. Тайёр, бир томонлама жавобларни лўнда тушунтиришига асосланган анъанавий дидактика ёрдамида баркарор ривожланиш ғояларини етказиб бериш самарасиз бўлади. Айни пайтда, тадқиқотчида интерфаол ёндашувлардан фойдаланиш, турли варианatlарни кўп томонлама кўриб чикиш, эътиборни кучайтириш ва бошқа инсон нуктаи назарига ҳурмат билан қараш каби кўникма-

5.1

БМТ Европа Иқтисодий

Комиссияси (ЕИК) нинг баркарор ривожланиш таълими стратегиясида таълимнинг роли ҳақида...

Ҳар бир инсоннинг таълим олиш ҳукуки — демократик жамиятда инсоннинг энг муҳим ҳукукларидан биридир ва айнан таълим баркарор ривожланишга эришиш омилларидан бири ҳамда қарор қабул қилишга ва демократияни ривожлантиришга асосланган са-марадор бошқарувнинг муҳим элементидир. Шундай қилиб, БРТ минтаканинг баркарор ривожланиши ҳакидаги тасаввурларимиз ҳакиқатга айланишида кўмаклашиши мумкин. БРТ шахсий фикрга эга бўлиш ҳамда алоҳида шахслар, гурухлар, ҳамжамиятлар, ташкилотлар ва мамлакатларнинг баркарор ривожланиш имкониятини берувчи салоҳиятини ривожлантироқда ҳамда мустаҳкамламоқда. У инсонларга дунёни ҳавфсизроқ, соғломроқ ва гўзалроқ қилиш имкониятини бериб, уларнинг дунёкараши ўзгаришига ҳам кўмаклашиши мумкин. Бу оркали, албатта, турмуш даражаси ҳам ўсади. БРТ таңқидий фикрлашни таъминлани ва ҳабардорликни оширишда, шунингдек имкониятларнинг кенгайтиришда кўмаклашиши мумкин.

... Баркарор жамият тараккиётини тажриба ортиб бориши билан тўғри жавоблар ва қарорлар ҳам ўзгариши мумкин бўлган узлуксиз таълим жараёни, муаммо ва дилем-маларнинг тадқики, деб тушуниш лозим. БРТ мақсадлари билимларни кенгайтиришида, маҳсус кўникмаларни ва интеллектни ривожлантириш, ҳаётий қарашларни ва қадриятларни шакллантириши ўз ичига олиши лозим.

(Давоми)

... БРТ ўзаро боғлиқ экологик, иктисодий ва ижтимоий муаммоларни ўз ичига олиб, кенг ва турли фикрларга бой концепция сифатида шаклланиб бормоқда. У тараккиёт масалаларига каратилган экологик таълим (ЭТ) концепциясини кенгайтирумокда. БРТ тараккиёт муаммолари бўйича таълимни ва унинг бошка элементларини ҳам қамраб олмокда. Шунинг учун экологик таълимни БРТга комплекс ёндашув асосида янада ривожлантириш ва тўлдириш лозим.

Баркарор ривожланишнинг асосий мавзуулари куйдагилардир: қашшоклик кўламини кискартириш, фукаролик, дунё, ахлок масалалари, махаллий ва глобал маънода жавобгарлик, демократия ва бошқарув, адолат, хавфсизлик, инсон хуқуклари, соғлиқни саклаш, жинслар тенг хуқуқлилиги, маданий ранг-баранглик, кишлек ва шахар ҳудудларини ривожлантириш, иктисодиёт, ишлаб чиқариш ва истеъмол тузилмалари, умумий масъулият, атроф-муҳит муҳофазаси, табиий заҳираларни бошқариш ва биологик ҳамда ландшафтлар хилма-хиллиги. Бундай турли мавзууларни БРТ доирасида кўриб чиқиши учун яхлит ёндашув талаб этилади.

... БРТ асосий эътиборни билимни таъминлашдан муаммони кўриб чиқиш ва мумкин бўлган ечимларни кидиришга кўчириши талаб этади. Шундай килиб, таълимда алоҳида фанларни ўқитиши каби анъанавий йўналишни саклаб қолиш ва айни вактда ҳар томонлама ҳамда турли фанлар нұктай на-заридан реал ҳаётий вазиятларни тахлил килишга имконият яратиб бериш керак. Бунинг барчаси ўкув дастурлари ва ўқитиши усулларига таъсир килиши ҳамда ўқитувчилардан етказиб берувчилик ва ўкувчилардан кабул килиб олувчилик ролларидан возкечишларини талаб қилиши мумкин. Бунинг ўрнига улар ҳамкорликда ишлашлари зарур бўлади.

ларни ривожлантиради ва, энг асосийси, масъулиятли қарорлар қабул қила оладиган танқидий фикрловчи инсонларни шакллантиради.

Турли мамлакатларнинг таълим амалиётида баркарор ривожланиш таълимини амалга оширишга турли ёндашувлар мавжудлигига қарамай, самарадор БРТ га эришиш йўлларини кўрсатиб берувчи бир неча «йўналишларни» ажратиб кўрсатиш мумкин. Улардан энг яқcoli — ҳам ўзгариб бораётган таълим парадигмасига — механик таълимдан инсонпарвар таълимга, ҳам ўзгариб бораётган дунёни англаш йўлларига — механик англашдан динамик англашга мос келувчи таълимнинг интерфаол услубидан фойдаланишdir. Сўнгги пайтларда таълимнинг энг машхур шиорларидан бири айнан «ўкувчи — бу тўлдирилиши керак бўлган идиш эмас...» қабилида экани бежиз эмас. Биз идишларни тўлдирмаймиз, ўкувчилар эса пассив билим олувчилар эмас, балки таълим жараёнининг фаол иштирокчилариdir.

Дарҳакикат, бирор нарсани қандай ўрганганимиз ва тушуниб етганимиз устида ўйласак, эҳтимол, шахсий кашфиётлар билан боғлиқ мулокот тажрибаси, унутилмас воеа, руҳий кечинмалар ёдимизга тушса керак. Ўқувчи синфда ўтириб, ўқитувчига тикилиб, берилган уй вазифасини эслаб, олдиндан тайёрланган жавобни бериш орқали ўрганмайди. У нима ўрганаётганини айтиши, уларни ўйлаб кўриб ёзиши, янги эгалланган билимни олдинги тажриба билан боғлаши ва билганини кундалик ҳаётда қўллаши лозим.

Аммо таълим ҳаракат жараёнида юз берадигани йўқ. Таълим дарс пайтида рефлексия¹, бўлиб ўтган ҳодисани англашга ҳаракат килиш, ўрганилганларнинг кундалик фикр ва ҳаётий одатларга айланиб бориши натижасида содир бўлмоқда. Ўқитишининг кўздан кечириш ва рефлексияни ўз ичига олувчи интерфаол усуллари ўкув материалини бундай ўзгартиришнинг яхши воситасидир.

Барча зарур компонентларни (тажрибани ўрганиш ва таҳлил килиш, рефлексия ва кўздан кечириш, кенгрөк назарий концепциялар билан боғлиқлик, янги вазиятда ўрганилганларни қўллашни) ўз ичига олувчи таълим жараёни таълим циклининг моделларидан бирида келтириб ўтилган. Бу модель хорижий ва мамлакат педагоглари учун Колбнинг «фаол ўқитиши цикли» сифатида яхши таниш.

Ахборотлаштириш даврида мактаб ягона билим манбай бўлмаганлиги сабабли, ўқитишининг аввалида мавжуд тажриба ва билимлар кўриб чиқилади. Самарали ўқитиши жараёнининг ҳар бир босқичи айнан шу билан бошланиб, шу билан якунланади. Болалар билан ишлаётганда мавжуд тажриба доирасида билим бериш етарли эмас. Ўқишга қизи-


¹ Рефлексия — ўрганилган маълумотларни қайта таҳлил килиш.

кишни уйғотиши учун, баъзан дарснинг ўзида болалар келажакда кўллай оладиган тажрибага эга бўлишига кўмаклашадиган маълум вазиятларни яратишга тўғри келади. Бу босқичда болаларга баъзи савол, тасвир ёки тасдиқларни мұхокама қилиш, фильмдан парча кўриб, у хақда фикр алмашиш, машклар бажаришни таклиф этиш мумкин.

Юкорида айтиб ўтилганидек, агар ўкувчи ўрганган билими ҳақида онгли тасаввурга эга бўлмаса, таълим жараёни амалга ошмайди. Шунинг учун ҳам кўздан кечириш ёки рефлексия циклнинг энг муҳим босқичи саналади. Бу босқичда ўкувчи машқ жараёни ва унинг натижаларини англаш, ўз туйғу ва таассуротларини таҳлил қилиш имкониятига эга бўлади.

Фактлар ва конунларни тушунтирувчи умумийроқ назария билан танишиш вақти ана шунда келади. Ўкувчи бунинг эвазига ўз тажрибасини кенгроқ манзарага «киритиши», ўзлаштирилган тушунча ва ўрганилган ходисаларга жой топиши мумкин.


Ўқитиши самарали бўлиши учун айни вақтда ўзида тушунишнинг янги дарражасига ўтишда биринчи поғона бўлган якунловчи босқич зарур. У бизни цикл бошига қайтаради. Бу олинган билим ва кўникмаларни янги таълим ёки иш вазиятларида бирон-бир вазифа ёки муаммони ҳал этиш учун кўллаш, демакдир.



Кўлланмада келтирилган кўпгина машклар ва семинарлар учун материаллар айнан шу ёндашувга асосланган. Бу ёндашув кишиларга ўз билим ва тушунчаларини ўzlари шакллантиришларига имкон беради.

Авалгиси билан боғлик бошқа бир модель ҳам ўкувчиларнинг маълум ҳажмдаги «дастлабки» билимларга эга эканлигига асосланган. Бу билимларни ривожлантиришдан ёки янги билим беришдан олдин

уларни ишга солиш керак. Қуйида көлтирилгән схема интерфаол машғұлттар ва ўқув материалларини ишлаб чиқишида жуда қүл келиши мүмкін.



Ўқувчиларни қўлланмалардаги матнлар кўчирмаси ёки маълумотли жадваллардан тортиб, шеърлар, қизикарли объект фотосуратлари, видеофильм, ўйинларгача бўлган бир қатор рағбатлар ёрдамида кизиктириш мүмкін. Ўқувчиларни кизиктира оладиган, уларни дарс давомидаги мухокамаларга жалб эта оладиган бирор нарса топиш керак. Сўнг ўқувчилар ўзларида мавжуд ғояларни ифода этишлари, уларни ўз нұқтаи назарларини тақдим этиш ва ҳимоялашга жалб этишлари, бунинг учун бошқа соҳалардаги билимлардан фойдаланишлари зарур бўлади. Ҳамма нарса рисоладагидек бўлса, иш ўқувчиларни ўрганишни давом эттиришга ва олинган билимларни янги вазиятларда қўллашга қизиктириш билан тугаши керак. Ушбу қўлланмада юкорида айтиб ўтилған ёндашувга асосланган машғулот көлтирилган.

Күп ўлчамли интеллект

Биринчи интеллектуал тестни яратган А.Бине бир пайтлар хазиллашиб бундай деганди: «Интеллект?... бу бор-йўғи менинг тестим баҳолайдиган нарса-ку!» (цитата Годфруа Ж. нинг «Психология нима» китобидан — М.: Мир, 1992). Таълимнинг асосий вазифаларидан бири ўқувчилар интеллектини анъанавий равишда ривожлантириш, деб хисобланиши борасида хеч ким баҳслашмаса керак. Шу билан бирга «интеллект» тушунчасининг ўзи психология ва педагогикада энг мунозарали тушунчалардан бириди.



1980 йилларда профессор Говард Гарднер ва Гарвард университетининг тадқиқотчилари жамоаси кўптомонлама интеллект деб номланувчи назарияни ишлаб чиқишиди. Бунинг сабаби интеллект факат мантикий қобилиятларга асосланган, деган анъанавий тушунча жуда чекланган эканлигини исботлаш эди. Гарднер тадқиқотлари шахснинг атроф-мухитга мослашиши (интеллектга айнан шу тарзда энг кент кўламили таъриф бериш мумкин) камидагитта бир-биридан алоҳида омил — қобилиятлар билан аникланишини кўрсатди.

Бу қобилияtlар қўйидағича номланган:

- вербал-лингвистик интеллект («сўзамоллар»)
- мантикий-математик интеллект («мантиқчилар»)
- тасаввур-макон интеллекти («тасаввурчилар»)
- тана-кинестик интеллекти («актёрлар»)
- мусикий-ритмик интеллект («музиқачилар»)
- шахсларо интеллект («нотиклар»)
- шахс ички интеллекти («мутафаккирлар»)

Шу билан бирга яна бир интеллект тури — табиий (натуралистик) интеллект (nature smart) — таклиф этилганди, лекин у «кўптомонлама интеллектнинг тўлақонли аъзоси эмас ва янада тадқиқ қилишни талаб этади»¹.

Гарднер таъкидлашича, мавжуд таълим ва маданият лингвистик ҳамда мантикий-математик қобилиятларга кўпроқ эътибор қаратар экан. Биз яхши гапира оладиган ё санай оладиган, ёки факт ва тушунчалардан яхши фойдалана оладиган инсонларни ақлли инсонлар, деб хисоблаймиз. Агар инсон интеллекти факат бу қобилиятлар билан чекланмаслигини хисобга олсан, бошка турдаги истеъодд эгаларига, мисол учун рассом, архитектор, мусиқачи, табиатшунос, дизайнер, рақкос, терапевт, тадбиркорга, яъни биз яшаётган дунёни бойитувчиларнинг барчасига худди шундай эътибор қартишимиз зарур.

Афсуски, бундай қобилиятларга эга барча болалар ҳам таълим муассасаларида ўз қобилиятларини ривожлантириш имкониятига эга эмаслар. Бу болаларнинг кўпчилиги ҳатто «қобилиятсиз», «педагогик келажаксиз» каби ёрликларни олишади ёки уларни оддийгина қилиб, «орқада колувчилар», деб аташади. Бунга сабаб, одатда, лингвистик ва мантикий-математик қобилиятларга йўналтирилган таълим муассасаларида бу болаларнинг ўзига хос фикрлаши ва нарсаларни тушуниши кўллаб-куватланмаслигидир. Кўп

¹ Алдер Г. Техника развития интеллекта. — СПб.: Питер, 2001.

5.2

Нима учун дарслар таҳлилидан фойдаланилади?

С.В.Алексеев маълумотларига кўра, ўқитувчилар билиминг эскириш муддати 2,5-4 йилни ташкил этади (Алексеев С.В., Смирнова Е.Э. *Школьное экологическое образование: реальность и перспективы*. СПб.:Крисмас+, 1997). Эҳтимол, бу фан доисидаги билимларгагина эмас, балки ўқитувчининг умумий билимларига ҳам тегишилдир. Бош миянинг ишлаши, ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, билим, кўнкима, қадриятларни ўрганишда у ёки бу омиллар хакида ҳар йили янги маълумотлар пайдо бўлмоқда. Бу маълумотлар, шубҳасиз, ҳар бир педагогнинг иш фаолияти билан боғлик ва ўқитиш амалиётини ўзgartиришга (баъзи холларда хатто тубдан кайта куришга) асос бўла олади. Ҳар бир педагог бу маълумотларнинг бир кисминигина олади ва бир нечта янги усуллардан фойдаланади. Ҳамкаслар дарсларини таҳлил қилиш бу усулларнинг кенг тарқалишига ва ўз ишини тандидий баҳолашта хизмат қиласди.

<http://www.ericfacility.net/ericdigestes/ed355205.html> ва
<http://www.goshen.edu/soan/soan96.htm>
материалларига кўра.

киррали интеллект назарияси таълим муассасаларидаги ўқитишига ёндашувларни анча замонавийлаштиришни таклиф этади. Педагоглар ўз дарсларида маълумот етказиб беришнинг турли усулларидан ва таълим услубларидан (муsicадан, ҳамкорликда таълим бериш, тасвирий санъат услублари, ролли йўйинлар, мультимедиа технологиялари ва бошқалардан) фойдаланишни ўрганишлари керак.

Педагоглар янги ўкув материалларининг истеъмолчиларигина бўлмай, уларни ишлаб чиқиша ва мослаштиришда иштирок этишлари мумкин ва шарт. Бундай карашга мос ғоялардан бири **амалиёт таҳлили**.

Амалиёт таҳлили — оддий ғоянинг «ақлли» номи: «келинглар, таълим муассасасида нима содир бўлаётганига назар ташлаймиз ва вазияти яхшилаш учун нима қилиш кераклигини аниқлаймиз».

Амалиёт таҳлили, шубҳасиз, фойдали усул, аммо педагогик амалиётида талабалар ишларини баҳолашда ҳамда педагогларни аттестациядан ўтказишида кўп ва, одатда, расмий равишда ишлатилганлиги сабабли бу термин кўпчиликда кўркув уйғотади. Баъзи таълим муассасалари малака оширишда ёки ўқитиш жараёнини ривожлантиришда ва янгилашда дарслар таҳлили марказий элемент бўлган бутун бошли меъёрлар тизимини ишлаб чиқадилар.

Дарслар таҳлили расмий «баҳолаш» воситасига айланмаслиги мухимdir, педагогларга берилган қайтма алоқа эса конструктив бўлмори ва педагогларни ўзгаришларга чорламоғи лозим. У ҳолда бундай фаолият уларнинг ўзлари ва ўқувчилар шикоят қиласидан фанларнинг бир-биридан узоқлашишини камайтириш имкониятини беради ва педагоглар жамоасини бирлаштиришга ҳамда фаолиятнинг умумий фалсафаси ва услубини ривожлантиришга кўмаклашади.

Шундай қилиб, энди семинар-тренингда педагоглар малакасини оширишга қаратилган умумий ёндашувни шакллантира оламиз:

а) у биологик, геофизик ва ижтимоий жараёнларнинг яхлитлигини замонавий тушунишга асосланган: динамик, ўзаро алоқадор тизимлар таҳлилига алоҳида урғу берилади; асосий эътибор объектларнинг ўзига эмас, балки алоқаларга, аналитик эмас, синтетик тушунишга қаратилади;

б) конструктив ўзгаришларга эришиш учун ўқувчиларга тақдим этилаётган фаолият турларини бирлаштириш, ўқитишга интерфаол ёндашувдан фойдаланиш талаб этилади;

в) муайян ўкув юрти шароитларига жуда мос келадиган фаолият тарзини танлаш учун ўз тажриба ва амалиётини доимий таҳлил қилиб бориш зарур бўлади.

Дунёни унинг барча мураккаб боғлиқликлари билан яхлит, ўзгарувчан холда қабул қилишга қаратилган баркарор ривожланиш таълимини ҳаётга татбиқ этиш учун, биринчи навбатда, педагогларнинг карашларини ўзгаришиш талаб этилади. Педагоглар томонидан билим қадрининг хато тасаввур этилиши ўқувчиларда танқидий фикрлашни ривожлантириш имкониятларини, уларнинг маълумотни танлаш, таҳлил қилиш ва ундан фойдаланиш қобилиятларини чеклайди. Шунинг учун ҳам таълимнинг афзалликлари ва мақсадлари ҳақида педагогларда мавжуд бўлган ақидаларни ўзгаришишга бор кучимизни беришимиз лозим. «Биз нима учун ўқитамиз, менинг дарсларим натижасида ўкувчи онгида ва хулқ-авторида қандай ўзгаришлар юз беради?», яна: «Дунёни яхши томонга ўзгаришиш учун ўқувчилар билан айнан қайси масалаларни қай тарзда мухокама қилиш **ҲАЁТИЙ МУҲИМДИР?**», — деган саволларга ўзимиз жавоб беришимиз зарур.

Олтинчи боб БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ТАЪЛИМИ БЎЙИЧА ТРЕНИНГ ЎТКАЗИШ УСУЛЛАРИ

БРТ, эҳтимол, таълимнинг энг долзарб йўналишидир. Унинг ҳаётга татбиқ этилиши бир қатор омилларга боғлик бўлиб, энг асосийларидан бири кадрлар тайёрлашдир. Шунинг учун бўлажак педагогларни тегишлича тайёрлаш ва ишлаётганларнинг малакасини ошириш мухимдир. Кузатишларга кўра, педагогика олий ўкув юртлари учун БРТ характерлидир. Тўрт йил ўтгач, мактабга Рио ва Йоханнесбург кенгашлари, барқарор ривожланиш кўрсаткичлари ҳакида маълумот берадиган (агар ўкув режасида бунга жой топилса) мутахассис келади. Бундан ташқари, «барқарор ривожланиши» ибораси қизиқ маъно ортиди: БРТ ҳақидаги қўлланмаларда «таълим тизимларининг барқарор ривожланиши», «экологик таълимнинг барқарор тараққиёти», «шахснинг барқарор ривожланиши» каби иборалар учрайди. Ҳаттоқи, эртадан бошлаб педагогика олий ўкув юртларидан БРТни таълим муассасаларида ўкув жараёнига татбиқ этиш йўлларини аниқ тасаввур этадиган ва керакли ўкув воситаларига эга бўлган талабалар этишиб чиқишини бошласа ҳам, бу етарли бўлмайди. Бу мутахассислар педагоглар жамоасининг катта қисмини ташкил этиши учун бир неча ўн йиллар керак бўлади. Шунинг учун ҳам ихтисослашган институтларда, семинарларда ёки педагог кенгашларида ўқитувчилар малакасини ошириш тизими ўта мухим аҳамият касб этмоқда.

Кишилар янги ғояларга одатдаги кўринишида етиб келади ва бу янги ғоялар эскиларининг қандайдир кўриниши ёки давоми бўлади, деб ўйлашга мойилдирлар («Э, шундай демайсизми: бу экологик таълимку!», «Бу «Фуқаролик таълими» номи билан анчадан бери мавжуд»,

«Педагогика фанлари академияси бу ҳақда 1961 йилда ёзган эди»). Семинар қатнашчилари ҳам дам олишни (олдинда ўтирган киши орқасига яшириниб китоб ўқиш, бошқа ҳамкасби билан гаплашиб олишни) хоҳлашади. Буларнинг бари БРТ бўйича семинарни тайёрлаш ва ўтказишга катта эътибор билан қарашни талаб этади.

Анъанавий кўринишда семинарнинг мазмуни тахминан шундай бўлиши мумкин:

- саноат инқилобидан бошлаб атроф-мухит ҳолати кескин ёмонлашатганини исботловчи баъзи маълумотлар;
- Рио-де-Жанейро конференциясигача бўлган воқеаларни гапириб бериш;
- тингловчиларни «барқарор ривожланиш» тушунчасининг бир неча таърифи билан таништириш (зерикишни бошлаётганларни адабиётларда юзлаб таърифлар борлигини айтиб, хотиржам килиш);
- барқарор тараққиётга эришиш харакатларининг асосий йўналишлари билан таништириш;
- юкорида таъкидлаб ўтилган ишда муваффақиятга эришиш учун янги курсни жорий этиш ёки барча фанларни экология бўйича маълумотлар билан бойитиш орқали БРТ зарурлиги ҳакида хуласа чиқариш;
- фаол педагог ва ўкувчиларнинг атроф-мухитни муҳофазалаш ва ҳолатини яхшилашга кўшган ҳиссалари ҳакида ижобий мисолларни келтириш.

Худди шундай кетма-кетликни экологик таълим бўйича семинарда ҳам кўллаш мумкин, факат «барқарор ривожланиш» терминини «экология» термини билан алмаштириш лозим.

Одатда БРТ бўйича семинарлар шундай ўтказилади ва ўкув муассасаларининг молиявий, ташкилий ҳамда бошқа захиралари айнан уларга йўналтирилади.

Бундай кўринишдаги амалиёт педагогда БРТ ҳакидаги тушунчани маълум даражада аник шакллантиришига ва уни ҳаётга татбиқ этишга рағбатлантиришига унча ишонч йўқлигини айтишни истардик.

БРТ соҳасида педагоглар малакасини оширишнинг бирмунча самарали усули семинар-тренингdir. Таълимнинг бу шакли яхши натижа беришини бизнес соҳасидаги ходимларнинг айнан шу шаклда ўқити-

лиши мисолида кўриш мумкин. Таълимга сарфланган маблағ самара-дорлигини бизнесмендан бўлак ким ҳам баҳолай олади! Қўйидаги-ларни семинар-тренинглар афзалликларига киритиш мумкин:

- таълимнинг фаол усулларидан фойдаланилади;
- иштирокчиларнинг жалб этилганлик даражаси ва ақлий фаолли-ги оширилади;
- ҳар бир иштирокчининг шахсий тажрибасидан максимал равишда фойдаланилади;
- ижтимоий моделлаштириш қўлланилади, яъни қундалик хаётда ва таълим жараёнида юзага келиши мумкин бўлган вазиятлар ўйин қилиб кўрилади;
- семинар-тренинг иштирокчилари таклиф этилаётган иш услубла-рини шу йўсинда ўзларида синааб қўрадилар;
- ҳамкорлик мухити яратилади ва ҳар бир инсоннинг фикри хурмат килинади, қарор қабул қилиш эркинлиги берилади.

Семинар-тренингларнинг яна бир муҳим афзаллиги — уларни мала-ка оширишнинг бошқа шакллари билан, масалан, маъruzалар билан бирга олиб бориш мумкин.

Қайси бири яхшироқ?

Ушбу бобда келтирилган БРТ бўйича семинар-тренинг муаллифлар-нинг кўп йиллик тажрибасига асосланган. Ушбу ёндашув БРТни амал-да тўликроқ ва яхшироқ тасаввур қилиш ҳамда баркарор ривожла-ниш ғоясини тушунтириш учун етарлича имкониятларга эга. Албат-та, бу ёндашув кўпдан-кўп вариантларнинг бири. Шуни таъкидлаш зарурки, БРТ бўйича ҳар қандай семинар кўриниши мураккаб кели-шувлар натижасидир. Идеал тасаввурларни ҳақиқий шароит билан, педагоглар билишлари керак бўлган ғоя ва ёндашувларни уларни ўрганиш учун мавжуд бўлган вактлари билан; БРТни муайян таълим муассасаси учун устувор бўлган бошқа фаолият йўналишлари билан қиёслашга тўғри келади.

Иштирокчилар ўзаро мулоқотда бўлиши, ўз нуктаи назарларини ҳимоя қилиши, янги ғояларни таклиф этиши зарур бўлган семинар-тренинг-ларда шунга мос мухитни яратиш лозим. Семинарни олиб борувчи,

худди маърузачи каби, ягона билим манбай эмас. Унинг вазифаси иштирокчиларга маълумот, материал, машқларни бериш ва натижалар муҳокамасини бошқаришдир. Албатта, бунинг учун семинарни олиб борувчи ўкув материалларини жуда яхши билиши ва иштирокчиларни қандай хуласаларга олиб келмоқчи эканлигини аниқ тасаввур этиши лозим. Семинар-тренингни ўтказиш учун шахсий ўсиш тренингларида, бизнес-тренингларда ва бошқаларда анчадан бери кўлланиб келинаётган кўпгина усуллар мавжуд. БРТ соҳасида педагоглар малакасини оширишда бу ёндашувларни кўлланиш тажрибаси ва тренинг ўтказиш услуби «Барқарор ривожланиш таълими» кўлланмасида ёритилган, шунинг учун бу кўлланмада биз мазкур масаланинг мазмун жиҳатига эътибор қаратамиз.

БРТ бўйича семинарда муҳокама этилиши лозим бўлган учта асосий жиҳат бор:

- дастур (*Биз нимани ўргатамиз?*);
- ўқитиш усуллари ва услублари (*Биз қандай қилиб ўргатамиз?*);
- кенгроқ кўлам: таълим муассасаларининг ижтимоий ҳамкорлиги, бу муассасалар ташкилот сифатида ва бошқалар. (*Бу қандай қилиб жамиятнинг бошқа соҳалари билан мослашади?*)

Бир кунлик ва, ҳатто, кўп кунлик семинар ҳам, малака ошириш институти ёки университетдаги маъруза курслари каби, масаланинг барча жиҳатларини кенг ёритиб бера олмайди. Шу сабабли семинарга тайёргарлик босқичида ўкув материалини танлашга алоҳида эътибор бериш зарур. Шунинг учун ҳам семинар якунида иштирокчилар нимани ўрганиб, нимани олиб кетишини аниқлаб олиш мухимдир. Масалан, улар бир катор асосий фикрларни билиб олишлари мумкин:

- Дунё тез ўзгариб бормоқда.
- Инсониятга барқарор ривожланиш зарур.
- БРТ таълим муассасаларини «барқарорлик»ка яқинлаштириш билан бир каторда, таълим сифатини ҳам ошириш имкониятини беради.
- БРТни татбиқ этишни таълим муассасаси ҳаётининг исталган қисмидан, масалан, битта дарсдан бошлаш мумкин.
- Экологик клублар ва амалий тадбирлар бундан буён устувор йўналишлар деб ҳисобланиши мумкин эмас — асосий максадлар БРТни ҳар бир фанга ва таълим муассасаси ҳаётининг барча қисмига интеграция қилишдир.

- БРТ соҳасидаги таълим муассасаси сиёсати тамойилларини таърифлаш уларнинг таълим муассасаси ҳаётидаги ўрнини тажрибадан ўтказиш ва баҳолашдан сўнггина амалга оширилиши мумкин.

Семинарнинг қўйида келтириб ўтилган «стандарт» дастури ўқитувчиларда ўз маҳоратларини ривожлантиришга ва БРТ ғояларини ўз фаолиятларига татбиқ этишга қизиқиши уйғонган, деган тахминга асосланган. Семинар иштирокчиларга барқарор ривожланиш муаммоларини ҳамда БРТ муаммоларини тасаввур этиш имконини берувчи бир қанча машғулотлар туркуми асосида ўтказилади. Мухими, машғулотлар интерфаол табиатга эга, яъни иштирокчиларни ўз фикрларини мухокама этиш ва уларга аниқлик киритишга жалб этади. Бундан ташқари, машғулотлар БРТни синфда қандай амалга ошириш мумкинлигини кўрсатувчи мисолдир. Семинарларнинг доимий ўтказилиши таълим муассасасида БРТ шаклланиши ва ривожланишида мухим роль ўйнайди. Бундай семинарлар бутун жамоа маъкуллайдиган иш режасини шакллантиришда, уни амалга оширишнинг энг яхши йўлларини топишда ва эришилган натижаларни баҳолашда ёрдам беради.

Педагогларни БРТ билан таништиришнинг асосий усули бўлган семинар-тренинглар тизими камчиликлардан холи эмас, лекин у баркарор ривожланишнинг «ёпиқ цикллар» ва «динамик тизимлар» каби ғояларига ҳамда таълим жаёни психологияси тўғрисидаги янги тасаввурларга бошқа усуллардан кўра кўпроқ мос келади. Таълим шахснинг хусусиятлари билан бир қаторда, уни ўраб турган табиий ва ижтимоий мухитга ҳам боғлиқ эканлигини яна бир бор эсга олиш даркор. Бинобарин, таклиф этилаётган ёндашув бошқа ёндашувга — таълим муассасаси ва у фаолият кўрсатадиган жамият ҳамда жамоа хусусиятларини эътиборга олмай, БРТ ни амалга ошириш учун барча таълим муассасалари нима қилиши кераклигини белгиловчи умумий ҳужжатлар қабул қилинишига қарама-қаршидир.

Барқарор ривожланиш таълими бўйича бир кунлик семинарнинг тахминий дастури

Семинар режаси қуидаги саволлардан иборат бўлиши мумкин:

1. Келажагимиз қандай бўлади?
2. «Атроф-мухит» нима? (атроф-мухитнинг ижтимоий, табиий ва иқтисодий жиҳатлари)
3. Табиат, иқтисодиёт ва жамиятнинг қандай мутаносиблигига эришиш керак?
4. «Барқарор ривожланиш» нимани англатади?
5. БРТ қандай бўлиши керак? (мазмун, ёндашувлар, услублар)
6. БРТда ҳар бир ўқув предмети қандай роль ўйнаши мумкин?
7. БРТни амалга оширишда юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликларни қандай енгиш мумкин?

Албатта, ушбу саволларнинг ҳар бири бир неча кунлаб мухокама қилишга арзигулиkdir. Шу билан бирга иштирокчилар бир кунлик семинарда катта ҳажмдаги ахборотни олишга ва мулоҳаза қилишга тайёр, дейиш қийин. Шунинг учун биз педагогларни БРТ ғоялари билан таништиришнинг аста-секин ривожланувчи тамойилидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз, яъни дастлабки босқичда уларни бир нечта асосий ғоялар билан таништириш мумкин; сўнгра иштирокчилар масалани тушунишни мустакил ва кейинги семинарларда чукурлаштириб борадилар.

Бу саволларни мухокама қилишга бағишлиланган семинар бир нечта машқдан иборат бўлиши мумкин.

1-сессия Барқарор ривожланиш

1. Келажагимиз қандай бўлади?

«Келажагимиз қандай бўлади?»¹ машқи («Барқарор ривожланиш таълими», 39-бет).

Келажак қандай бўлиши хақидаги яна бир машқ ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан тайёрланган ўзбек тилидаги

¹ Семинар ўтказиш учун таклиф этилаётган машқни Интернетда ОСЭКО сайтида рус тилида топиши мумкин (www.oseko.spb.ru)

«Барқарор келажак учун таълим» ўкув маърифий дастурида келтирилган «Эҳтимол тутилган келажак» ва «Хоҳланаётган келажак» машкидир. Бу машқлар бажарилгач чиқарилган хulosалар кейинги мунозаралар учун асос бўлади: биз келажакни қандай тасаввур қиласиз, келажак қандай бўлиши мумкин, барча ёркян келажакка эришиши учун ўқитувчилар нима қилишлари зарур.

2. «Атроф-муҳит» нима?

«Атроф-муҳитга бизнинг қарашимиз» машқи («XXI аср Кун тартиби: семинарлар ўтказиш учун материаллар», 16-бет). Иштирокчилар «атроф-муҳит» ва «табиат» тушунчалари бир хил маънони англатмаслиги ҳакида хulosага келиши машқнинг асосий натижасидир. «Атроф-муҳит» тушунчаси ижтимоий ва иқтисодий жиҳатларни ҳам ўз ичиға олади.

3. Табиат, иқтисодиёт ва жамиятнинг қандай ўзаро уйгунилигига эришиш керак?

З-бобда келтирилган «Жамият, иқтисодиёт ва табиатнинг ўзаро муносабати» машқи.


4. «Барқарор ривожланиши» нима?

«Мен шу қишлоқда яшаб қоламанми?» машқи («Барқарор ривожланиш таълими», 48-бет). Бу машқ иштирокчиларнинг барқарор ривожланиш ҳақидаги олдинги машқда олган тасаввурларини кенгайтиради. Вакт етишмаса, бу машқни ўтказиб юборса ҳам бўлади. Машқни бажаргандан сўнг шу боб охирида келтирилган тарқатма материалларни (барқарор ривожланишга икки хил қарашни) муҳокама қилиш мумкин.

Агар семинар иштирокчилари барқарор ривожланиш ўялари билан умуман таниш бўлишса, унда уларга кўргазмали материалларнинг тахлили орқали барқарорлик ва бекарорликнинг турли жиҳатларини муҳокама этишни таклиф қилиш мумкин. Бундай рағбатлантирувчи материаллар сифатида шу сессия охирида келтирилган суратлардан ёки бошқалардан (фотосурат, маълумот, шеър ва мусиқа, ахборот технологияларидан) фойдаланиш мумкин. Бу келтирилган материаллар барқарор ривожланишнинг бирон-бир муаммосини акс эттиради ва бу муаммоларга муносабатини шакллантиришларида иштирокчиларга ёрдам беради.

Муҳокама вактида оддий саволлардан фойдаланинг: «Бу тасвирининг барқарор ривожланишга қандай алоқаси бор?», «Бу бизга келажакда керак бўладими?», «Агар бу ҳамма жойда таркалса, дунё қандай кўришишга эга бўлишини тасаввур қиласизик?».

6.1. Барқарор ривожланиш ҳақида икки қарама-қарши нұқтаи назар



Мұхомама учун манба

A нұқтаи назар

- Биз қабул қиласынан «дүнёқараш» барқарор ривожланишни қандай тушунишимизни белгилайди. Шу пайтгача көңг тарқалған устун дүнёқараш инсон Сайёранинг бошқарувчиси тәксимовчиси деган фикрdir. Экотизимларнинг фаолият юритиш тамойилларини тушуниш эса редукционизми (чегараланғанлиги) ва механистик-лиги билан ажralиб туради.
- Стандарт истиқбол: экологик ва ижтимоий статистик маълумоттар салбий йўналишларни кўрсатишига қарамай (БМТ ва Дунё ресурслари институти маълумотларига қаранг), бозор муносабатлари, савдо ва иқтисодий ўсишнинг ҳар нарсага кодирлигига ишонч камаймаяпти. Демак, ечим қўйидагича бўлади: «ҳамма нарсани аввалгидек, фақат экологикроқ бажарамиз».
- Барқарор ривожланишга ўтиш: иқтисодий ўсишни атроф-мухит муҳофазаси ва ижтимоий тараққиёт билан уйғуналаштириш, яъни иқтисодий ўсиш даркор.
- Методология: асосий эътибор экологик самарадорликка (яъни бир маҳсулот бирлиги ишлаб чиқариш учун иложи борича камроқ материаллар ва энергия сарфлаш) ва чиқиндиларни энг тўғри бошқаришга (яъни, чиқиндиларни иккиламчи қайта ишлаш ва х.к.) қаратилади. Асосан техник ечимларга ва қисман конунчиликка асосланади. Ижтимоий тараққиёт ўз-ўзидан амалга ошади, деб таҳмин қилинади, яъни иқтисодиёт яхшиланиб боргани сари камбағалларнинг аҳволи ҳам яхшиланиб боради. Бозорларнинг глобаллашуви маъқулланади ва қўллаб-кувватланади. Солиқлар орқали назорат қилишдан маълум даражада фойдаланиш мумкин, деб хисобланади.
- Жозибадор жиҳатлар: яқин келажакда ёқилғи элементлари, куёш батареялари ва қайта тикланадиган бошқа энергия манбаларидан фойдаланиш атмосферага чиқариладиган чиқиндилар микдорини кескин камайтиришга имкон беради. Глобал битимлар қўллаб-кувватланади (масалан, хлорфтоглеводородлардан фойдаланишни чеклаш, карбонат ангидридни атмосферага чиқариш квоталари савдосининг бошланиши).

Асосий сўзлар:

техноцентрик, муросали, марказлашган

Асосий қўлланмалар:

«Естественный Капитализм» (Поль Хокен, Эймори Ловинс, Хантер Ловинс) ва «Фактор «Четыре» (Эймори Ловинс)



Асосий сүзлар:

Экомарказлашув, тизимлилік, радиализм, марказлашувдан холи килиш.


Асосий құлланмалар:

«Planet Dialectics» (Sachs, 1999) «За пределами роста» (Д. Медоуз и др., 1994)

- Таълимнинг роли: таълим дастурларида шахсий масъулият ва маҳаллий даражадаги, асосан чиқиндиларни қайта ишлап, энергияни тежаш ва «ифлосланиш»ларни камайтириш борасидаги харакатларга катта эътибор қаратилади. Мұқобил сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ёндашувларга жуда кам эътибор берилади. Таълим муассасаларида таълимни ташкил қилишнинг ҳозир мавжуд шакли самарадорлиги шубха остига олинмайды, бирок ўқитиш услубларини ўзgartириш маъқулланади.

Б нұктай назар

- Сүнгги пайтларда ривожланаётган дунёкараш инсоният мұраккаброқ тизим — биосфера («әкосфера»)нинг бир қисми, лекин асло уни «бошқарувчи» эмас, деган фикрга асосланади. Биосферани бошқариш учун қилинған ҳаракатлар турли хавф-хатарға сабаб бўлиши мумкин. Демак, эҳтиёткорлик тамойилларига риоя қилиш лозим, биосферага аралашув чегараларини тушуниш ва иқтисодий ўсишни чеклаш мухим. Дунёнинг тузилишига қарашга тизимлилік, яхлитлик (холизм), динамизм хосдир. Инсонлар табиатга қарши эмас, у билан биргаликда ҳаракат килишлари лозим.
- Истикбол: экологик маълумотларнинг таҳлили кўплаб муаммолар пайдо бўлаётганини кўрсатмоқда (Дунё ресурслари институти маълумотларига қаранг). Таракқиётта ва унга эришиш йўлларига қарашларимизни қайта кўриб чиқиш лозим. «Кўпроқ» дегани доим ҳам «яхшироқ» дегани эмас. Таракқиётнинг устувор йўналишлари глобал вазифаларга эмас, балки маҳаллий вазифаларга қартилган бўлиши кераклигини тушуниш ҳам ортиб бормоқда.
- Барқарор ривожланишга ўтиш: барқарор биосфера ва кафолатланган ижтимоий адолат мулоҳазасиз иқтисодий ўсишдан кўра афзалроқдир. Иқтисодиёт ижтимоий ва экологик эҳтиёжларни қондиради, лекин аксинча бўлмайди. Бошқача шароитда барқарорликка эришиб бўлмайди.
- Методология: экосамарадорликнинг мухимлиги ҳақидаги ғоя шубха остига олинмайды, лекин, шу билан бирга, марказлашмаган ва турли-туман демократик институтларни ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилади. Турмуш даражаси иқтисодий ўсишдан афзалроқдир. Таракқиёт кўрсаткичларини қайта кўриб чиқиш ва кенгайтириш лозим. Глобал эмас, маҳаллий ечимлар устуворлигига



эътиборни қартиш зарур. Энергия ва хом ашё, маҳсулотлар ва хизматлар нархи уларнинг ҳақиқий экологик ва ижтимоий қийматини акс эттириши лозим. Соликқа тортиш тизимида асосий эътибор фукароларга эмас, балки материаллар, хом ашё, чиқиндилар ва энергияга қаратилиши зарур.

- Жозибадор ҳолатлар: бундай фикрлашнинг таъсири тобора кенгайиб бормоқда (мураккаб тизимлар ва тартибсизлик амал киладиган соҳадаги янги илмий маълумотлар тизимли фикрлашга тобора кўпроқ чорламоқда). Кўплаб фойдали янгиликлар хозирнинг ўзидаёқ амалга оширилмоқда. Булар: экологик манзиллар, башарий салоҳиятнинг ривожланиш кўрсаткичидан ва ҳақиқий тарақкиёт кўрсаткичидан фойдаланиш, Махаллий XXI аср Кун тартиби соҳасидаги олға силжишлар ва х.к.
- Таълимнинг роли: ҳозирги аҳволни ва истиқболдаги имкониятларни танқидий таҳлил қилишда ўқувчиларга ёрдамлашиш. Шахсий хатти-харакатларнинг аҳамияти катталигини, бироқ уларнинг чегараланганлигини мухокама қилиш мүҳим. Тизимли ўзгаришлар қилиш даркор. Мавжуд таълим методологиясининг самардорлиги танқидий англанади, барқарор ривожланиш мақсадларига мосроқ янги методология изланмоқда.



6.2. Барқарор ривожланиш таълими: мұхокама учун фикрлар

- БРТ экологик таълимдан ёки табиий-илмий таълимдан көнгрек.
- БРТ ижтимоий ва иқтисодий мұаммолосынг катта қисмини үз ичига олади.
- Үқувчиларға «Табиат» қандай фаолият күрсатиши ва уни қандай мұхофаза қилиш мүмкінлиги ҳақида маълумот беруви үз таълим билан БРТ үртасида умумийлик жуда кам.
- БРТ фукароларни фаол иштирок этишга ўргатгани сабабли, у, одатда, үзаро муносабатларга асосланған усуллар билан амалга оширилади (асосий сұздар: «фаол таълим», «қичик гурухларда ишлеш», «тадқиқий ёндашув», «демократик мактаб»).
- Күпгина педагоглар, мұайян сабабларга күра, фаол усуллардан фойдаланмайдилар, баъзилари эса бунга батамом қаршидиirlар. Бу эса БРТ ғояларини оммага етказишни янада қийинлаштиради.
- Күп педагоглар БРТни үз фаолиятларида қандай амалга ошириш мүмкінлигінде қызықадилар. Қуйида БРТта үз ҳиссаларини қүшишда уларға ёрдам беруви баъзи асосий масалалар таклиф этилган.

Жамият. Экология. Иқтисодиёт

Үзингиз үқитадиган фан ва үқув предметида БРТта жой топишининг унча кескин бўлмаган бошқа варианти...

Ресурслардан фойдаланиш ҳақидаги ҳар қандай мұхокама экологик ва иқтисодий масалаларни мұқаррар үз ичига олади. Агар у ижтимоий мұаммолар билан қўшилиб келса, бундай мұхокама барқарор ривожланиш таълимига үз ҳиссасини қўшади.

Барқарор ривожланиш масалалари бўйича мұхокама: ташкилотчи учун эслатма

Экологик чегаралар

Мұхокама мазмунни

Етарлилик • Адолат • Самарадорлик

Мұхокама йўналиши

Жамият • Экология • Иқтисодиёт

Мұхокама мавзуларининг мувозанати

6.3. Экологик таълимга мавжуд ёндашув ва БРТ



Салбийликка асосланган — *Сайёра хавф остида...*

Ахлоққа чақирувчи — *альтруист бўлинг (ўз манфаатларингиздан кечинг)да, Сайёрани қутқаринг...*

Шахсий харакатларга
асосланган — *ҳа, айнан Сиз бирор иш қилинг!*

Барқарор ривожланиш = *чекланганлик, кам имкониятлар ва тақводор кишиларнинг файзсиз олами, Пол Хокен иборасига кўра, «абадий дуккакли диета».*
«Раҳмат, кераги йўқ» — дейди кўпчилик.

БРТга конструктив ёндашув қуидагича изоҳланиши мумкин:

Ҳаққоний — *«келинг, нима қила олишимизни кўриб чиқайлик»* — ҳаётий мисоллар.

Амалий — *«Жамият ва иқтисодиётни қандай қилиб қайта ташкил этиш мумкин?», «Бундан мен нима манфаат кўраман?»* (факатгина алтруизмга асосланмаслиги керак).

Тизимли — *«Ўзгаришлар фақат менга эмас, барчамизга тегишли бўлиши керак», — маҳаллий ҳамжамиятга, давлат сиёсатига, бизнес фаолиятига, бозор муносабатларига.*

Барқарор ривожланиш = *юкори ва ўсиб борувчи турмуш сифатига олиб борувчи янги имкониятларнинг беғубор дунёси.*

Заиф ҳалқа: «барқарор келажак» куриш учун ҳозирнинг ўзидаёқ мавжуд имкониятларни билиш ҳали педагоглар орасида ёйилмаган. Бундай янги билимлар экологик самарадорлик, биомимикрия, пермамаданият (инсонлар, ўсимликлар, хайвонлар ва Ернинг ўзаро уйғунликда боғлиқлигини алоҳида таъкидловчи ҳаётий тизим), экодизайн, экологик соликлар, ижтимоий ва экологик кўрсаткичлар, экологик из, субсидиялар, генетик ўзгартирилган маҳсулотлар ва бошқаларни тушунишни ўз ичига олиши мумкин.




6.4. БРТ элементларини дарсга ёки ўқув предметига киритиш имкониятларини аниқлаш

Буюк Британияда барқарор ривожланиш таълими учун янги материаллардан фойдаланиш имкониятларини баҳолашда қўйидаги эслатма-жадвалдан фойдаланилади.

АСОСИЙ САВОЛ	ЯНГИЧА ФИКРЛАШ
<p>Кўриб чиқилаётган муаммо ДОЛЗАРБми?</p> <p>Муаммо ҳар томонлама ўрганиладими?</p> <p>Сабаблар билан бирга ечимлар ҳам кўриб чиқиладими ёки факат аломатларими?</p>	<p>Барқарор ривожланишнинг учала:</p> <p>Экологик, иқтисодий, ижтимоий (баъзи муаллифлар яна иккита — маданий ва шахсий жиҳатни ҳам кўшади) жиҳатини ҳам кўриб чиқинг. Факат аломатларни эмас, сабаблар ва ечимларни ҳам кўриб чиқинг. Тизимли яхлит (холистик) фикрлашга рағбатлантиринг.</p>
<p>Муаммо ВАҚТИНЧАЛИКМИ ёки доимийми?</p> <p>Дарс КЕЛАЖАККА қаратилганми?</p> <p>Ўқувчиларда исталган ва эҳтимол тутилган келажак сценарийларини кўриб чиқиш имконияти бўладими?</p>	<p>Истиқболли Барқарор ривожланиш ҳақида фикрлашни рағбатлантиринг.</p>
<p>Менинг дарсимда муаммонинг ЕЧИМЛАРИ кўриб чиқиладими?</p> <p>Мухокама килинаётган ечимлар атроф мухитга таъсирни камайтира оладими ва улар амалга ошадими?</p>	<p>Ресурслар самарадорлиги, чиқиндилар миқдорининг камайиши ҳамда «зарур ва етарли» тамойилини кўриб чиқинг. Муқобил технологиялар, муқобил иқтисодиёт, ижтимоий ва экологик адолат тушунчаларини батафсил таҳлил қилинг.</p>
<p>Муаммони ҳал этиш учун нималар зарур бўлади?</p> <p>Ўзгаришларга олиб келувчи РАФБАТЛАР кўриб чиқиладими?</p>	<p>Мавжуд технологиялар, қадриятлар ва хулқ-атвор, қонунлар, режалаштириш, ижтимоий адолат, ОАВ, турмуш тарзи каби мавзууларни мухокама қилинг.</p>
<p>Ўзгаришларнинг энг самарадор воситалари қаерда?</p> <p>ҲУКУМАТ ва ЖАМИЯТнинг хусусиятларини эътиборга олганда, бу ўзгаришлар ҳақидаги мулоҳазалар ҳақиқатга тўғри келадими?</p>	<p>Турли: шахсий, ҳамжамият даражасидаги, бизнес, турли хилдати (маҳаллий, худудий ва бошқа) хукумат ва ОАВ даражасидаги таъсир имкониятларини кўриб чиқинг.</p>
<p>Таклиф этилаётган ечимлар ДЕМОКРАТИЯнинг кучайишини, соғлом ватанпарварлик, фаол ва танқидий ФУҚАРОЛИКни назарда тутадими?</p>	<p>Хозирги ва келажак авлод ҳукуқларини, «экологик фуқаролик» туйғусини мухокама қилинг. Барча учун муносиб турмуш шароитларини таъминловчи барқарор келажакдан инсонлар умумий манфаатдор эканлигини англашда таълим қай тарзда ёрдам беришини мухокама қилинг.</p>

Ken Webster, 2001 in Education for Sustainable Development A briefing paper for the UK Teacher Training Agency John Huckle (Барқарор ривожланиш таълими. Буюк Британия ўқитувчилари малакасини ошириш агентлиги учун Концепция)

6.5. Барқарор ривожланиш: рағбатлантирувчи баъзи материаллар



A

Янги зеландиялик рассом аёл Фиона Жекс ушбу ҳеч нарсаси йўқ рекламани яратди. Реклама матни куйидагича: «ХЕЧ НАРСА. Сиз излаган нарса». Реклама Окланд атрофидаги йўллар бўйлаб жойлаштирилди. Унда яққол ифода этилган кинояга қарамай, кўп кишилар «ХЕЧ НАРСА» номли маҳсулот хақида кўпроқ маълумот олиш учун кўрсатилган телефон рақамларига қўнгироқ қилишган.



«Ниманидир босиб кетгандекмиз...»

B

Табиатдаги мувозанатни саклаб қолиш учун кишилар қулайликлардан, масалан, автомобиллардан воз кеча оларминалар? Ёки табиатни асраб колишнинг бошқа йўлини топиш керакми?



Мухокама учун манба



В

Бу бизнинг келажагимизга айлана оладими? Ҳар бир хонадон ўз қуёш батареясига ёки шамол генераторига эга бўлади, дейлик. Шунда энергиянинг ортиқчаси Ягона Тармокка узатиладими? Иқтисодиётни муқобил энергияга ўтказиш учун нималар талаб этилади?

Г



Қайта англаб ет

Қайт (воз кеч)

Қайта тикла

Кам истеъмол кил

Қайта фойдалан

Қайта иккиламчи ишла

«Экологик реклама» «тижорат рекламасидан» кўп нарсани ўрганди, шу туфайли атроф-мухит муҳофазасига чакирувчи шиорлар ёрқинроқ жаранглай бошлади. Экологик онгли истеъмолчининг барча олти асосий тамойили инглиз тилида RE дан бошланади. Ўзбек тилида эса муқобил «Қайта»лар танланди.

Бу «коидалар» инсон ҳәётини экологик жиҳатдан янада беғуборрок килишга чорлайди, бирок уларнинг самарадорлиги турлича. Бу ерда улар кетма-кет (иерархик) тартибда: экологик жиҳатдан энг самарали ва оқилона қоидадан (кайта англаб ет, бошқа йўл топиш хакида ўйлаб кўр) экологик маънода энг кам аҳамиятли қоидага (иккиламчи қайта ишлаш) томон жойлаштирилган.

Албатта, тамойил қанча муҳим бўлса, унга эътибор хам шунча юкори бўлиши лозим. Ушбу кетма-кетликдан (иерархиядан) келиб чиқиб, таълим муассасаларида бу тамойилларнинг қайси бирига энг кўп ва қайсинасига энг кам эътибор бериладётганлигини мухокама килинг. Баъзан эътибор бутунлай аксинча берилаётгандай туюлади...

Д



Бу киз нима килаётган бўлиши мумкин? Суратда нима акс эттирилган? Бу иккиламчи фойдаланиш учун ажратиш жараёними? Эҳтимол, бу эски телевизорлар қабристонидир: ахир ҳозир одамлар кўпроқ яssi экранли ва плазмали телевизорлардан фойдаланишга ўтишмоқда-ку? Ёки бу чикиндиларни конун билан химояланмаган ва кам ривожланган давлатларга ўтказиш деганими? Бу нима бўлиши мумкин — баркарор келажак белгисими ёки бугунги кунги бекарорлик сарқитими?

2-сессия

Барқарор ривожланиш таълими қандай бўлиши керак?

Режалаштириш пайтида дарс мухокамасига етарли вакт ажратиш зарур: ушбу дарс анъ-анавий дарсдан фарқ қиладими, машқларнинг **асосий ғоялари** нималардан иборат, ўқувчилар қандай **маҳоратлари ва муносабатларини** ривожлантиришлари мумкин. Мухокаманинг иккинчи босқичида барқарор ривожланиш ғояларини кўриб чиқишга бевосита ўтиш мумкин. Машқ анъанавий экологик таълим ва БРТ мазмунига канчалик мос келади: масалан, «Кайси энергия манбаларидан фойдаланиш яхшироқ?» тарзида эмас, балки «Энг кам энергия истеъмол килишга кўмаклашувчи технологияларни қандай ишлаб чиқиш мумкин?».

Машқларни улар қизикарли, ўзига жалб этувчи бўлгани ёки сиз уларни яхши ўтказа олишининг боисидангина **ўтказмаслик керак**. Семинарда фойдаланилаётган барча фаолият турлари БРТнинг тури жихатларини тушунишда иштирокчиларга ёрдамлашиши ҳамда уни амалга оширишдаги ёндашувларни кўреатиб бериши керак, токи иштирокчилар семинарни: «дарҳаққиат, буни амалга ошириш мумкин ва ҳатто, жуда қизиқарли ҳам!» — деган фикрлар билан тарк этишлари керак.

Бу босқичда келажак ва барқарор ривожланиш ҳақидаги тасаввурларга тегишли дастлабки машқларнинг мухокамаси натижаларини эслаш фойдали. Бу мухокамалар асосида, бугунги ўқувчилар келажда фаровон яшашлари учун зарур бўлган фазилатлар, маҳорат, ва билимлар рўйхатини тузиб чиқиш фойдали бўлади. Буни «ЎМЎТ»¹ усули ёрдамида амалга ошириш мумкин. Рўйхат ўқувчининг «сиймосини» кўришда, таълим мақсадлари ҳақида хар бир ўқувчи даражасида қандай ўзгаришларга эришиш истагида эканлигимизни ўйлаб кўришда иштирокчиларга ёрдам беради.

Рўйхат тузиб бўлингач, қўйидаги саволларни мухокама қилишни таклиф этинг:

1. Рўйхатда кўрсатилган қайси фазилатларни ўкув предметлари мазмунини ўзгаришиш (масалан, экологиялаштириш) орқали ривожлантириш мумкин?
2. Рўйхатда келтирилган барча фазилатлар ва маҳоратларни аъло даражада ривожлантириш учун мавжуд таълим тизимини қай тарзда кайта шакллантириш зарур?

Сўнг, бу мезонлар асосида дарсларнинг бир неча қисмини тахлил килиш мумкин. Иштирокчиларга маълум вақт мобайнида ўзини ўқувчи деб ҳис этиш ва таклиф этилаётган таълимга ёндашувларни ўзларидан синааб кўриш имконияти берилади. Машқларни ушбу қўлланмадан ёки бошқа манбалардан, масалан, Интернетдан олиш мумкин (www.unesco.org/esd; www.oseko.spb.ru; www.elsrussia.org ва ҳ.к.).

Таълимга ёндашувларнинг ранг-баранг кўринишларини, рағбатлантирувчи материаллардан (фотосуратлар, маълумотлар, шеърлар ва кўшиклар, ахборот технологияларидан) фойдаланишининг хилма-хил варианtlарини ҳамда ишнинг тури усуллари ва услубларини (хотира картасини тузиш, жуфт бўлиб ва кичик гурухларда ишлаш, ақлий хужум, «ЎМЎТ» методи, плакатлар яратиш ва ҳ.к.ни) намойиш этувчи машқларни танлаш мухим.

¹ «ЎМЎТ» — «Ўйлаб кўр → мухокама қил → ўртоқлаш → тақкосла» қисқартмаси.

3-сессия

Ҳар бир фан ва ўқув предмети барқарор ривожланиш таълимида қандай аҳамиятга эга бўлиши мумкин?

Иштирокчиларни битта услугий кенгашга мансуб ҳамкаслари билан бирга кичик гурухларга ажратинг.

Катнашчилар учун вазифа: *БРТни амалга оширишда ўз фанингиз имкониятларини муҳокама қилинг. Семинарда кўриб чиқилган БРТ гоялари асосида ўқитиш услугингизни ўзгартириш мисолини ишлаб чиқинг. Агар бу борада тажрибангиз бўлса, уни гуруҳдаги ҳамкасларингиз билан ўртоқлашинг ва бу тажриба ни тавсифловчи қисқа маъруза тайёрланг.*

Гурухда: «биз буни анчадан бери амалга оширамиз, масалан, энергия сарфини ўрганамиз, мактаб атрофини ахлатдан тозалаймиз, анхор ва дарёларни ўрганамиз...» — деб, ўзларининг аввалги тажрибаларига мурожаат қиласиган иштирокчилар ҳам топилиши мумкин. Бундай мисоллар БРТнинг юкорида муҳокама қилинган хусусиятларидан кўпига мос келмаслиги мумкин. Семинарни олиб борувчи учун бундай иштирокчилар аввал амалга оширилган иш сифатининг ўзига хос кўрсаткичидир.

Кичик гурухлардаги иш тугагач, натижалар колган иштирокчиларга навбатма-навбат тақдим этилади. Тақдимот якунида ҳар бир гурухга бир-икки савол берилиши мумкин.

Тренинг ўтказишнинг муҳим шарти иштирокчиларни кўллаб-куватлашdir. Чунки БРТ янги ва жуда кийин мавзу. Педагоглар шубҳалири ва хавотирларини айтиб олиш учун семинарнинг айнан шу қисмидан фойдаланадилар. Бу шубҳа ва хавотирларнинг аксариятини ба-шорат килиш мумкин, лекин бу билан уларнинг аҳамияти пасаймайди, чунки муайян таълим муассасасида БРТни амалга оширишда айнан шулар асосий тўсиқ бўлади.

Таклифларни изоҳлаш вақтида БРТнинг кўпгина вазифаларини амалга ошириш учун предметни ўрганиш бўйича шундок ҳам ти-

i 6.1

Мұхокама учун құшимча материаллар

1.

«... Экологик таълим асосан чиқиндиларни кайта ишлаш, дараҳт үтқазиш, ресурсларни тежаш каби «яшил» мавзуларға әзтибор беради. Уларнинг ижтимоий, иктиносидай ва маданий масалалар билан алоқаси камданкам ҳолларда күриб чиқылади.

Экологик муаммоларнинг асосий сабаблары га әзтибор берилмайды, чунки асосий күч бу муаммоларнинг «аломатларини» (масалан, чиқиндиларни кайта ишлашни) хал этишга сарфланади. Бекарорликни көлтирип чиқарувчи тиэзимни ўзгартыриш ўрнига шахсий хулк-авторни ўзгартышишга катта әзтибор каратылади. БРТнинг асосий тушунчалари тақиидий фикрлаш ва ижтимоий кайта шаклланишни ўз ичига олади. Экологик таълимда бу элементлар етишмайды, <...> бунинг сабаби эктимол, ушбу элементларнинг құшилиши таълимни амалга оширишни кийинлаштиришидадир.

**Янги Зеландия парламентининг атроф-
мухит масалалари бүйіча комиссари**

2.

Жамият ишлаб чиқариши ва истеъмолида фундаментал ўзгаришлар кильмасдан глобал баркарор ривожланишга эришиб бўлмайди

**Баркарор ривожланиш бүйіча халқа-
ро кенгаш**

3.

«Хукумат ўз фуқароларини «reduce, reuse, recycle» (кам истеъмол қил, кайта фойдалан, қайта иккиласын ишла) шиорлари ёрдамида атроф-мухитни муҳофаза қилишга қарыретган бир пайтда, кучли реклама соҳаси уларни «кўпроқ истеъмол қил, бир марта ишлат ва ташлаб юбор»га ишонтироқда».

Клайв Хамильтон

ФИЗ дастурни яна көнтгайтириш мутлако шарт эмаслыгини таъкидлаб ўтинг.

Масалан, тақиидий фикрлаш ва мулокот кўникмаларини ривожлантириш учун ўқувчиларга янги билимлар бериш шарт эмас. Анъанавий мавзуни фактларни эслаб келиш ёки ўқитувчи фикри билан танишишни тақозо этувчи тегишли усуллар орқали эмас, балки муаммони тахлил ва мұхокама қилиш, турли нұктай назарларни кўриб чиқишини тақозо этувчи усуллар орқали ўрганиш мүмкін.

4-сессия

БРТни амалга оширишда пайдо бўлиши мумкин бўлган қийинчиликларни қандай енгиб ўтиш лозим?

Гурухларга аклий ҳужум ёки «ЎМЎТ» услублари ёрдамида БРТ ғояларини ҳаётга татбиқ этишда муайян педагог ёки умуман таълим муассасаси дуч келиши мүмкін бўлган қийинчиликлар рўйхатини тузишини таклиф этинг.

Энг кўп учрайдиган шубха ва хавотирлар қуйидагилардир:

1. «Буларнинг барчаси дуруст, лекин қаердан вақт топамиз?»
2. «Бизга фаол услублар ёқади, лекин улар кўп вақт талаб этмайдими?»
3. «БРТнинг деярли ҳамма муҳим мавзулари таълим муассасаси дастуридан анча йирок. Мен уларни қандай килиб ўргатишим мүмкін?»
4. «Мен бор-йўғи педагогман, бизда ҳамма масалани директор ёки ўқув ишлари бўйича ўринбосар ҳал қиласи. Шунинг учун таълим муассасасида БРТни жорий этиш имконияти ҳакида бир нима дейишм қийин».
5. «Бунинг тагида кип-қизил сиёсат ётибди, деб қўркаман. Биз сиёсатдан четда бўлмоғимиз лозим, акс ҳолда қийинчиликларга дуч келишимиз мүмкін».

Бу саволларни инкор этмаслик керак. Уларнинг бирортасига ҳам енгил жавоб йўқ, аммо семинарга тайёргарлик вактида баъзи жавобларни ўйлаб қўйиш фойдали бўлади.

Бу саволларга жавоблар тахминан қўйидагича бўлиши мумкин:

1. Кўпгина дастурларда асосий натижа муайян билим даражасига эришиш эмас, балки бир қатор қобилият ва кўнилмаларни ривожлантириш, деб кўрсатилади. Энг муҳими, ўкувчилар ўзлари мустакил равиша, танқидий ва ҳар томонлама фикрлашни ўрганишлари зарур. Фикрлашдаги бу фазилатларни ривожлантириш учун доим ҳам алоҳида вакт ажратиш шарт эмас, ўқитиш услубини бир оз такомиллаштириш етарли.
2. Тажриба ўкувчилар ўқитишнинг фаол услубарини қизикроқ, деб хисоблашларини кўрсатади, бу, албатта, уларнинг ўқишига қизишишларини кучайтиради. Бундан ташқари, тадқикотлар бу усуллар инсонга таъсир этиш маъносида самаралироқ эканлигини кўрсатмоқда, бир қатор фанларни ўқитишдан мақсад ҳам айнан шундай. Балки, баъзи мавзуларни яхширок ўргатиш ва улар шахсий тажрибанинг бир қисмига айланиши учун айрим мавзулардан воз кечиш керакdir.
3. Ўкув предмети мазмунини эмас, уни ўқитиш услубарини ўзгартириш лозим. БРТнинг кўпгина мавзуларини синфдан ташқари машрулотларда ўрганса бўлади. Албатта, бизни БРТнинг бир қатор масалаларини эмас, балки ўкувчиларга унчалик долзарб бўлмаган ва боланинг келажаги билан боғлиқ бўлмаган кўпгина билимларни ўқитишга мажбурлашлари ачинарли ҳолдир. Бунинг учун биз биргаликда курашишимиз лозим!
4. Директор ёки ўкув ишлари бўйича ўринбосар БРТни татбиқ этишга кўпгина сабабларга кўра қизишишлари мумкин. Бу таълимнинг инновацион халқаро йўналишларидан биридир. 2005 йилда БМТ томонидан эълон қилинган БРТ ўн йиллиги бошланди ва мамлакатимиз бу жараёнга албатта қўшилади.

Педагоглар билан мулокотда уларнинг хавотирликлари ва танқидий фикрлари БРТнинг мазмунинга эмас, балки уни амалга оширишда зарур бўладиган таълимга янгича ёндашувларга алоқадор эканлигига эътиборни қаратиш мумкин. Таълимга янгича ёндашувларни татбиқ этиш билан боғлиқ савол-жавоб кўринишидаги ажойиб мулокот мисолини А.М. Гольдиннинг «Образовательная система» «Школа-парк»: теория и практика» (Екатеринбург: Полиграфист, 2002) монографиясининг 4-бобидан топиш мумкин, у Интернетда ҳам жойлаштирилган (<http://park-school.ru/docs.htm>). Ҳаётда муҳокама килинаётган масалаларнинг кўпи БРТ бўйича мунозараларда ҳам пайдо бўлади.

(Давоми)

4.

Нархлар — энг самарали маълумотлар тизими; улар ишлаб чиқарувчилар ва иштепмолчилик кабул қилаётган карорларни белгилайди. Нархлар ишлаб чиқариш ва иштепмолнинг тўлиқ қийматини акс эттирма-са, ресурсларнинг тугаши ва маҳсулотнинг атроф-мухитга таъсири ҳакидаги маълумотлар номаълум бўлиб колаверади.

Экологик таълим ва БРТда нархлар ва нархларнинг шаклланиши мавзулари тез-тез муҳокама килинадими?

6.2.

Асосий ғоялар

- Дунё жуда тез ўзгариб бормокда, педагоглар буни тан олишлари ва ҳисобга олишлари зарур.
- БРТ таълимни турли-туман килиши ва унинг сифатини яхшилаши мумкин.
- Таълим мусассасасида БРТни татбиқ этишини исталган вактда, масалан, бирорта дарсдан бошлаш мумкин.
- Экологик тўғарак, клуб ва тадбирлар БРТни амалга оширишнинг асосий усула-ри хисобланмайди. Унинг қисмларини ўкув предметларига ва фаoliyat шаклларига кўшиш анча муҳимдир.
- Тажриба ишлари ва касбий ривожланишдан кейин сиёсий тамойилларни шакллантириш анча унумли бўлиши мумкин, шунинг учун ишни айнан шу билан бошлаш зарур эмас.

5-сессия Ҳаракатларни режалаштириш

Иштирокчилар семинарни ўз фаолиятларида БРТ ғояларини кўллашга тайёрлик хисси билан тугатишлари жуда мухим. Бунда уларга ҳаракатларни режалаштириш катта ёрдам беради: *нима қилиш керак, бу кимга, қачон, нима учун зарур ва нима даркор эканлигини ҳал қилиш лозим бўлади*. Натижада ҳаммага маъкул бўлган бир режа юзага келади.

6-сессия Умумлаштириш ва баҳолаш

Турли услублардан — иштирокчилар томонидан ҳар бир сессияни ёзма кўринишда баҳолашдан тортиб, то «ёқди — ёқмади» каби расмий бўлмаган методларгача фойдаланиш мумкин. Қайтма алоқа таълим тараққиётидаги янги боскичга ўтиш воситасидир.

Қўшимча вазифа

«Дунё ўзининг ҳалокатини маблағ билан таъминлаш учун йилига бир неча юз миллиард долларни сарфлаши гайритабиийдир». Лестер Браун, «Экоиқтисодиёт»

Нефть ва ўрмон саноати, қишлоқ хўжалиги ва балиқ овлаш саноати ҳар йили оладиган 700 миллиард микдордаги субсидияларни бекор қилиш барқарор ривожланиш томон ташланган энг мухим қадам хисобланади.

Чиқинди пайдо бўлишининг энг асосий сабабларидан бири нотўғри нарх сиёсати бўлган бир пайтда чиқиндини қайта ишлаш ва энергияни тежаш муаммоларини мухокама қилиш учун яна бир кунни ёки дарсни сарфлаш зарурмикан? Келинг, ўқувчилар учун мураккаб бу мавзуни қизиқарли ва фойдали қила оладиган услубни топишга уриниб кўрайлик.

«Ўхшашликни топинг» машқи

Куйида Грінпіс томонидан 2002 йили Йоханнесбургда ўтказилган Атроф-мухит ва ривожланиш бўйича Халқаро кенгаш учун тайёр-

ланган «Эслатма»дан кўчирма келтирилган. Бу эслатма кенгаш са- марадорлигини баҳоловчи ўзига хос восита бўлиши зарур эди. Хуж- жат нафакат унда қўйилган талаблар туфайли, балки барқарор ри- вожланишнинг асосий муаммолари кўриб чиқилганлиги сабабли ҳам фойдалидир.

Иштирокчиларга бу рўйхат билан танишиб чиқиши ҳамда мактабда муҳокама қилинаётган ёки муҳокама қилиниши мумкин бўлган беш- та муаммони танлашни таклиф этинг.

GREENPEACEнинг Ҳалқаро кенгаш муваффақиятини баҳолаш учун текширув рўйхати

Иқлим ва энергия:

- Киото Протоколининг ратификация қилиниши;
- қайта тикланадиган энергия манбаларини молиялаштириш бўйи- ча мажбуриятларни қабул қилиш: хозир электр энергиясиз яша- ётган 2 миллиард кишини экологик тоза, нархи арzon қайта тик- ланадиган энергия билан таъминлаш;
- ИХРТ¹ мамлакатлари ўз кредитларининг 20% ини кечиктирмас- дан энергия соҳасига, Экспорт Кредит Агентлиги орқали қайта тикланадиган энергия манбалари соҳасини ривожлантиришни қўллаб-куватлашга йўналтиришлари зарур ҳамда 5—10 йил да- вомида барча анъанавий энергия манбаларини қўллаб-куватлаш- ни тўхтатишлари зарур;
- ИХРТ мамлакатлари 10 йилдан сўнг фойдаланиладиган энергия- нинг 20% ини қайта тикланадиган энергия манбаларидан олишга эришини максад килиб қўйинилари керак;
- 10 йил давомида барча мамлакатлар томонидан йилига 250—300 миллиард долларни ташкил этувчи анъанавий энергия манбала- рига ажратиладиган субсидияларни тўхтатиш, бунда ривожлан- ётган мамлакатлар иқтисодиётига зарар етмаслиги учун ўтиш ре- жасини тузиш лозим;
- таклиф этилаётган барча янги ядро реакторларини ва атом электр станцияларини қуришни тўхтатиш.

¹ ИХРТ — Йиктисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (бой давлатлар гурухи).

Үрмөнлар:

- қадимий (бокира) ўрмөнларни мухофаза қилиш ва улардан баркарор фойдаланиш учун етарли маблағ ажратишни кафолатлаш ва уни «Биологик хилма-хилликни сақлаш бўйича Конвенция»нинг қадимий ўрмөнларни мухофаза қилиш ишчи дастури доирасида ишлатиш;
- «Эҳтиёткорлик тамойили» асосида катта майдондаги қадимий ўрмөнларни ҳамда табиатни мухофаза қилишда аҳамиятга эга бўлган бошқа ўрмөнларни кесишга ва янги ўрмөнларни яратмасдан аввал ўрмөнлардан саноат мақсадларида фойдаланишга мораторий эълон қилиш;
- қадимий ўрмөнларнинг йўқолиб кетиши ва бузилишини тўхтатиш, уларни мухофаза қилиш ва улардан баркарор фойдаланишга кўмаклашиш учун кечикириб бўлмайдиган ҳаракатларни бажаришни кафолатлаш.

Ген инженерияси:

- анъанавий билимлар ва атроф-мухитни мухофаза қилувчи қишлоқ хўжалик фаолиятини афзал кўриш;
 - қишлоқ хўжалиги биологик хилма-хиллигини мухофаза қилишга қаратилган дастурларни амалга ошириш;
 - тирик организмларни патентлашни тўхтатувчи янги қонунни қабул қилиш;
- <...>
- генетик ўзгартирилган организмлар тарқалишининг тақиқланишини кафолатлаш;
 - қишлоқ хўжалиги биологик хилма-хиллигининг умумий назоратини кафолатлаш.

Заҳарли моддалар:

- корпорацияларнинг хавфли кимёвий моддалар ишлаб чиқарилиши ва ишлатилиши ҳамда мавжуд заҳарланган майдонларни тозалаш бўйича масъулиятини ва бу соҳада мажбуриятлар қабул қилишларини таъминлаш;
- турғун органик ифлослантирувчи моддалар бўйича Стокгольм Конвенциясини ратификация қилиш;
- чиқиндилар савдосини тақиқловчи Базель Конвенциясини ратификация қилиш ва уни бажариш;

- корпорацияларнинг ишлаб чиқариш ва маҳсулот тозалиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олиши.

Океанлар:

- биологик хилма-хиллиги билан тавсифланувчи денгиз соҳилларида, тубида, сув ости платоларида ва бошқа худудларда балиқ овлашни тақиқлаш...

<...>

- ген инженериясидан холи денгизлар — генетик ўзгартирилган организмларнинг денгиз муҳитига режалаштирилган ва режалаштирилмаган тарзда ташланишини тақиқлаш.

<...>

Куролсизланиш:

- барқарор ривожланиш учун зарур харажатларни қоплаш мақсадида ҳарбий харажатларни қисқартириш;
- куролсизланиш, айникса, ядро куролини жойлаштирмаслик бўйича янги ташаббуслар.

Бошқалар:

- экологик қоидалар савдо қоидаларига эмас, балки, аксинча, савдо қоидалари экологик қоидаларга бўйсуниши зарурлигини тан олиш;
- Барқарор ривожланиш бўйича Халқаро кенгашгача имзоланмаган ва ратификация қилинмаган Рио—92 Саммити ва ундан кейин ишлаб чиқилган экологик келишувлар, конвенциялар ва протоколларнинг ратификация қилинишини кафолатлаш.

Россиядаги воқеликка тўғри келадиган ҳаракатларнинг бундай ҳаракат рўйхати мавжуд — Россиянинг етакчи нодавлат экологик ташкилотларининг Йоханнесбургдаги Барқарор ривожланиш бўйича Халқаро кенгаш карорларини амалга оширишга бағишлиланган семинар иштирокчиларининг қарори. (Ушбу ҳужжатни <http://rio10.cis.lead.org> сайтидан топиш мумкин.)

Еттинчи боб ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ИЧИДА ВА ТАШҚАРИСИДА

Биз бутунлай майдалаб ташланган тизимни қайта қура олмаймиз. Куртга қанот биректириб, капалак пайдо қилиб бўлмайди — бунда қўпол ва беўхшов қурт яратилади. Капалаклар трансформация (бир шаклдан бошқа шаклга ўтиш) натижасида пайдо бўлади... Үқитишнинг мураккаб тизими бўлган таълим муассасалари жуда динамик ва мураккаб бўлгани сабабли чизиқли кўрининида бўла олмайди. Шунинг учун биз бу муассаса ишини соатнинг ишилаши тамойили бўйича эмас, балки калейдоскоп тамойили бўйича режалаштиришимиз зарур ва бунинг учун таълим трансформациясида давримизнинг илмий ютуқларига асосланишимиз лозим.
Стефани Пэйс Маршалл, «Хаос, Комплексность и стадное чувство: метафоры для обучения» («Хаос. Мураккаблик ва «пода» туйғуси: таълим учун ўхшатишлар»).

Олтинчи бобда баркарор ривожланиш таълимининг учта асосий қисми: дастур, ўқитиш услуги, таълим муассасасида ва ундан ташқарида амалга ошириладиган фаолият аниқланди. Педагогларга БРТга кўшган хиссасини баҳолашда ҳамкасларга қандай ёрдам бериш мумкинлигини ўргатишга хам катта аҳамият берилди. Шунга қарамасдан, БРТ таълим муассасаси фаолияти билан қандай қилиб бевосита боғланиши мумкинлиги тўғрисидаги яна бир мухим масала кўриб чиқилмади. Ушбу бобда биз бу алокаларни ҳамда «Экомактаб» ёки «Баркарор ривожланиш мактаблари»ни ривожлантириш истиқболларини мухокама этишни таклиф этамиз.

БРТни қандай мувофиқлаштириш ва тамойиллаштириш мумкин?

Сўнгги йилларда таълим муассасаларида БРТни амалга оширишга ёндашувларни асослашга ҳаракат қилинмоқда. 2000 йилда Россияда БРТ

бўйича дастлабки кўлланмалардан бири нашрдан чиқди. Бу кўлланмада хориж ва мамлакатдаги БРТ соҳасидаги тажриба тахлил қилинган. Кўлланмада БРТнинг етти хил мазмундаги йўналиши тавсия этилган. 2003 йилда БРТ бўйича турли ёшдаги гурухларга мўлжалланган услубий тўплам россиялик педагогларнинг эътиборларига ҳавола қилинди.

2002 йилда барқарор ривожланиш бўйича «Барқарор келажак учун таълим» ўкув-маърифий дастурининг дастлабки қисми педагогларга тақдим этилган эди. 2007 йилга келиб, педагоглар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашга мўлжалланган бу дастурнинг З-нashiри ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан тўлиғича ўзбек тилида педагогларга компакт-диск ҳолида тақдим этилди.

Баъзи муваффакиятларга қарамай, БРТ ҳозирга қадар ўзига хос «таълим экзотикаси» бўлиб қолмоқда ва баъзи ташаббускор-педагоглар ҳамда алоҳида мактаблар томонидангина амалга оширилмоқда, холос. Таълим муассасаларини БРТ билан шуғулланишга «мажбурловчи» фанлар ва талаблар тизимини татбиқ этиш таклиф этилмоқда. Бундай карорларнинг қабул қилиниши, шубҳасиз, мактабларда БРТга талабни оширади. Шунда мавзуу бўйича кўлланмалар, семинарлар ва курслар сони ҳам ортарди. Ўкувчилар, эҳтимол, «Сен барқарор ривожланиш ҳақида биласанми?» олимпиадаларида ва мусобакаларида, деворий газеталар хафталикларида, «Барқарор ривожланиш — давр талаби» мавзусидаги туман ҳамда шаҳар конференцияларида ва бошқа тадбирларда иштирок этган бўлардилар. Аммо бунда баъзи камчиликлар ҳам бор: мактаб дастурлари бусиз ҳам тифиз ва «юкоридан» берилган «универсал» (стандартлашган) кўрсатмалар БРТнинг мактабларга кириб бориш жараёнини тезлаштирмасдан, аксинча, се-кинлаштириши мумкин. Шундай қилиб, бу ерда биз БРТ ғояларини кенг оммага етказишни жиддий равишда кийинлаштирувчи яна бир қарама-каршиликка дуч келамиз. Бир томондан, таълим муассасаларига БРТ ҳеч кандай истисносиз мажбурий жорий қилинса, бу ҳол уни шу даражада расмийлаштирадики, ушбу кўлланмада мухокама этилаётган барча реал натижаларга эришишга умид қилмаса ҳам бўлади. Бошқа томондан, барча таълим муассасалари (ёки ҳеч бўлмаганда уларнинг бир қисми) мустақил равишда БРТни устувор йўналиш сифатида танлашларига, уни ижодий амалга оширишларига, са-марадорлигини мунтазам баҳолашларида ва унинг асосида жорий амалиётни яхшилашларига умид килиш қийин. БРТни кенг жорий этиш учун барча педагоглар «билим — бу кучдир» ғоясига ишонганликлари каби, БРТ аҳамиятига ҳам ҳеч иккilanмай ишонишлари керак. Бунда педагогика университетлари ва институтлари етакчи роль ўйнайди. Асосий муаммо — бу муассасалар профессор-ўқитувчиларига

«Барқарор ривожланиш таълими-ни бажараётган ишларимиз рўйха-тига шунчаки қўшиб қўя олмай-миз, биз уни қилаётган барча иш-ларимизга интеграция қилишини ўрганишимиз лозим».

Дорсет графлиги Барқарор ри-вожланиш таълими тармоғи

(i) 7.1

Охири йўқ саёҳат

Барқарор ривожланишнинг «барқарор мак-таб» яратадиганда эътиборга олиш керак бўлган баъзи талаблари

Фаолият:

1. Хом ашё ва материаллардан циклик фойдаланишга асосланса;
2. Қайта тикланадиган манбалардан олингандиң энергияга асосланса;
3. Инсонларнинг энг яхши имконият ва сифатларига (ижодиёт, ўзаро муносабат, мувофиқлаштириш афзаллilikларини тан олиш, маънавий ва интеллектуал ривожланишга) таянса, уни барқарор деб аташ мумкин.

Фаолият:

1. Қайта тикланмайдиган ресурслардан доимо фойдаланишни талаб этса;
2. Қайта тикланадиган ресурслардан улар тикланишидан тезрок суръатларда фойдаланса;
3. Атроф-мухитнинг салбий ўзгаришига олиб келса;
4. Бошқа инсонлар фаровонлигига таъсир килувчи ресурслардан фойдаланишни талаб этса;
5. Ҳаётнинг исталган бир шакли йўқолиб кетишини келтириб чиқарса, уни барқарор деб аташ мумкин эмас.

рини БРТга муносабатни ўзгартиришга рағбатлантирадиган нарса нима эканлигини аниқлашдир.

Бундай муаммолар БРТ амалга оширилаётган ҳамма жойда мавжуд. Бу масала юзасидан БРТ соҳасидаги етакчи мутахассислардан бири, британиялик В.Скотт бундай деб ёзди: «*Фақат юқори даражада рағбатланган педагогларгина ташқаридан олинганд тавсияларга риоя қилиши мақсадида ўз ишларини қайта қуришга ҳаракат қиласидилар. Шу билан бирга, барча педагоглар инсон билан табиат орасидаги ўзаро алоқаларни кўриб чиқши учун ўз фанларидан фойдаланиш бўйича турли имкониятларни таклиф этишила-ри мумкин. Бундай ёндашув «барқарор ривожланиш» тушунча-сини нотўғри тушунишни четлаб ўтишга имкон беради. Мен ҳар доим таълим муассасаларида барқарор ривожланиш таълимини турли фанлар ичida амалга ошириш тарафдори бўлиб келганман. Шунга қарамасдан, таълим муассасалари ўзларига энг мос равишда фаолият юритишлари кераклигини тан олган ҳолда, юқоридаги фикрни мен асоссиз тасдиқлайвермайман».* W. Scott, «Sustainability and Learning»

Таълим муассасаларида БРТни амалга оширишнинг энг реал ва са-марадор йўли, эҳтимол, қисқа муддатли семинарлар орқали педагоглар малакасини ошириб боришдан иборатdir, бунинг натижасида ҳар бир педагог исталган фан доирасида БРТ юзасидан ўзи нима килаётганини кўриб чиқади. Бунда барқарор ривожланиш маълум вактдан сўнг ҳар бир фаннинг одатий қисмига айланиши мумкин. Бу жуда мухим, чунки, «экология» масалалари, одатда, табиий фанлар доирасидагина кўриб чиқилади. Шу билан бирга, барқарор ривожла-ниш факат биология ва география фанлари доирасида кўриб чиқила-диган мавзу эмас, бу вазият тарихан юзага келган, холос, чунки бу соҳалардаги олимлар атроф-муҳит ҳолати ва, айниқса, табиат муҳофазаси масалаларини биринчи бўлиб жиддий кўтариб чиққанлар. Барқарор ривожланишда асоссан ижтимоий ва иқтисодий масалалар кўриб чиқилганлиги сабабли, уни барча гуманитар фанларга қўшиш учун катта имкониятлар бор; кундалик карорлар қабул қилиш билан алоқадорлиги туфайли эса БРТ қисмларини ҳам валеологик (саломатлик хакидаги) таълимимга, ҳам Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги асосла-ри (ХФА)га қўшиш мумкин.

Фарб мутахассислари фикрига яна бир бор қайтсак. Профессор В. Скотт таъкидлашича, БРТда педагогларнинг асосий вазифаси тўртта:

1. Баркарор ривожланишни тушуниш ҳар бир ўқувчи учун нима саббдан мухим эканини англашда кўмаклашиш.
2. Ўкувчиларни баркарор ривожланиш муаммолари мухокамасига фаол жалб этувчи ёндашувлардан фойдаланиш.
3. Ўкувчиларга муаммоларни турли нуктаи назарлардан қараб чиқишни ўргатиш.
4. Ўкувчиларни норасмий таълимда ҳам бу муаммолар ҳақида ўйлашга рағбатлантириш.

Баъзи холларда бу тўрт вазифани бажармаслик бефарқликдек кўринади, кенгрок кўламда эса у ажралиш ва беписандлик хавфини юзага келтирувчи ақидапарастликни назарда тутади. Бешинчи вазифа, албатта, инсоннинг ўзи баркарор ривожланиш тоясини англаб ета олишидир. Асосий зарурият — тайёр қўлланмалар бермасдан рағбатлантириш ҳамда тушунчаларни тасаввур ва ижод чегаралари сифатида эмас, балки таълимнинг таянчи сифатида қўллашдир».

Албатта, таълим муассасалари БРТни ташкил қилиш учун таклиф этилаётган тавсияларни қўллашлари мумкин ва лозим. Бирок, улар таркиб ва элементларга эмас, балки ҳаракат ва ўзгаришларга асосланган замонавий дунё хусусиятларига мос келиш учун бу тавсияларни ижодий талқин қилиб, усталик билан қўллашлари керак.

Баркарор ривожланиш ҳаракатларини танлаш

Кўп педагоглар «экологик» лойиҳаларни жуда қизиқарли, деб хисоблашади. Баъзи мамлакатларда, масалан, Финляндияда экологик лойиҳалар таълим муассасасидан ташқари фаолиятнинг энг оммавий кўринишидир. Бутун Европада ва Россияда анъанавий равища ташкил этиладиган ёзги оромгоҳларни шулар қаторига қўшиш мумкин.

Россиядаги кўпгина таълим муассасалари экологик таълим ва БРТ томон илк қадамларни айнан лойиҳалар ва оромгоҳларда иштирок этини оркали ташлайдилар. Шундай қилиб, бу оммавий фаолият тури таълим муассасаларини БРТга жалб этишида самарали хисобланади. Бирок, салмоқли натижаларга эришии учун экологик лойиҳаларнинг ўзи камлик қиласи. Бу ерда фанлар мазмуни, таълим муассасасидаги турмуш тарзи, бу муассасанинг бошқарилишини ўз ичига оладиган тизимли ҳаракатлар зарур.

7.2

«Экомактаб» дастури

Дастур таркибинга еттига асосий кисм киради. Таълим муассасаси «Экомактаб» номига эришиш учун уларнинг ҳар бирини татбик этиш бўйича муайян тадбирларни амалга ошириши лозим:

1. Дастурни бундан бўён муофиклаштириш учун **муассасанинг Экологик Кенгашини яратиш**.
2. Муассаса хаётининг энг муаммоли соҳаларини аниклаш учун **Экологик вазиятини тадқиқ қилиш**.
3. Экологик вазифаларни ва уларни амалга ошириш бўйича ишларни белгиловчи **фаолият режасини** ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
4. Кўйилган вазифаларга эришишдаги ўсишни **мониторинг қилиш ва баҳолаш**;
5. Экологик мавзуларни таълим муассасаси ўкув предметларига қўшиш;
6. Амалга оширилаётган экологик фаолиятга бутун таълим **муассасасини** ва маҳаллий жамоани жалб этиш, ўз фаолияти бўйича маълумотларни доимий тарқатиш;
7. Муассаса экологик фаолиятининг мақсад ва вазифаларни белгиловчи **Экологик Кодексни** шакллантириш ва кабул қилиш.

«Экошколы. Как получить Зеленый флаг в России». Пособие для школ. СПб., 2003 китоби маълумотлари асосида.

i 7.3

Агар Ўзбекистондаги ҳар бир таълим муассасаси...

Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ қилишга ва уни молиялаштиришга катта аҳамият берилмокда. Бу ҳол таълим муассасаларига янги имкониятлар бериш билан бир каторда, атроф-мухитга таъсирни ҳам кучайтирумокда. Ўзбекистонда 9.7 мингдан ортик мактаб бор. Исталган маҳсулотни бундай кўламда истеъмол килишининг атроф-мухитга ҳам, иктиносидётга ҳам таъсири сезиларли бўлади.

· Агар ҳар бир мактабда ойлик короз истеъмоли I кутига ортса, бу ҳар йили 2529 та катта ёшдаги дарахтни кесишни талаб этади.

· Агар ҳар бир мактаб 100 Вт ли бир лампани ҳудди шу кувватга эга тежамлирок галоген лампасига ўзгартирса, бу йилига 9.4 млн.кВт электр энергияни ва 3.3 минг тонна на шартли ёқилгини тежаш имкониятини беради ва атмосферага 13 минг тонна карбонат ангидрид чиқарилишининг олдини олади.

· Агар ҳар бир мактаб ўзининг ҳар бир аъзосига қандайдир маълумотни етказса, уни 4 млн. киши билади.

Атроф-мухитга таъсирни камайтириш учун доимо маълум бир нарсани истеъмол килишдан воз кечиш зарурми?

Фикрларни давом эттиринг

Барқарор мактаб сари — босқичмабосқичми?

Болаларни амалий фаолиятга жалб этиш орқали таълим бериш тури оммавий саналади, бирор бу фаолият натижасининг сифати ва аҳамияти кўпинча шубха уйғотади.

Бундай фаолият, унда иштирок этаётганлар учун марокли вақт ўтказишидир. Айни пайтда қайта ишлаш учун чиқинди йиғиш, таълим муассасаси майдонини яхшилаш, биносида сув ва энергия сарфлари хисобини юритиш бўйича лойиҳалар, айниқса, бу лойиҳалар ғоялари дарсларда ҳам муҳокама қилинса, БРТни амалга ошириш йўлидағи «Биринчи босқич» бўлиши мумкин.

Бу нима ҳақда?

Экомактаб — БРТ таълим муассасаси хаётининг бир қисми ва фарқли хусусиятига айлантиришнинг ажойиб усулидир. Ўкув режаси ва дастури инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган Экомактаб — мактабнинг ҳар бир аъзосини унинг атроф-мухитини яхшилашга жалб этиш схемасидир.

Экомактаб дастури сайти маълумотлари асосида, www.eco-schools.org.uk

Факат содда кишиларгина «Экологик клублар» ёки тўгаракларнинг мавжудлигини барқарор мактаб аломати, деб хисоблашлари мумкин. Гап шундаки, фаолиятга ўкувчиларнинг жуда оз қисми жалб этилган, унда энг яхши мазмун ва услублардан фойдаланилган бўлса-да, у бутун тизимга таъсир кўрсата олмайди. Экологик тўгарак замонида яширин бир маълумот ётади: ўкувчилар барқарор ривожланиш муаммолари мактаб хаётидан четда турганлигини кўришади (дарслардан кейин, хоҳловчилар учун ва х.к.). Тўгарак замонавий жамиятнинг экологик муаммоларга муносабатини ифодалайди: биз иктиносидётимизни табиий ресурслардан чексиз фойдаланиш ҳамда термодинамика ва экология конунларини умуман эътиборга олмаган ҳолда олиб борамиз, лекин олимлар ва сиёsatчилар мунтазам равишда форумлар ўтказишади ва барқарор ривожланиш муаммоларини муҳокама қилишади. Тўгарак ёки клуб фаолияти ташкилотчи-педагог ва иштирокчиларнинг ташаббусига асосланади. Бу фаолият ҳар бир ўкувчига таъсир этиш ёки, хеч бўлмагандага, уларнинг «асосий қисмини» қамраб олишга етар-

ли эмаслигини тушуниш учун алохидатада тадқиқот олиб бориш талаб этилмайды. Бундай фаолият учун БРТ тўр билан тутиб бўлмайдиган жуда катта «жонивор»га ўхшайди. Айни пайтда, экологик тўгараклар ва клублар мактабнинг шу йўналишдаги қизиқшини кўрсатади ва БРТ «мағзига», яъни унинг биринчи босқичига айланиши мумкин.

Хам лойиха, хам «тўгарак» ёндашувларини ўзида ковуштирувчи қизиқарли тажриба «Экомактаб» дастуридир. Бу дастур бир катор Европа мамлакатларида мавжуд ва хозир Россиянинг Санкт-Петербург шаҳри хамда Ленинград вилоятига кириб келмокда.

Иккинчи босқичда дастурнинг такомиллаштирилиши билан боғлик аҳамиятлироқ қадамлар ташланади. Унда ўқувчиларгина эмас, балки деярли ҳар куни молиявий қарорлар қабул килувчи таълим муассасаси маъмуриятининг хам фикрлашини ўзгартиришга харакат килинади. Бу қарорлар, ўз навбатида, атроф-мухитга таъсир этади. Таълим муассаса истеъмоли сиёsatини шакллантириш бу босқичнинг амалий қисми бўлиши мумкин. Одатда, айнан молиявий қарорлар ўкув юрти атроф-мухит муҳофазаси масаласига канчалик жиддий карашини кўрсатади. Иктисолий вокелик, бюрократик тўсиқлар ва кўп сонли қоидалар кўпгина ташаббусларни «синдириши» маълум. Лекин, ўқувчилар билан уларнинг ўкув юртлари нима учун «барқарорроқ» бўла олмаётгани сабабларини мухокама килиш хам БРТ учун ажойиб машқ бўлиши мумкин.



Бу — биосферани саклаб қолиши ёки ёнгин хавфсизлигими?

7.4

Британия Колумбияси мактабларида захиралардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш дастури

Канададаги хар бир ҳукумат агентлиги ва зифасига улар бошқарәтган давлат секторини экологик барқарорроқ килиш дастурларини амалга ошириш киради. Канада вилоятларидан бири — Британия Колумбияси ҳукумати кўйидаги схемани таклиф этади.

Энергетика ва сув таъминоти компаниялари вилоятнинг таълим муассасаларида самарадорлироқ ускуналар ўрнатиш ҳаражатларини тўлашади. Таълим муассасалари компанияларга энергия ва сув учун ҳакни кайта ускуналашдан олдинги кийматда тўлашда давом эттиришади. Бу хол тежалган ресурслар киймати компанияларнинг кайта ускуналашга килган ҳаражатларини копламагучица давом этади. Шундай килиб, «таълим муассасаларидаги ускуналарни яхшилаш мактаблар томонидан ҳаражатларни тежаш хисобига копланади».

Бу оддий дастур Британия Колумбияси таълим муассасаларига:

- 1) иштирок этган муассасаларда энергия ва сув истеъмолини тегишли равиша 18% ва 24% га камайтириш;
- 2) атмосферага «иссиқхона газлари»ни чиқаришни йилига 230 тонна камайтириш (бу йилига 38 000 та автомобиль ажратиб чиқарадиган «иссиқхона газлари» миқдорига тенг);
- 3) бинолар ва ускуналарни яхшилаш учун 110 миллион АҚШ долларини жалб этиш ва 1100 кишини иш билан таъминлаш;

4) кейинчалик йилига 34 млн. АҚШ доллары кийматидаги захиралар тежалишини таъминлаш имконини берди.

Британия Колумбияси ҳукумати схемада молиявий иштирок этмади. У фактат схема учун молиявий ва ҳукукий шароит яратиб берди: бу вазиятда инсонлар ҳам, Сайёра ҳам, бизнес ҳам ютади.

Россия таълим вазирилги мамлакат таълим муассасаларида энергияни тежаш лойиҳасини яқиндагина тутгатди. Бу лойиха Глобал Экологик Фонд томонидан берилган 1 млн. АҚШ доллары микдоридаги грант асосида амалга оширилди. Афуски, бундай лойиха борлиги ҳакидаги маълумот у эришган муваффакиятлар ҳакидаги маълумотларга караганда анча кенг ёритилган.

www.greenbuildingsbc.com/retrofit/indeh.html ва www.energy-saving.ru сайтлари материаллари бўйича

Учинчи босқич таълим муассасаси биносидан фойдаланиш, яъни иситиш, ёритиш, сув таъминоти ва бошқалар бўйича жиддийроқ карорлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Агар бу карорлар баркарор ривожланиш ғоялари асосида кабул қилинса ва натижада ресурслар тежалса (ёки улар самарали ишлатилса), муассасани истиқболли, деб ҳисоблаш мумкин. Дарҳақиқат, болалар қарама-каршиликни тезда илғашади: масалан, энергияни тежаш бўйича дарс мазмуни ва кўнгилочар биноларда куну тун ёниб турган чироклар. Бундай дарс аслида нимани тарбиялади? Агар ўқув юрти биносида болаларга энергияни тежаш нима эканлиги ва уни қандай қилиб амалга ошириш мумкинлиги кўрсатилаётган бўлса, бундай дарсга эҳтиёж қоладими?

Баркарор ривожланиш ғояларини тарғиб қилувчи энг машхур педагоглардан бири Дэвид Орр «бино ўқитиши воситаси сифатида» ғоясими таклиф этади. Ушбу ғоя бинонинг тузилишида ва унинг фаолият тамойилида бўлиши керак. Масалан, Европада мактабларнинг энергияга бўлган талабини қуёш батареялардан ва шамол энергияси курилмаларидан фойдаланган ҳолда кисман ёки бутунлай таъминлаш оммалашиб бормоқда. Оберлин шахри (АҚШ, Огайо штати) коллежи Экология факультети биносида барча оқова сувлар ичимлик сув (!!!) сифатига эга бўлгунича тозаланади. Бу «Тирик машина» (*Living Machine*), яъни кичикроқ оранжереяга жойлаштирилган сунъий экотизимлар туркуми ёрдамида амалга оширилади. Бундай ажойиб мисоллар йилдан йилга кўпайиб бормоқда.

Иқтисодиёт яхшиланиб бориши билан таълим муассасалари биноси ни «экологиялаштириш» амалиётини мамлакатимизда ҳам амалга ошириш мумкин.

Таълим муассасаларини қуриш ва реконструкция қилишда экологик технологияларга катта эътибор бериш зарур. Бу ҳол экологик технологиялардан фойдаланиш биология хонасида Чарльз Дарвин суратини осиш каби одатга айланмагунча давом этиши зарур.

«Сэр Исаак Ньютон Оламга тартибга солинган соат механизми сифатида қараган. Ҳозир олимлар уни ўзгарувчан калейдоскоп

сифатида тасвирлашади. Балки бу таққослаш таълим соҳаси ўзгариши(трансформацияси)нинг калитидир?»

Стефани Пэйс Маршалл

Идеал истиқбол сифатида **тўртинчи босқични** ҳам назарда тутиш мумкин. Катта, марказлашган таълим муассасалари ғояси табиатан бекарордир. Атроф-мухитга таъсирнинг кучайиши, амалда мукаррар пайдо бўладиган салбий ижтимоий оқибатлар, маҳаллий жамоадан ажralиб қолиш — буларнинг барчаси марказлаштиришнинг иккинчи томони. Йирик таълим муассасаларини ёки Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ривожланаётган, бир неча мактаблардан иборат «таълим комплекслари»ни ривожлантириш зарурлигини кўрсатувчи ижобий далил сифатида кўпинча бир ўкувчини ўқитишга сарфланадиган харажатларнинг пасайиши келтирилади. Мазкур ёндашув совет даврида улкан чорвачилик комплексларини куришда ўринли бўлган бўлса ажаб эмас. Бундай катта комплекслар тажрибаси маҳсулотнинг таннархи иш унумдорлигини кўрсатувчи ягона омил эмаслигини кўрсатади.

Баркарор ривожланиш ғояларига унча катта бўлмаган, маҳаллий жамоа миқёсидаги таълим муассасалари кўпроқ мос келади. Бундай муассасалар ўз биноларидан усталик билан фойдаланишга, ўкувчиларга хилма-хил имкониятлар яратишга ва таълим олиш салоҳиятини ошириш учун ахборот технологияларидан максимал равишда фойдаланишга кодирдир.

Бу йўналишдаги кейинги муроҳазалар янада жиддийроқ саволларни келтириб чиқаради. Баркарор ривожланиш жамиятини куриш учун деярли ҳамма соҳада шунча жиддий ўзгаришлар килишимиз керак бўлса, биз XX асрдан мерос қилиб олган таълим моделини сақлаб кола оламизми? Жон Хакл бир пайтлар: «Таълим муассасалари — замонавийликдан кейинги дунёдаги замонавий муассасадир», — деб таъкидлаган эди. Таълим муассасаларида ўзгаришлар жамиятдаги каби тез содир бўлмайди. Ҳозирча улар ва таълим тизими кўпгина муаммолар ёчимининг калити эмас, балки шу муаммоларнинг бир кисмидир.

«Атроф-мухит таназзули — унгача юз берадиган онг, идрок ва қалб таназзулидир». Дэвид Орр шу муносабат билан: «Экологик таназ-

7.5.

Энергия қаерга сарфланяпти?

1997 йилда Санкт-Петербург ҳукумати «Санкт-Петербург шаҳар ҳўжалишилар ҳакида» карор қабул килди. Энергияни тежовчи технологиялар ва тадбирларни жорий этишга рағбатлантирувчи турли тадбирлар каторида шаҳардаги ҳар бир бюджет муассасасига «Энергия истеъмолини лайиҳалаштирилгандагига нисбатан камайтирилган тақдирда, тежалган бюджет маблағлари энергияни тежовчи тадбирларни жорий этиш учун икки йил давомида ташкилот иҳтиёрида колдирилади ва маблағнинг 10% гача қисми ходимларни рағбатлантириш учун сарфланиши мумкин», — деган вазда берилиди.

Карорда таъкидлаб ўтилган тадбирларга кишда деразаларни совук ўтказмайдиган килиш, замонавий ромлар (шишапакетлар) ўрнатиш кабилар мисол бўлиши мумкин, буларнинг барчаси жуда зарур. Бирок шаҳардаги деярли 600 мактабдан бу карордан фойда кўра олган биронтаси на атроф-мухит муҳофазаси бўйича шаҳар Кўмитаси муҳтакиссларига, на муаллифларга маълум.

Бу тажрибани маҳаллий миқёсда қўллаш мумкинми?

7.6

Мактабнинг замонавийроқ моделими?

Москвадаги 734-мактабда ва Екатеринбургдаги 95-мактабда синф-дарс тизимига муко-
бил бўлган модель — «мактаб-парк» ғояси
қисман синааб кўрилди. Модель муаллифи
М.А. Балабан дунёни яхлит тасаввур этиши-
га кўмаклашмайдиган турли фанлар бўйича
мажбурий дарслар ўрнига студиялар тизи-
мини таклиф этди. Студиялар ўқувчилар
томонидан ихтиёрий равишда таъланishi ва
уларда турли ёшдаги болалар шуғуллани-
ши мумкин хамда куйи синфлар ўқувчилари
кўллаб-куватланади. Кўп йиллик тажриба
мактаб-парк ўқувчиларининг якуний аттес-
тация натижалари анъанавий усулда ўқити-
ладиган ўқувчилар натижаларидан паст
эмаслигини кўрсатди. Модель ўқувчилар-
нинг интеллектуал ва шахсий салоҳиятини
ривожлантиришда ҳам самарали бўлиб
чикиди.

М.А. Балабан. «Школа-парк. Как построить школу без классов и уроков». — М.: «Первое сентября», 2001.

зул — бу ўрганилиши зарур муаммо эмас, балки таълим натижаси-
дир», деб таъкидлайди.

Бундай фикрлар алоҳида кўлланма учун мавзу бўлиши мумкин. Бар-
қарор ривожланиш мактаби томон йўл олис ва қийин бўлади. Ҳозир-
ги вактда, агар мактаб учинчи босқичда бўлса, биз уни «барқарор
ривожланиш мактаби», дейишимиз мумкин.

ХУЛОСА

Хозирги вактда барқарор ривожланиш натижә эмас, балки раҳбарий ғоядир. У ҳали ҳам бизнинг таълим тизимимизга чинакам кириб келмади. 2005 йилда БМТ томонидан эълон қилинган Барқарор ривожланиш таълими ўн йиллиги бошланди. У, шубҳасиз, вазиятни бир оз ўзгартиришга ёрдам беради, лекин биз Барқарор ривожланиш ғояларини татбиқ этиш билан боғлиқ жиддий ўзгаришларни хоҳлаётган бўлсак, жамият ва бизнесга асосий умид боғланади. Агар улар ўзгарса, таълим ҳам ўзгаради.

Кўйида келтирилган нутқни 1982 йилда айтилган деб тасаввур қиласлик. Бундай бўлиши мумкин эмаслигини тан олиш даркор.

«Ҳаммамизни, бутун Сайёрани лақиљлаётган эски анъанавий иқтисодиёт яхши ташкил этилган, юқори даражада марказлаштирилган, ўта бой ва жуда яхши сиёсий алоқаларга эга. Янги энергетик келажак марказлашмаган ва тадбиркор бўлиб, у сиз каби инсонлар: «Менга экологик хавфсиз машина беринг, томга ўрнатиш учун менга қуёш батареяларини беринг, менга беғубор келажакни беринг!» — дейиншини талаб этади».

Бу гапни ким айтган бўлиши мумкин? Буни АҚШнинг собиқ президенти Билл Клинтон айтган. «Атроф-муҳит муҳофазасига ўз ҳиссанни қўшиш» ўрнига — «ўзинг учун беғубор келажакни талаб қил!» Йўналиш ўзгаришининг қизиқ мисоли: ёшлар сиёсий фаол бўлиши ва янги технологиялар қандай келажакка элтиши мумкинлигини тушунмоқлари лозим. Иқлимининг глобал миқёсда исиши хақида айтилган бу нуткнинг сабаби ҳам жуда қизик — у Лос-Анжелесда «Роллинг Стоунз» концертининг бошланиши олдидан айтилган эди.

Кўлингиздаги қўлланмада барқарор ривожланиш таълимими мувваф-факиятли амалга ошириш учун жиддий тўсиклар йўқлигини кўрсатишига ҳаракат қилдик. Унинг ҳар бир жихати пухта ишлаб чиқилган. Бу ўқув биноларини экологиялаштиришга ҳам, дарслар мазмунини танлашга ҳам, таълимнинг инновацион услубларига ҳам, педагоглар малакасини оширишга ҳам боғлиkdir. Оддий педагоглардан тортиб, турли даражадаги раҳбар ходимлар ҳам бу ғояга садоқат билан муносабатда бўлиши талаб этилади, холос.

АДАБИЁТЛАР

Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. — Т.: «Ўзбекистон», 1997.

Барқарор ривожланиш

Вайцзеккер Э., Ловинс Э., Ловинс Л. Фактор четыре. Затрат — половина, отдача — двойная. Новый доклад Римскому клубу. — М.: Академия, 2000

Глобализация и устойчивое развитие: Учеб. пособие / *Мунтян М.А., Урсул А.Д.* — М.: СТУПЕНИ, 2003.

Глобальная экологическая перспектива 2000. (ГЕО-2000). Доклад ЮНЕП о состоянии окружающей среды в конце тысячелетия. — М.: ЗАО «Интердиалект+», 2000.

ГЕО-3. Прошлое, настоящее и перспективы на будущее. Доклад ЮНЕП. — М.: ЗАО «Интердиалект+», 2002.

Джиллер П. Структура сообществ и экологическая ниша. — М., 1988.

Диксон Дж. Новый взгляд на богатство народов. Индикаторы экологически устойчивого развития. — М.: Весь мир, 2002.

Естественный капитализм. Грядущая промышленная революция. *П.Хокен, Э.Ловинс, Х.Ловинс.* — М.: Наука, 2002.

Экоэкономика: Как создать экономику, сберегающую планету: Пер. с англ. / *Л. Браун.* — М.: Изд-во «Весь мир», 2003.

Каммонер Б. Замыкающийся круг. — Л., 1974.

Медоуз Д.Х. и др. Пределы роста — М., 1990.

Медоуз Д.Х., Медоуз Д.Л., Рендурс Й. За пределами роста. — Учебное пособие. М.: Прогресс, 1994.

Состояние мира 2001. Доклад Института Worldwatch о развитии по пути к устойчивому обществу: Пер. с англ. / М.: Изд-во «Весь мир», 2003.

Состояние мира 2002. Доклад Института Worldwatch о развитии по пути к устойчивому обществу: Пер. с англ. / М.: Изд-во «Весь мир», 2003.

Цель — Zero Waste. (Пер. с англ.) . М.: ОМННО «Совет Гринпис», 2004.

The Principles of Sustainability Dresner, S. Earthscan, London (2002)

The Total Beauty of Sustainable Products, Datchefski, Edwin, RotoVision, Switzerland (2001)

Planet Dialectics Sachs, Wolfgang, Zed Books, London (1999)

Sharing Nature's Interest — Ecological Footprints as an Indicator of Sustainability Chambers, N Simmons, C and Wackernagel W. Earthscan, London (2000)

Таълим

Корякина Н.И., Жевлакова М.А., Кириллов П.Н. Образование для устойчивого развития: поиск стратегии, подходов, технологий. — СПб, 2000 г.

Стратегия образования для устойчивого развития для Санкт-Петербурга, 2002.

Местная Повестка — XXI: материалы для проведения семинаров — СПб: РОО «ОСЭКО», 2003.

Образование для устойчивого развития. Материалы Все-российского совещания. «Образование для устойчивого развития». Под ред. Н.С.Касимова и В.С.Тикунова. — М.: Манжента, Смоленск, 2003.

Образование для устойчивого развития. Материалы семинара «Экологическое образование и образование для устойчивого развития». / Под ред. Н.С.Касимова. — М.-Смоленск: Универсум, 2004.

Образование для устойчивого развития в Санкт-Петербурге. Буклет российско-британского проекта «Интеграция основных направлений образования для устойчивого развития в систему образования С-Пб». С-Пб., 2002.

Устойчивое развитие и экологизация школьного образования. // Сост. и отв. ред. Н.М.Мамедов, — М.: Ступени, 2003.

Экологическое образование для устойчивого развития. Труды 2-го Международного симпозиума ЮНЕСКО / Под ред. А.А. Цхая. Барнаул: Изд-во АлтГТУ, 1999.

Sustainable Education, Sterling, S. Schumacher (2001)

Education for Sustainability, Eds Huckle, J and Sterling, S Earthscan (1996)

Greenprints, Greig, S, Pike, G and Selby, D. Kogan Page / WWF (1989)

Multiple Intelligence in the Classroom, Armstrong, Thomas. ASCD, Virginia (2000)

Our Common Illiteracy, Jucker, Rolf. Peter Lang, Oxford (2002)

Earth in Mind: On Education, Environment, and the Human Prospect, David W Orr Island Press, (1994)

Интернет

МДХ мамлакатларининг Барқарор ривожланиш бўйича маълумотлари <http://rio10.cis.lead.org>

Worldwatch Institute («Жаҳон вахтаси» институти), Атроф-мухит холати ҳакидаги маълумотлар

<http://www.worldwatch.org>

World Resources Institute (Дунё ресурслари институти), Атроф-мухит холати ҳакидаги маълумотлар

<http://www.wri.org>

Санкт-Петербург экологик таълимга қўмаклашиш жамоатчилик ташкилоти ОСЭКО — www.oseko.spb.ru. Методик кабинет, китоблар дўкони, янгиликлар, ҳамкаслар

маслаҳатлари, мактаблар ва алоҳида ўқувчилар учун конкурслар, лойиҳаларга қўшилиш ва семинарларда иштирок этиш имконияти

Сайт www.esfrussia.org — Барқарор ривожланиш таълимига бағишинган сайтлар тўплами:

- Барқарор ривожланиш таълими соҳасидаги Европа Иттифоқи ва Россия янгиликлари;
- дарслар ва машрутлар ишланмалари;
- Барқарор ривожланиш таълими ва экологик таълим соҳасидаги тадқикотлар;
- турли шаҳарлардаги мутахассислар билан фикр алмасиши имконияти.

www.unesco.org/esd/ — ЮНЕСКОнинг Барқарор ривожланиш таълими ўн йиллигига бағишинган сайти

Адабиётларга қўшимча

1. Всемирный саммит по Устойчивому Развитию: основные итоговые документы. Составители: Есекин Б. и др. — Алматы: РЭЦ ЦА, 2003.
2. Ўзбекистон: барқарор ривожланиш йўлида 21 асрга Кунтартиби. Т.: 2002, представительство ПРООН в Республике Узбекистан.
3. Повестка дня на 21 век для Республики Узбекистан. Т.: 2002, представительство ПРООН в Республике Узбекистан.
4. Практическое руководство по разработке и реализации Местной повестки на 21 век. Т.: 2007. ППИС ЕС «Улучшение условий в махаллях через активизацию молодежи». FSC UK, «Атроф-мухит ва сорлом ҳаёт».
5. Индикаторы Устойчивого развития для Республики Казахстан. — Алматы, 2002.
6. Журнал «Экология и устойчивое развитие». Республика Казахстан.
7. Коротенко В.А. и др. Школа Устойчивого развития. Пособие для учителей. Бишкек. 2003.
8. Национальный доклад «О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан» — Т. Chinor ENK, 1997, 1998, 2002, 2006.
9. Национальный отчет «О состоянии земельных ресурсов Республики Узбекистан» — Т.: Госкомзем. 2000, 2006.
10. Реймерс Н.Ф. Надежды на выживание человечества. Концептуальная экология. — М.: Россия молодая экология. 1992.
11. Родина Е.М. Устойчивое развитие эколого-экономических систем. Бишкек, 2003.
12. Барқарор келажак учун таълим ўкув-маърифий дастури. CD-диск. ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Тошкент (2007).
13. Сборник рабочих документов ЮНЕСКО по образованию устойчивого развития. Вестник Представительства ЮНЕСКО в Узбекистане. 2005 г.
14. Нигматов А.Н., Шивалдова Н., Султанов Р.Н. Барқарор ривожланиш концепциясининг экологик жиҳатлари (ўзбекча ва русча вариантларда). Ўкув курсидан маърузалар. — Т.: Bioekosan, 2003.
15. Нигматов А., Пардаев К. Экологик хавфсизлик ва барқарор ривожланиш. Ўкув кўлланма. — ТошВПИ, 2005.
16. Bargaror rivojlanishning geografik jihatlari. A.Nigmatov va boshqalar. O'quv qo'llanma. — Т.: O'zMU, 2006.
17. Обзор Центральной Азии: о прогрессе в области Устойчивого Развития. — Алматы, 2006.
18. Анализ ситуации в области образования для Устойчивого Развития в Центральной Азии. — Алматы, 2005.
19. Узбекистан: Процесс Рио+10, Т.: 2002. Минмакроэкономики и статистики Республики Узбекистан, ПРООН, ЭКОСАН.

ИЛОВА

1-илова

Маҳбуснинг «яшиллашган» муаммоси: нима учун биз ўзимизни экологик жиҳатдан мутаносиб тутмаймиз?

Билимдан ҳаракатга ўтиш нима учун бу кадар кийин? Бунинг БРТга қандай алоқаси бор? «Маҳбус муаммоси» ўйини қизикарли холосалар чиқаришга ёрдам беради.

«Маҳбус муаммоси»нинг моҳияти нимадан иборат?

Ёкимсиз бир вазиятни тасаввур қиласлик. Сиз ва танишларингиздан бири милиция томонидан хибсга олингансизлар ва бир-бирларингиз билан келишиб олиш имкониятига эга бўлмай, турли хоналарда сўров килинаяпсизлар. Ўйин учун сизлар ҳақиқатан ҳам жиноят содир этган-этмаганилгингиз мухим эмас. Сиз учун қуйидагилар таклиф этилаяпти:

- Агар сиз ва дўстингиз жиноят содир этганликда икрор бўлсангиз, иккалангиз ҳам тўрт йилдан қамоқ жазоси оласизлар;
- Агар иккалангиз ҳам икрор бўлмасангиз, тергов жиноят учун жазони иккига бўлади ва ҳар бирингизга икки йилдан жазо белгилайди;
- Агар бирингиз икрор бўлиб, иккincinnгиз икрор бўлмасангиз, икрор бўлган терговчи билан келишиб, озодликка чиқиши мумкин, икрор бўлмаган эса беш йил қамоқ жазоси олади.

Бир қарашда энг кулай йўл яққол кўринади: ҳеч ким икрор бўлмаслиги лозим. Лекин Сиз дўстингиз қандай йўл тутишини каердан биласиз? Озодликка чиқиш нақадар яхши ... Шахсан сиз учун энг яхши

карор — икрор бўлиш. Афсуски, дўстингиз ҳам худди шундай ўйлаяпти ва иккалангиз ҳам тўрт йилдан қамоқ жазоси оласизлар. Агар «хамкорлик» килсангиз (икрор бўлишдан бош торсангиз), иккалангиз ҳам энг кулай вазиятда қолган бўлардингиз.

Экологик муаммолар умумийликка эга. Бу умумийлик экологик билимлар хулқ-атворга айланишида асосий муаммо туғдиради, чунки экологик муаммоларга алоҳида шахс сезиларли таъсир кўрсата олмайди. Нима учун бундай эканлигини тушуниш жуда мухим, чунки бу ҳар қандай БРТнинг мұваффакиятида жуда катта аҳамиятга эга.

Табиий ресурсларни «умумий бойлик» деб аташ мумкин: ҳеч ким улардан фойдаланганлик учун ҳақ тўламайди. Бу мавжуд тизимларни табиий бойликлардан фойдаланишга рағбатлантиришни билдиради. Демак, кишилар табиий ресурсларни олиш ва муҳофаза килиш билан боғлиқ ҳаражатларни тўламасликка ҳаракат килишлари тушунарли ҳол. Бундан ташқари, алоҳида бир шахснинг ҳаракати умумий экологик натижа билан таққослагандага аҳамиятсиздек кўринади. Шунинг учун инсон ўз хулқ-атворини ўзгартиришининг экологик оқибатлари аник эмаслигини тушунади, лекин айни пайтда инсон учун хулқ-атворни ўзгартиришнинг баҳоси жуда аник.

Маҳбус муаммоси буни аник ва равшан изоҳлаб беради. Машқдан турли мақсадларда фойдаланиш мумкин. Бу машқда шахсий манфаатлар билан кишилар гурухи ва жамият манфаатларини таққослаш учун экологик масаладан фойдаланилади. Бир неча ҳолатларни кўриб чиқайлик: А шахс ўзини экологик мутаносиб ёки экологик номутаносиб тутиши мумкин. Қолган кишиларнинг (N) ҳаракати ҳам шундай изоҳланиши мумкин. Натижада ўзига хос «Пеннет панжараси»ни оламиз. Агар А шахс ўзини «экологик» тутишга қарор қиласа ва бошқалар ҳам худди шундай ҳаракат қилишса, биз I квадратни, агар қолганлар ўзларини экологик тутмасалар — III квадратни кўриб чиқамиз ва ҳ.к.

Экологик маънодаги «маҳбус муаммоси»

А шахс-нинг хулқ-атвори	Колган кишиларнинг хулқ-атвори	
	Экологик	Ноэкологик
Экологик	I. A. 30 — фойда Б. 20 — харажатлар В. +10 — натижа	III. A. 0 — фойда Б. 20 — харажатлар В. -20 — натижа
Ноэкологик	II. A. 30 — фойда Б. 0 — харажатлар В. +30 — натижа	IV. A. 0 — фойда Б. 0 — харажатлар В. 0 — натижа

Жамиятнинг (бошка инсонларнинг) экологик хулқ-атвори саломатликка хавфнинг ва бошқа муаммоларнинг хавфлилик даражасининг пасайиши каби шахсий наф келтиради. Бу наф 30 бирликка (А) тенг деб тасаввур этайлик, гурухдаги ҳар бир кишининг хулқ-атворини ўзгаририш баҳоси 20 бирликка (Б) тенг бўлсин. Бу баҳо факат пулдан эмас, балки сарфланган вакт, қулийликнинг ўзгариши ва шу кабилардан ҳам иборат. (В) эса қарор қабул қилиш натижасида пайдо бўлган умумий «фойда» ёки «харажат».

Шубҳасиз, экологик таълимнинг идеал натижаси бизга I катакда кўринаяпти: ҳамма ўзини экологик тутади. Бироқ кўп вазиятларда бу мақсадга эришишда кўплаб тўсиклар мавжуд, шунинг учун умумий ижтимоий натижага эришилмайди. Бу каби оптимистик мақсадлар ҳар бир инсон 30 бирлик фойда олиш учун 20 бирлик харажат қилишга мажбур бўлганда гина ҳақиқатга айланади. Бироқ умумий фаровонлик вазиятида бундай шарт йўқ. Агар фаровонлик умумий бўлса, ҳатто кимдир харажатлардан бош тортса ҳам, ҳамма фаровонликка эга бўлади.

Шахс учун энг фойдали вазият II катакда келтирилган: шахс атроф-муҳит муҳофазасига ўз хиссасини кўшмай, афзалликнинг (А) катта кисмига эга бўла-

ди, бироқ бошка шахслар бунга ўз хиссасини кўшади, деб умид килади. Шахсий нуқтаи назардан бундай ёндашувнинг афзаллиги ҳам шундадир.

II вазият шахсий қадриятлар, инсонларнинг ҳоҳиши ва билимiga асосланмайди. Аксинча, бу умумий бойликлардан фойдаланиш билан боғлиқ рағбатларнинг нотўғри тизими натижасидир.

III катак рағбатларнинг нотўғри тизими шароитида экологик хулқ-атворга талаб қанчалик ёқимсиз эканлигини кўрсатади. Экологик хулқ-атворга эга инсон бир ўзи ҳаракат килади, шунинг учун ҳеч қандай афзалликка эга бўлмасдан, ўзгаришларнинг бутун баҳосини тўлайди. «Маҳбус муаммоси»нинг шарти шундаки, бунда шахс қолганларнинг хулқ-атворига таъсир эта олмайди ва, умуман олганда, бирорлар фойдасига ишлаган бўлиб қолади. Агар биз ўзимизни экологик жихатдан монанд тутишга ҳаракат қилсак, эксплуатацияга учраб қоламиш ва ҳеч ким, ҳатто юксак ахлоқийлик нуқтаи назаридан ҳам, ахмоқ бўлиб қолишни истамаганлиги сабабли вазият эскилигича колаверади: ҳамма атроф-муҳит сифати яхшиланишини хоҳлайди, лекин у ҳеч яхшиланмайди. Башпорат қилинадиган натижа IV майдонда келтирилган.

‘’Маҳбус муаммоси’’ дан семинарда фойдаланиш

Гурухдаги ҳар бир иштирокчига иккитадан қоғоз тарқатинг. Биринчисининг орқа томонида яшил айлана, иккинчисинида эса кизил квадрат бўлсин. Биринчи қоғоз ўзини экологик тарзда тутишга ҳозирликни, иккинчиси эса бундай хулқ-атвордан бош тортишни англатади. Агар бутун жамият «экологик» ҳаёт кечирса, ҳамманинг турмуш даражаси 30 бирликка ортишини иштирокчиларга тушуниринг.

Шунга қарамай, ҳар ким ўзининг экологик жиҳатдан мақбул фаолияти учун ҳақ тўлаши керак бўлади ва доимо 20 бирликка (яъни вакт, куч-ғайрат, ҳақ, қулайликдан кечиш ва бошқаларга) тенг бўлади. Шундан сўнг гурух аъзоларидан овоз беришларини сўранг. «Маҳбус муаммоси»нинг классик кўринишидаги каби, ҳар ким бошқаларни ўйлаган холда харакат қилади, деб ўйлаш хавфлидир.

Овоз беришнинг эҳтимол тутилган натижалари ва уларнинг аҳамиятини кўриб чиқайлик.

а) Айтайлик, гурух иштирокчилари бутун жамиятни ташкил этади.

Агар, масалан, иштирокчиларнинг 80% яшил қофоз, қолган 20% ёки ундан камроғи қизил қофозни танласса, вазият I катакда кўрсатилганига яқин бўлади. Бу жамият ҳар бир инсон учун етарлича устунликка эга бўлди, лекин иштирокчилар II вазиятни эгаллаган ва бу устунликка текинга эга бўлган озчилик хулқ-атворидан норози бўлишади.

Агар юқоридаги нисбат аксинча бўлса, унда биз III ва IV катаклардаги вазиятга эга бўламиш: озчилик муайян харакатларни амалга ошириди, лекин ҳеч нарсага эга бўлмади, кўпчилик ҳеч қандай харакат қилмади ва ҳеч нарсага эга бўлмади.

б) Энди гурух бутун жамиятни эмас, балки унинг бир қисмини ташкил этади, деб тасаввур килайлик. 50-60 та қофоз ҳозирланг.

Бу холда, агар қолган қофоз факат қизил ёки фақат яшил бўлса, гуруҳдаги иштирокчиларнинг танлови қандай бўлишидан катъи назар улар умумий натижага таъсир этмайди. Қизил қофоз танлови (яъни экологик хулқ-атвордан бош тортиш) шахс учун анча фойдали эканлигига эътибор беринг, айниқса, агар:

а) «экологик» хулқ-атвор маълум харажатларни (вакт, пул, машаққатни) талаб этса ёки нокулайликларга сабаб бўлса;

- б) қарорлар катта гурухларда яширин овоз бериш йўли билан қабул қилинса;
- в) олинадиган фойда аниқ бўлмай, хаддан ташкари умумлаштирилган ва олис келажакда эришиладиган бўлса.

Бу ҳол кўплаб экологик ташабbusлар билан боғлик вазиятларни моделлаштиради. Сиз атроф-муҳитга зарари камроқ бўлган маҳсулотни сотиб оласизми? Тадқиқотлар кўрсатишича, шахсий харажатлар катта бўлмасагина, кишилар атроф-муҳитга зарари камроқ бўлган маҳсулотларни сотиб олишади.

Агар:

- а) экологик маҳсулот баҳоси оддий маҳсулотнике-дек ёки салгина қиммат бўлса;
- б) экологик маҳсулот оддий дўконда сотилса;
- в) бу маҳсулот сифати аввалги маҳсулот сифатидан кам бўлмаса, шундай танлов амалга оширилади.

Овоз бериш жараёнини яна бир бор ўтказинг. Лекин бу сафар экологик хулқ-атвор баҳоси 5 бирлик, фойда эса 20 бирлик эканлигини таъкидланг. Бу натижани ўзгартирадими? Одатда ўзгартиради.

Мюнстер университети томонидан ўтказилган тадқиқотларга кўра, бу моделни экологик таълим максадларида кўллашнинг афзаллиги «Маҳбус муаммоси» ёндашуви чекланганигини кўрсатишидадир. Маълумки, анъанавий ёндашув экологик муаммоларнинг асосий сабаби — шахсий қадриятлар тизими-нинг мукаммал эмаслигига, деб таъкидлайди. Анъанавий ёндашувлар тарафдорлари экологик муаммоларнинг ечими шахсий танловнинг ўзгаришида, деб хисоблайдилар. Биз бу ғояга кичик гурухлар билан иш кўрганда ёки хулқ-атворни ўзгартириш учун шахсий харажатлар катта бўлмаган вазиятларда таянишимишиз мумкин. Маҳбус муаммоси бундай ёндашувлар жамиятда мавжуд бўлган рағбатлантириш тизими билан экологик хабардорлик даражаси ўртасидаги боғлиқликни эътиборга олмаслигини кўрсатади.

Алохид шахсларнинг яширин равишда қабул қилған қарорлари таъсирида пайдо бўладиган бу экологик муаммолар (масалан, сув ва электр энергия сарфини камайтириш) учун жуда долзарбdir. Экологик харакатлар, одатда, ёқимсиз, ноқулай ва экологик заарли хулқ-атвордан кўра серхаражатроқdir. Бундай вазиятларда экологик таълим билан шуғулланувчи шахслар экологик хулқ-атвор факат шахсий рағбат ва қадриятлар тизими билан эмас, балки бутун ижтимоий-иктисодий вазият ҳамда унинг экологик маънодаги салбий рағбатлари билан ҳам белгиланишини аниқ тушунишлари зарур. Демак, жамиятга бўлган асосий талаб шахсий ахлоқни ўзгартириш эмас, балки ижтимоий-иктисодий шароитларни ҳам ўзгартириш эканлигини айтиш мумкин. Натижада ахлоқ ҳам ўзгаради: экологик харакатлар ҳақиқатан ҳам рағбатлантирилади, заарли харакатлар эса жазоланади.

Мюнстер Университети маълумотларига кўра
<http://www.uni-muenster.de/Umweltbildung/arbeit-e.htm>

P.S. Иштирокчиларни алдайдиган ва ранжитадиган истиснолар

Инсонлар яширин харакат қила олмайдиган кичик гурух шароитида, масалан, оила ёки катта бўлмаган жамоада (айтайлик, гурух ёки синфда), инсоннинг ҳар бир харакати атрофдагиларнинг у ҳақдаги фикри шакланишига таъсир кўрсатади. Бундай вазиятларда иштирокчиларни зарур йўналишида ҳаракат қилишига (масалан, «экологик хулқ-атвор»ни намойиш этишига) «мажбуrlаш» мумкин. Демак, кичик жамоада экологик жиҳатдан муносиб хулқ-атвор рағбатлантирилади ва мукофотланади. Ўзини жамоага нисбатан номуносиб тутиш эса муайян ахлоқий йўқотишларга олиб келади.

Бундай вазият анъанавий экологик таълимни қўллаб-куватлаш учун кучли далил бўлиши мумкин. Кўпинча педагоглардан: «Менинг гурухимда ёки синфимда бу иш беради. Бизнинг муассасамизда... ҳамма ўз хоҳиши билан дарахт ўтқазади, навбатчи қарамай турса ҳам ҳеч ким ахлат ташламайди, ҳамма экологик жамғармаларга хайрия қиласди», деган гапларни эшитиш мумкин.

Бирок, синфда ёки, ҳатто, ўкув юрти миқёсида ишлайдиган тизим, бошка ижтимоий шароитларда ҳам иш беради, деб таъкидлай оламизи? Агар ўзимизга ўзимиз бу саволни бермасак, ўкувчиларимизни алдаша ва ранжитишида давом этишга мажбур бўламиз. Натижада юкори синф ўкувчиларида ёки талабаларда экологик муаммоларга нисбатан нотўри муносабат пайдо бўлади. Уларнинг ёшига хос ақлий ривожланиши абстракт фикрлаш, нарсаларга кенгроқ қараш ва экологик таълим асл вазиятни, яъни жамиятда фаолият дарсда ўргатилган қоидалар асосида олиб борилмаётганлигини кўрсатганлигини тушуниш имконини беради. Тизимли фикрлашга кўмаклашмайдиган таълим инсонни тарбияламайди, балки алдайди, чунки бир хил қоидаларни ҳам бир бутун нарсага, ҳам унинг қисмларига доим ҳам қўллаб бўлмайди.

«Ўкувчилар «Маҳбус муаммоси» машқидан сезиларли экологик натижаларга эришишда асосий нарса фақат ўз хулқ-атворини ўзгартириш эмас, балки ўзларининг ҳоҳишиларидан фойдаланадиганлар хулқ-атворини ўзгартириш эканлигини тушуна оладилар. Чунки уларнинг ҳоҳишилари ижтимоий рағбатлар билан қўллаб-куватланмаган».

Мюнстер университети материаллари асосида

2-илова

«Яшил» истеъмол экологик муаммолар ечими эмаслигининг беш сабаби

Кўйида маҳсулотнинг атроф-мухитга таъсири истеъмолчиларнинг маҳсулот танлашларида жиддий мезонлардан бўла олмаганинг беш сабаби келтирилган.

1. Танловнинг қийинлиги

Социологик сўровлар натижаларидан маълум бўлишича, истеъмолчилар экологик тоза маҳсулотларни экологик тоза бўлмаганларига нисбатан хуш кўрадилар. Бу натижалар ҳакқоний вазиятни акс эттирмайди, чунки бундай сўровларнинг тузилиши истеъмолчиларнинг хулқ-автори сабабларини очиб бериш учун камлик киласди. Агар биз: «Сиз экологик тоза ёки экологик тоза бўлмаган маҳсулот сотиб оласизми?» — каби савол берсак, ҳамма ҳам экологик тоза маҳсулотларни ёқтиради, деган жавобни оламиз. Лекин масалага чукуррок қарасак, биз истеъмолчи экологик тоза маҳсулотларни, агар у одатдаги маҳсулотдан қиммат бўлмаса; машҳур ёки ишончли компания томонидан ишлаб чиқарилган бўлса; истеъмолчи маҳсулотларни сотиб олишга одатланган дўконда сотилса; одатларни ўзгартиришга сабаб бўлмаса; одатдаги маҳсулот каби сифатли ва ишончли бўлсагина танлашини кўрамиз.

Экологик тоза маҳсулотлар ҳар доим ҳам одатий маҳсулотлар билан рақобат кила олмайди, шунинг учун истеъмолчиларнинг «яшил» маҳсулотлар сотиб олишдан юз ўгиришига ажабланмаса ҳам бўлади.

2. Жамоатчиликка тўғри маълумотлар етказилмайди

Махсулотларни «Сайёра манфаатлари»ни хисобга олиб танлаш, ҳатто, экологик онгли инсонлар учун ҳам осон иш эмас. Коғоз пакетни ёки пластик пакетни танлаш учун ҳам кўп кисми ноаниқ ва бир-бирига зид бўлган, баъзан эса баҳсга сабаб бўладиган каттагина илмий материалга эга бўлиш лозим бўлади. Боз устига, бундай маълумотларни топиш учун инсон анча ҳаракат қилиши зарур. Иккала пакет ҳам микдори камайиб бораётган табиий ресурслардан тайёрланган, иккаласи ҳам иккиласи қайта ишланиши ва иккиласи қайта ишланган хом ашёдан тайёрланниши мумкин. Қайси пакет яхшиrok? Ҳатто олимлар ҳам бу борада ягона фикрга эга эмаслар. (Яхшиси, табиий хом ашёдан тайёрланган қопдан фойдаланган маъқул. Уни компостлашдан олдин минг мартараб ишлатиш мумкин. Бирок, кишилар дўкон кассаси олдида турганларида бу вариантни камдан-кам эътиборга оладилар).

3. Истиқболнинг ўқлиги

Махсулотлар билан бўлгани каби, истеъмолчиларнинг кўпчилиги уларнинг кундалик ҳатти-ҳаракатларининг экологик таъсири ҳакида тасаввурга эга эмаслар. Масалан, ўзларини «яшил» истеъмолчилар деб санайдиган кўпгина кишилар коғоз чиқиндиларидан тайёрланган севимли маркадаги салфетка сотиб олиш учун машиналарида ортиқча бир неча километр юришга тайёр эканликларини мантиқсизлик деб хисобламайдилар. Яхши кир ювиш воситаси ёки дафтар сотиб олиш дунёни бензинда ишлайдиган арра ва идиштовок ювиш машинасидан куткариши мумкинми?

«Яшил» истеъмол истиқболни ойдинлаштиришга ҳисса кўшмайди. Инсонлар экологик тозарок маҳсулотларни сотиб олиш «Сайёрани куткариш»га ёрдам беради, деб ишонишади. Кўнгилсиз сир шундан иборатки, маҳсулотларни сотиб олган билан, «Сайёранинг соғлиғи»ни сотиб олиб бўлмайди.

4. Экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқарувчи компаниялар ўзлари ҳақида баландроқ овозда хабар беришга қўрқадилар

Бу бекорга эмас. «Компостлаб бўладиган ахлат коплари» ва «озон қатламига зарар етказмайдиган аэрозоллар»ни реклама килишни бошлаганлар ўзлари учун кўплаб муаммолар орттиридилар, шунинг учун маркетологлар рекламада ўз маҳсулотларининг экологик таъсири ҳақида берадиган маълумот чекланган бўлади. Бу хол, айникса, илмий нуқтаи назардан баҳсга олиб келса, яққол кўринади. Кўпгина компанияларнинг атроф-мухитга таъсири мактайдиган даражада эмас, шунинг учун ўзининг кучли экологик томонларини реклама қилиш — айни пайтда ўзининг экологик гуноҳларига ҳам эътиборни қаратиш демакдир. Бундан кўра, корпоратив сирни ошкор этмаслик афзалроқ эмасми?

5. Маҳсулотнинг экологик афзалликларини доимо ҳам тушуниш мумкин эмас

Компанияларнинг кўпгина экологик ташаббуслари этикеткаларда акс этмайди. Масалан, «Anheuser-Bush» пиво компанияси алюминий идишларнинг четидан бир неча миллиметр қирқиб, ҳар йили юз тонналааб алюминийни тежайди. Лекин бу идишларнинг ўзида экологик тамға йўқ. Алюминий ишлаб чиқариш учун қанча энергия талаб этилиши ва енгилроқ идишларни ташишда қанча энергия тежалиши хисобга олинадиган бўлса, атроф-мухитга таъсири қанчалик камайишини тасаввур этиш мумкин. «Қоғозми ёки пластик?» деб ўйлайдиган миллионлаб истеъмолчиларга қараганда, биргина компания атроф-мухит муҳофазасига каттароқ хисса қўшиши мумкин.

Жоэл Маковер (Joel Makower) материаллари асосида
<http://www.organicconsumers.org/Organic/greenism.cfm>.



Семинар учун вазифа:

Консьюмеризм (истеъмолчилик) бизнинг мамлакатда ҳам борган сари кенгрок ёйилиб бормоқда. Маҳсулотни масъулият билан танлаш жуда мухим. Баркарор ривожланиш таълими бу мақолада келтирилган фикрлар асосида истеъмолчиларнинг танлови мавзусига қандай килиб яхшироқ ёндашиши мумкин?

З-илова

Барқарор ривожланиш: биз қандай қилиб унга томон ҳаракат қилишимиз мүмкін?

Педагоглар бу материаллардан барқарор ривожланиш таълимининг исталган вариантида акс этиши зарур бўлган мавзуларни танлаш учун мисол сифатида фойдаланишлари мүмкін. Матнда мухим фикрлар алоҳида ажратиб кўрсатилган. Максад — болалар учун мўлжалланган ўқув материалларини яратишида бу ғоялардан қандай фойдаланиш мүмкинлигини тушунишдан иборат.

Барқарор ривожланиш: биз қандай қилиб унга томон ҳаракат қилишимиз мүмкін?

Барқарор тараққиётта эришиш учун ўзгариш (трансформация) зарур бўлган еттига мухим йўналиш бор. Улар атроф-мухитнинг кенг миёсдаги бузилишини ҳаракатга келтирувчи кучларга бевосита таъсир этади.

1. Дунёда турғун демографик вазиятга тезрок эришиш. Бу йўналишда муайян ўзгаришларга эришилган. Асосий масала БМТнинг Қохира Ҳаракатлар режасини етарлича молиялаштиришдан иборатdir. Хозир у 50% молиялаштирилмоқда.

2. Иккинчиси — камбағаллик бўлмаган дунёга ўтишдир. Бунда кўпчилик учун фаровонликка эришиш истиқболлари мавжуд. Камбағаллар ўз ресурсларини хаддан ортиқ ишлатишга мажбурдирлар. Бирок бу ўтиш бошқа сабабдан ҳам мухим. Ҳамма учун ишлайдиган ягона дунё, бу — камбағал аҳоли ва камбағал мамлакатлар манфаатлари хисобга олинадиган дунёдир. Оммавий камбағалликни тугатиш хозир эришиб бўлмайдиган орзу эмас. Бу хозирги ёш авлод

ҳаёти мобайнида амалга оширилиши мумкин. Бунга эришиш камбағал мамлакатларга ёрдам чекланганиги туфайли қийинлашмоқда, шунингдек у ижтимоий бекарорлик, коррупция ва ташқи қарз билан боғлиқ оғир мажбуриятларга ҳам боғлиқдир.

3. Учинчи хил ўтиш экологик тоза технологияларнинг янги авлодидан фойдаланишни талаб этади. Бунинг учун умумжаҳон технологик инқилоби зарур. Ифлосланиш даражасини ва табиий ресурслардан фойдаланишни камайтириш билан бир вактда, иқтисодий ўсишга эришишнинг ягона усули — хозир саноат, энергетика, транспорт ва кишлек хўжалигида кенг қўлланилаётган технологияларни тубдан ўзгаришишдир. Турли йўналишларда жиддий ўзгаришларга олиб келиши мүмкін бўлган технологияларнинг мавжудлиги ёки тез орада пайдо бўлиши хушхабардан нишонадир. Асосий эътибор энергетика соҳасидаги ўзгаришларга қаратилиши зарур.

4. Нархлар экологик ҳаражатларни тўлиқ акс эттирадиган бозор тизимиға ўтиш. Биз учун мухим бўлган технологиялар борасидаги тўнташиш ва истеъмолчиларнинг хулк-авторидаги ўзгаришлар нархларни шакллантиришдаги ўзгаришларсиз амалга ошмайди. Энг мухим ўзгариш маҳсулотнинг атроф-мухитга таъсирини ҳам ўз ичига оловчи экологик адолатли нархлардир. Бугунги кунда «антиэкологик» субсидиялар маҳсулот нархига унинг тўлиқ қийматини қўшишни қийинлаштирумокда. Бу субсидияларнинг миқдори 1,5 трлн. АҚШ долларида баҳоланади.

5. Экологик бекарор истеъмолдан экологик барқарор истеъмолга ўтиш. Бунда маҳсулотни сертификатлаш ва экологик тамғалаш тизимининг юзага келиши ҳамда мазкур ташаббусларнинг жамиятда қўллаб-куватланиши кишида умид уйғотади.

Бу фаолият барқарор бошқариладиган ўрмонлардан олинган ёғоч маҳсулотларни сертификатлашдан бош-

ланди ва ҳозир балиқ овлаш ҳамда қурилиш соҳалари га ҳам ёйилмокда. Кўплаб истеъмолчилар экологик хавфсиз маҳсулотларни танламоқдалар. Европа ва Япониядаги узок фойдаланиладиган маҳсулотларни утилизациялашни уларни ишлаб чиқарувчиларнинг зиммасига юкловчи **янги қонунлар** яна бир ижобий ҳолатдир. Эндиликда баъзи маҳсулотларнинг фойдаланиш муддати тугагандан сўнг улар ишлаб чиқарувчилар томонидан утилизациялаш учун қайтариб олиниши зарур.

6. Бошқарув тизимидағи ўзгаришлар. Жаҳон Барқарор ривожланиш учун Бизнес кенгаши экологик бошқарувнинг бир неча умумий схемаларини белгилаб берди.

а) «FROG» (инглизчадан «First Raise Our Growth» — «Биз аввал иқтисодий ўсишни юксалтирайлик»): экологик муаммоларни ҳал этиш учун, аввало, юкори иқтисодий ўсишга эришиш талаб этилади. FROG — ўзгаришларни талаб этмайдиган сценарий, шу сабабли у катта экологик зарарларга, ижтимоий адолатсизликка ва ижтимоий бекарорликка олиб келиши мумкин. Бу йўл бизнес етакчиларининг фикрига кўра ҳам ҳалокатли йўлdir.

б) «GEOPolity»: асосан бозорни экологик ва ижтимоий ютукларга эришишга йўналтирувчи хукуматларга умид боғланади. Бу сценарийнинг амалга оширилиши халқаро келишувлар ва халқаро ташкилотларга жуда боғлиқdir. Мазкур соҳадаги ҳаракатлар жуда кам натижа берди.

в) «JAZZ»: худди мусика каби, марказлаштирилмаган турли хил ташабbusларни тавсия этади. Компаниялар ҳақидаги маълумотни ҳар ким ҳам топа олади, бироқ жамоатчилик фикри ва истеъмолчилар танлови уларнинг «яхши» хулқ-атворга рағбатлантиради. Бунинг учун давлат шароит яратади, нодавлат ташкилотлар жамият ҳаётида фаол иштирок этишади, бизнес жамият манфаатлари ва табиат муҳофазасига қаратилган «тўғри» хулқ-атворни устувор деб хисоблайди (куйидаги кўшимча маълумотга қаранг).

7. Маданият ва жамоатчилик онгидаги ўзгаришлар. Бизга янгича фикрлаш тарзи, янгича дунё-каш кераклиги аён. Инсоният ўз тарихи давомида бошидан кечирган ижтимоий ўзгаришлар эсланса, буларни амалга ошириш мумкинлигини тушуниш мумкин. Масалан, қулликни илдизи билан йўқ қилиш ёки фуқаролик хукуклари учун курашни олайлик. Биз янгича онг пайдо бўлаётганлигини, эҳтимол, глобаллашувга қарши бўлганларнинг чиқишлиарида, баъзи корпорациялар томонидан амалга оширилаётган ташабbusларда, нодавлат ташкилотларнинг ўсиб бораётган таъсирида, жамиятда олимлар таъсири кучаяётганлигига ва диний экологик компанияларни пайдо бўлаётганлигига кўраётгандирмиз. Қандайдир янги ва муҳим ҳодиса яқинлашаётганлигига умид қилишга ҳамма асосларимиз бор.

Жамият экологик онгининг ўсишида инсоният томонидан иқлимининг ўзгаришига кўрсатилаётган таъсири ўзига хос аҳамият касб этиши мумкин.

Кўпгина умидбахш маълумотлар мавжуд, лекин, ростини айтганда, биз ҳозир барқарорлик томон ҳаракатнинг илк босқичларидамиз.

Проф. Жеймс Густав Спет материаллари асосида¹ //James Gustave Speth, The Failure of Green Governance, 2002

¹ Профессор Спет машхур Дунё Ресурслари Институтини ташкил этиш ташабbusкори.

Күшимча маълумот

«GEPolity» сценарийси таъсирчанлиги бирмунча кам бўлишига қарамасдан, янги меъёрлар ва стандартлар кабул килиш, янги ҳалқаро ташкилотларни, масалан, Жаҳон атроф-муҳит ташкилотини тузиш орқали уни самаралироқ қилиш мумкин. Қудратли Жаҳон атроф-муҳит ташкилоти бизга Жаҳон савдо ташкилоти каби муҳимдир. Ҳалқаро ҳамжамият, хозирча фақат иқтисодий соҳада бўлса ҳам, кучли таъсирга эга ҳалқаро ташкилотларни тузиш борасида ижобий тажрибага эга.

JAZZ сценарийси — ходисалар ривожланишида умид баҳш майдондир. Унда бизнес, нодавлат ташкилотлар, давлат ташкилотлари ва бошқа иштирокчилар томонидан «пастдан юқорига» ҳаракатланувчи турли хил ташабbusларни кўриш мумкин. Дю Понт, Шелл, БиПи каби етти йирик компаниялар 2010 йилга келиб карбонат ангидридни атмосферага чиқаришни 1990 йилдагига нисбатан 15% камайтиришга келишиб олдилар. Alcoa компанияси атмосферага чиқарилаётган газларни бу муддатда 25%, Дю Понт эса хатто 65% камайтира олишини маълум қилди. Дунё-

нинг ўн бир йирик компаниялари (жумладан, Дю Понт ҳам) биргаликда «Яшил Энергия» бозорини ривожлантириш гурухини ташкил этдилар. Гурух шу ўн йилликда қайта тикланадиган манбалардан 100 мегаватт электр энергия олишга имкон берадиган бозор яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Ёғочни қайта ишловчи бир неча трансмиллий компаниялар (Home Depot, Lowes, Andersen) фақат барқарор бошқарилувчи ўрмонлардан олинадиган, мустақил эксперталар томонидан каттиқ мезонлар тизими бўйича сертификатланган ёғочни сотишга келишишди. Балиқни қайта ишлашда дунёда етакчи бўлган Юнилевер компанияси ўзининг балиқ маҳсулотлари учун шунга ўхшаш шартларни қабул қилди.

Бу корпоратив ташабbusларнинг ҳаётга татбиқ этилишида нодавлат ташкилотларнинг ўрни катта. Улар JAZZ сценарийсининг асл дирижёрлариридир. Ҳукуматлар, университетлар ва бошқа ташкилотлар ҳам ўз хиссаларини қўшдилар, албатта. Масалан, 500 дан ортиқ маҳаллий ҳукуматлар «иссиқхона» газларини атмосферага чиқаришни камайтириш тадбирларини кўллаб-куватладилар.

4-илова

Экологик изни ҳисоблашдан таълим жараёнида нима учун ва қандай фойдаланиш мумкин?

- Ўқувчилар ўз изларини ҳисоблашлари ва Ер ресурсларидан фойдаланиш ҳақида кўп нарсаларни билиб олишлари мумкин.
- Ўқувчилар ўз изларини ватанидаги ва бошқа мамлакатлардаги ўртacha экологик излар билан таққослашлари мумкин. Улар дунёнинг турли қисмларидаги одамлар қандай яшаётганликлари ва у ерда хукм суроётган турлича фойдаланиш усулларига қандай таъсир кўрсатишлари ҳақида билиб оладилар.
- Экологик из таҳлилидан ўз жамоаси, ўз уйи, мактаби ёки шаҳрининг экологик изини ҳисоблашга йўналтирилган ўкув дастури қисми сифатида фойдаланиш мумкин.

даланиш мумкин. Ўқувчилар маълумотларни сўров ўтказиши ва сухбатлашиш орқали ҳамда кутубхоналардан йигишлари мумкин. Шунингдек, турли ўзгаришларни амалга оширишлари ва уларнинг самарасини кўришлари мумкин (масалан, чиқиндиларни қайта ишлаш, овқатланиш рационини ўзгартириш ва х.к.)

- Ўқувчилар экологик изни ҳисоблаш натижаларини ўз жамоаларига тақдим этишлари ва жамоанинг экологик изини камайтириш усулларини таълиф қилишлари мумкин.

Манба: Education for a Sustainable Future, Center for a Sustainable Future ва Cobb County Schools лойихаси.

Сизнинг экологик изингиз қанчалик катта?

Куйидаги саволларга жавоб беринг. Ўз оиласиз турмуш тарзига мос равиша 1, 2 ва 3-жавобларни белгиланг.

Овқатланиш

Сиз қанча гўшт истеъмол қиласиз?	Вегетариан (гўштсиз)	1	Ҳафтасига 1—4 кун	2	Деярли ҳар куни	3
Уйингизда қанча озиқ-овқат чиқитга чиқади?	Деярли ҳаммаси ейилади		Айниган ва ейилмаган тасодифий чиқитлар	2	Кўпинча айниган ва ейилмаган чиқитлар	
Озиқ-овқат маҳсулотлари қаердан келади?	Томорқада етиштирилган ёки бозордан сотиб олинган — пластмасса ўрамсиз	1	Ўз мамлакатингизда етиштирилган ва супермаркетлардан пластмасса идишларда сотиб олинган	2	Кўп холларда — супермаркетлардан сотиб олинган ва пластмасса идишлардаги импорт маҳсулотлар	

Саёҳат

Оилангиз ҳар хафтада қанчалик узок масофага сайр килади?	Ҳафтасига 100 км дан кам	1	Ҳафтасига 100 км дан 300 км гача	2	Ҳафтасига 300 км дан ортиқ	3
Ҳар йили таътил вактида қаерга борасиз?	Уйдан узокда эмас	1	Минтақа доирасида	2	Бошқа мамлакатларга	3
Мактабга ҳар куни қандай етиб борасиз?	Пиёда ёки велосипедда	1	Жамоат транспортида	2	Машинада	3
Оилангизда машина борми?	Йўқ	1	Битта кичик машина (1600 см куб ёки кичик)	2	Катта машина ёки бир нечта машина	3

Уй хўжалиги

Сизнинг уйингиз қанчалик катта?	Кичик (1—3 хона)	1	Ўртacha (4—7 хона)	2	Катта (7 хонадан ортиқ)	3
Уйингизда қандай энергиядан фойдаланасиз?	Баъзилари ёки барчаси куёш-шамол энергиясидан	1	Факат электр энергия	2	Ёюч-кўмир-керосин	3
Уйингизда қанча электр энергия сарфланади? Электр энергия учун квитанцияни текширинг	Ойига \$10 гача	1	Ойига \$10 дан \$30 гача	2	Ойига \$30 дан кўп	3
Уйингизда қанча сув сарфланади? Сув хисоблагични текширинг.	Кунига 700 л ёки камроқ	1	Кунига 700 л дан 1200 л гача	2	Кунига 1200 л дан ортиқ	3
Сизнинг оилангизда сувдан яна қандай максадларда фойдаланилади? Алоҳида ванна; боғда сувдан қайта фойдаланиш; маҳаллий дараҳтлар ўсадиган боғ; икки марта ювишли хожатхона; бассейн йўқ.	5 тасининг ҳаммаси	1	Улардан 3—4 таси	2	Улардан 0—2 таси	3
Қоғоз, консерва банкалари, пластмасса, шишани қайта ишлаш учун топширасизми, компост тайёрлайсизми?	5 тасининг ҳаммаси	1	Улардан 3 — 4 таси	2	Улардан 0—2 таси	3

Аҳоли

Сизнинг нечта ака-ука, опасингилларингиз бор?	йўқ	1	битта	2	иккита ёки ундан кўп	3
---	-----	---	-------	---	----------------------	---

Барча белгиланган балларни қўшинг.

Умумий натижа =

Сизнинг хисобингиз қанча?

Ўз ҳисобингизни қўйидагилар билан солиштиринг ва оиласиз Сайёрамизга қандай таъсир кўрсатаётганлигини аникланг.

16 дан паст

Сиз Сайёрамизда жуда юмшоқ юрасиз ва изингиз бошқаларнига нисбатан кичик. Атрофимиизда шундай одамлар кўпроқ бўлишини хоҳлар эдик!

17 дан 30 гача

Сизнинг изингиз ўртача ва сиз Сайёрамизга зарар келтирмоқдасиз. Атроф-мухит сизга ўхшаган кўп кишиларни таъминлай олмайди.

30 дан юқори

Бонг! Агар Сайёрамиздаги ҳар бир киши шундай изга эга бўлса-да, барчанинг эҳтиёжини қондириш учун бизга яна бир неча Ер сайёраси керак бўлади.

Манба: *Enviro Kids*, 22(2), March / April 2001, Wildlife and Environment Society of South Africa дан мослаштирилган.

ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМДАН БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ТАЪЛИМИ САРИ

Тошкент — «Talqin» — 2007

Масъул мухаррир *A. Нигматов*

Мухаррир *Ф. Орипова*

Мусаххих *Р. Аъзамова*

Компьютерда сахифаловчи *E. Гильмутдинова*

Босишига 12.10.07 да рухсат этилди. Бичими 70x100¹/₁₆. Офсет босма
усулида босилди. Шартли б.т. 10,5. Нашр. т. 10,0. Жами 2000 нусха.
279-сонли буюртма.

«Talqin» нашриёти, Тошкент-129, Навоий кўчаси, 30.

«Agnaprint» МЧЖда чоп этилди.
100182, Тошкент, X. Бойқаро кўчаси, 41.

ҚАЙДЛАР УЧУН

ҚАЙДЛАР УЧУН

ҚАЙДЛАР УЧУН

ҚАЙДЛАР ҮЧУН